821-512
К-52.

Нурали ҚОБУЛ

АРОСАТ ВА ФАРОСАТ



ТЕМУРИЙЛАР ЭПОПЕЯСИ

Тарихий роман

XII

Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

nashr

DCAT:

5935-

Нурали ҚОБУЛ

АРОСАТ ВА ФАРОСАТ

XII

Тарихий роман



Тошкент
“IJOD-PRESS”
2018

УЎК: 821.512.133-311.6
КБК: 84(5Ў)6
Қ 52

Қобул, Нурали
Аросат ва фаросат: тарихий роман / Н. Қобул. – Тошкент : «IJOD-PRESS», 2018. – 400 б.

УЎК: 821.512.133-311.6
КБК: 84(5Ў)6

"Аросат ва фаросат" тарихий романи "Темурийлар" эпопеясининг ўн иккинчи китобидир.

Турон давлати, темурийлар салтанатини жаҳонгир султон соҳибқирон замонасидаги мавқега кўтариш учун жидду жаҳд этган уфқлар хоқони Шоҳруҳ отаракиб, улуғ амир Қора Юсуфдан Шерозу Озарбайжонни қайтариб олмоқ учун йўлга чиқаркан, бекланмаган ҳолда ўз жияни, Ироқу Исфаҳон ҳукмдори мирзо Искандар Умаршайхнинг қаршилигига дуч келади.

Туркистону Мовароуннаҳр ташвишини елкасига олган султон Улуғбек эса Кўксаройда буюк бобо Кўктошида муқим. Самарқанд расадхонасини тиклаш ва юлдузлар суҳбатига ошно бўлмоқ орзуси бир дақиқа бўлсин фикру ёдини тарк этмайди. Бироқ эзгулик сари борилажак йўлда қатъият, саботу матонат ила юра билмоқ, жангу жадаллар, замону салтанат ташвишлари силсиласида осон кечмайди.

Тақризчилар:

Поён РАВШАНОВ, – Биология фанлари доктори, профессор.

Рашид ХОЛМУРОДОВ, – Тарих фанлари номзоди, доцент

Қаҳҳор ЙЎЛЧИЕВ, – Филология бўйича фалсафа доктори

ISBN: 978-9943-5235-0-0

JIZZAX VILOYAT AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
INV № 05-873
«30» 04 2021 Y

© "IJOD-PRESS" нашриёти, 2018

БИРИНЧИ БОБ

Ким кўрибди, эй кўнгил,
Аҳли жаҳондин яхшилик.
Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Ота бошкентига хуфтон намозига таъқибан етиб келган Шоҳруҳ султон Кўксаройнинг қиблагоҳи ибодат этадиган хос хонасида тангрига узоқ илтижо қилди.

Воқеалар ривожи, ният қилинган барча ишларнинг қон тўкмасдан ва жон чекмасдан ҳал бўлишидан далолат берар, ер юзининг жаннати, фирдавсмонанд Самарқанд буюк соҳибқирон зоти олийлари замонасидаги каби ўзининг тинч, осойишта ва фаровон кунларига қовуша бошлаган эди.

У ўсмирлигида қиблагоҳи Кўксаройда яшаган қисқа фурсатларда бу хонага кириб отасига эркаланар ва бундай суҳбату муҳаббатлашувлар узоқ давом этмас эди.

Кейинги тўрт йилда бу хонада амирзода Халил Султон маликаси билан қиш ойларида яшаган. Отаси давридаги қимматбаҳо ашёлардан деярли ҳеч бири қолмаган.

Кўксаройнинг янги маликаси ўз дидига кўра гиламдан тортиб пардаларгача ўзгартирган. Олтин шам ва машъаладонлар ҳам кумушга алмаштирилган. Ётоқнинг бўш тарафида ёнғоқ оғочидан ишланган китоб дўлоби бўлар эди. Унинг ўрнига манқал қўйилган.

Толиққан хоқон узаниши билан кўзи илинди. Болалик, ўспиринликнинг соғинчли хотиралари рўёга уланиб кетди.

Самарқандга кеч куз олтинранг этагини ёйган, Қорадарё ва Зарафшон бўйларида сўнг баҳорнинг ар-

монли эпкини кезар, ўзани торайган дарёлар ёз бўйи тўпланиб қолган қум ва шағалларни емириб оқарди.

Эрта туриб бомдод намозини ўқиган хоқон хона ойнасидан бир зум сарой ҳовлисини кузатиб турди.

Ҳовлига киришдаги дарвоза қоровуллари найзаларини тутганча наридан бери юришар, Шовдор ва Жумабозор томондан келаётган зироатчи ва тужжорлар эшагу хачирларини ҳайдаганча, ўрда бозори томон ошиқишарди.

Елкасига яктагини ташлаган хоқон иккинчи қатдаги хос хонасидан пастга қараб йўналди.

Қиблагоҳининг бомдод ибодатидан сўнг сарой ҳовлисига чиқишини биладиган амирзода Улуғбек зинапоя этагида қўл қовуштириб турарди.

– Ваалайкум ассалом, амирзодам! – ўғлининг саломига алик олди султон уни оҳиста бағрига босаркан.

Отасининг элини қўшқўллаб тутган мирзо кафти устини ўпиб, тавоф этди.

Ота-бола сарой ҳовлисига чиқдилар. Бир муддат кезароқ садақайрағоч остидаги сўрига ўтирганларида Бўстонсаройдан амир Нуширвон Барлос чиқиб келди.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳ! Султону валиаҳд суҳбатларига қўшилиб шараф туймоқ бахтига сазовор этасизми, онҳазрат? – деди ўн қадамча нарида тўхтаб таъзим этаркан.

– Зотан сиз улуғ амир боболарини беклаётган эдик. Қўнушажак ва маслаҳатлашажак ишлар бор. Ўзларига маълумки, энг муҳим, мулки давлат, сулолаю салтанат тақдирига дахлдор ҳал қилувчи қарорларни сиз азиз амакимизнинг тавсия ва тасдиқларисиз олмаймиз, – амир амакисини хуш кайфият ва самимият-ла қаршилади хоқон.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Онҳазрат каби шаъни шавкатли авлодимиз-ла фахр этароқ, сидқу садоқат ила хизмат қилмоқ бўйнимизнинг бурчидир. Давлатпаноҳимизга муносиб қул ўлмакдан ўзга лутф истамасмиз. Оллоҳ сиздан минг карра рози бўлсин, хоқоним! – дея меҳр-муҳаббат-ла юкунди амир Нушир-вон Барлос.

– Жумламиздан Оллоҳ рози бўлсин! – деди амаки-сининг самимий сўзларидан кўнгли бўшашган хоқон йиғига ўхшаш овозда. – Келинг. Ёнимизга ўтиринг. Бир оз суҳбатлашиб, ота юртнинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олайлик. Ҳиротга борсак, бу беғубор осмону ҳаволарни, ота бошкентнинг қиблагоҳ ҳазратлари чиз-ган шакли шамойилини соғинамиз. Самарқанддаги кун-лар мен учун туш каби кечади. Ўзимни кўкда, етти қават само устида учиб юргандек ҳис этаман.

– Қалбингизни, ватанга боғлиқ имонингизни шу илоҳий ҳис-туйғулар тарк этмасин, султоним! Бу юрт меҳри, ва-тан севгисидир! Бутун имонлар, муқаддас эътиқодли юраклар шундай руҳий ва жисмоний сезгиларга лиммо-лим бўлади. Бу меҳр-оқибат туйғулари мудом эл-улусимиз, давлату салтанатимизга хайри-саодат келтирсин! – чин қалбдан дуойи тилак билдирди амир Барлос.

– Қуллуқ, амаки! Сизнинг тоза юрагингиз ва сидқу садоқатингиз олдида барчамиз мутаассир ва қарздормиз. Кузатганман, Самарқандга келсангиз, сиз ҳам очилиб, яйраб кетасиз. Қулоғимиз сизда, шавкатли қиблагоҳ ва аждодларимиз ҳақидаги хотираларингиз-дан сўзлаб беринг. Биз тинглаб, зеҳнимизга қуйиб олай-лик, – амирни руҳлантирди султон.

– Балҳда, сўнгра Самарқандда султони ғозий ҳазратларининг биз барлос туркларининг буюк бобоси

Атабек Барлостурк аво билан кечган суҳбатларига бир неча бор шоҳид бўлганман. Атабек Барлостурк улуғ хоқон зоти олийларининг давлат сиёсати ва салтанат ишини юритиш бобида устозлари эдилар. Барлостурк авонинг барча тавсияларига қулоқ солар ва маслаҳат сўрардилар. Бундай суҳбатларда раҳматли Жоку Барлос аво ҳам иштирок этар, бу уч улуғимизнинг суҳбатини тингламоқ, мадраса таълимини олмоқ ила баробар эди. Зоти олийларига бир ғаройиб воқеа тафсилотини сўзлаб берайин. Ҳиндистон фатҳидан қайтар эканмиз, султон соҳибқирон ҳазратлари билан Гужарат вилоятининг асир тушган рожаси ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат воқеасидан барчамизнинг қалбимиз ларзага келган эди. Султони ғозий ҳузурларига оёқ-қўлига кишан урилган рожани олиб келдилар. Улуғ хоқон ҳазратлари асирни кишандан озод этмоқни буюрдилар ва рожага "не истайсан?" дегандек боқдилар. Кишандан бўшанган рожа улуғ амир ҳазратларига қараб шундай деди: "Эй Темур! Сен кимсан? Агар оту одам жаллоди бўлсанг, бизни қул қилиб сотиб юбор! Жаллоди жоҳил бўлсанг, бошимизни ол! Ҳақиқий подшоҳ, султонлар султони бўлсанг, бизни озод эт!" Бу оташин мурожаатдан султон соҳибқирон дохил барчамиз лолу ҳайрон қотиб қолдик. Қиблагоҳингиз ҳазратларининг кўзларидан дувиллаб ёш қўйилса бўладими?! Ана инсону инсонлик! Мана сизга қалб ва кўнгли кишилиги!

"Имону эътиқодимни ларзага келтирдинг, рожа! Шундай гўзал юрт ва беозор бир қавм устига бостириб келганимдан ўзим ҳам чексиз афсусдаман! Энди эрса тек чорамиз бор! Бу ҳам бўлса сен каби очиққўз ва тўғрисўз ҳукмдорлар воситасида улус қалбидаги жароҳатларни даволамоқ! Шу дақиқадан эътиборан сен ва сарой

аъёнларинг озодсизлар! Бизнинг ёрлиғимиз билан мамлакатинг Гужарат тасарруфида давом этажаксан! Сендан фақат бир рижойимиз бўлади! Мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқига тажовуз этма ва бошқа дину диёнат аҳлига-да бағрикенглик қил! Рожанинг мамлакатидан моли омон олинмасин! Унга от-улов ва емак-ичмакдин кўмак этиб юртига кузатиб қўйинг!" Мана сизга асил подшоҳлигу жаҳонгирлик, онҳазрат! – дея ҳикоясини мухтасар этди амир Нуширвон Барлос.

– Ё Оллоҳим! Вақту замон, макону даврон бизни қиблагоҳдан узоқлаштирганлари сари ул зоти олийнинг не қадар буюк шахсият ва ҳукмдор эканликлари янада яққол кўзга ташланаверар экан! Қани энди биз ул жаҳон султони қилган ишнинг юздан бирини уддалай олсак эди!

– Оққан дарёлар оқажак, онҳазрат! Яратган эгамиз сиз уфқлар султонига ҳам падари бузрукворингизнинг шонли, шуҳратли йўлларини насиб этажак, иншооллоҳ! – деди ҳикоясидан ўзи ҳам таъсирланган кекса амир кўзи ёшовлаб.

– Қиблагоҳнинг бир умрлик йўлдошлари Жоку тағойи ҳам жуда гапнинг каштасини келтириб олар эдилар-а? – кайфияти янада кўтарилганди хоқоннинг.

– Тағойининг кўп такрорлайдиган бир гаплари эсимдан чиқмайди. Мана шундай хос суҳбату машваратларда улуғ хоқон ҳазратларига ёшда биз улуғ бўлсакда, бошда сиз улуғсиз, буюк хоқоним. Шунинг учун ҳам садоқатли итингиз каби ортингиздан эргашиб юрамизда. Кет десангиз ҳам кетмаймиз, дер эдилар. Қани энди ундай одамлар. Улуғ хоқон элагидан тушиб, ўзини ул кишимга тенглашга уринмоқчи бўлган тўртта дордан қочганга кунимиз қолган эди, уларни-да тангри йўли-

миздан олиб ташлади. Ўзига шукр, – завқ-ла ҳангома берарди кекса амир. – Зотан, ёши бошига, боши ёшига уйғун бутун шахсиятлар бу ёруғ оламда кўп эрмас, султоним.

– Атабек Барлостурк авонинг қабрлари Шоҳи Зиндада эди. Қиблагоҳ ила икки маротаба борган эдик. Бугун ҳам қиблагоҳ зиёратларидан сўнг Шоҳи Зиндага ўтайлик, – деди хоқон амирнинг раҳматли улуғларни эслатганидан мамнун бўлиб.

– Қабрлари Шоҳи Зинда асосий йўлагининг кун чиқиш томонида, Қутлуғ Туркон оқа мақбарасининг шундоққина қаршисида, – изоҳ берди амир Нуширвон Барлос.

– Энди сафару сиёсатимизга боғлиқ масалаларни муҳокама этсак, – деди хоқон суҳбат мавзусини асосий ишларга буриб. – Саврону Сайрамдан не хабарлар бор? Амир Шоҳмаликдан ҳаводислар олдингизми?

– Амир Шоҳмалик чорак асрлик ғанимини йўлдан олиб ташлаб, роҳат-ла ухлаётган бўлса керак, онҳазрат, – жавоб қилди амир Барлос.

– Бироқ ҳали-ҳануз Саврон қалъасини қамал этиб турган экан. Ҳар икки тараф бир-бири томон ўқ узиб, тирандозлик қилаётган эмишлар. Амир Нуриддиннинг кичик қардоши Шайх Ҳасан бошчилигидаги қалъа ҳимоячилари таслим бўлмаётирмиш. Бу турумда не қилмоқ керак? Амир Шоҳмаликни Самарқандга чорлаб, савронликларга озодлик берсак. Не дейсиз? Балки шундан сўнг бу жамоа бизга эшу дўст бўлар?

– Фикрингиз ғоят тўғри ва ўринлидир, аълоҳазрат. Ожиз ақлимча амир Шоҳмаликни Самарқандга даъват этиб, баробар келгусидаги ишлар режасини муҳокама этмоқ мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, амирзодамиз отабегининг меҳнату хизматларини муносиб тақдирлаб,

Туркистону Мовароуннаҳр юрти ҳукмронлигини авлодимиз мирзо Улуғбекка топширмоқ замони ҳам келди, деган ўйдаман, аълоҳазрат, – одатдагидек фикрини очиқ сўйлади амир.

– Биз Саврону Сайрам масаласини муҳокама этмоқни бошлагандик, сиз янада жиддийлашиб кетдингиз, амаки, – амирнинг кутилмаган таклифидан сергак тортганди хоқон.

– Саврон масаласи амир Шоҳмалик муҳосарани тўхтатиши билан ҳал бўлади, онҳазрат. Шайх Нуриддиннинг биродари ва ўғиллари сулҳу омонлик тилаб, ҳузурингизга элчи юборадилар. Мен масаланинг чўзимини шу тарзда кўрмоқдамен. Сайрам эса дўлдай аймоғининг қўлида. Улар бизга ярим дўст, ярим бетараф турсалар-да, зиллату разолат даллоли шаҳид амир каби исёну мухолифат байроғини кўтармайдилар.

– Фикрларингизга қўшиламан, амаки. Бироқ улуғ қиблагоҳ ҳазратларининг сўнгги амир ул-умаролари ҳақида юқоридаги каби оғир идъомлари бўлунманг. Ўтган ўтди. Амирзодамизнинг салтанат жиловини тутиб кетишларига ишончингиз комилми? – бир ўғлига, бир амирга қошини чимириб боқди султон.

– Нега имоним комил бўлмасин, аълоҳазрат. Етти ёт бегона бир юрт, Астрабодда туппа-тузук ҳокимиятини бошқардилар. Ҳар кўчаю сўқоғини беш қўлдек биладиган отабошкентларини недан бошқара олмасинлар? Айри чўп ерга кирмас деганларидек, устоду шогирднинг икки бошли ҳокимиятчилик сиёсати бир кун эмас, бир кун панд бериши, орадаги самимий муносабатга раҳна солиши мумкин, – фикрлари тош босарди амир Нушервон Барлоснинг. – Мирзо авлодимизни ҳам ёшсиз, боласиз десангиз, ёш ва бола эканман деб юраверадилар-

да. Давлату салтанатнинг масъулиятли оғир юки эрта гарданига юкланган шаҳзодалар тез улғайиб, эрта етишадилар.

– Салмоқли ва асосли фикрларингизга эътироз билдиражак ҳолимиз йўқ, амаки. Амир Шоҳмалик устознинг яна бирор йил чамаси Самарқандда қолишларини тушунган эдим. Бу суҳбатдан сўнг қароримизни қайта кўриб чиқмоққа тўғри келади. Сиз бу хусусда не дейсиз? – ўғлига қаради султон.

– Сиз қиблагоҳ ҳазратлари нени амр этсалар, юздаюз бўйин эгмоқ ва амал қилмоқ мен учун фарздир, – тик турганча қўл қовуштириб жавоб қилди мирзо Улуғбек. – Орамизда уфоқ-тефак англашилмовчиликлар бўлсада, муҳтарам отабегимиз ила баробар чалишмоққа-да ҳозирмен.

– Маъқул, ўғлим. Ҳозир эса сиз саройга бориб, нонушта суфрасини ҳозирлатинг. Биз амакингиз ила ортингиздан етиб борамиз, – ўғлига иш буюрди хоқон.

Мирзо Улуғбек таъзим-ла тисланиб, Кўксарой томон юрди.

– Самарқанд иқтидори масаласини иккимиз муҳокама этсак, амаки, – деди хоқон ўғли узоқлашгач, амирга. – Амир Шоҳмаликни отабегилик ва соҳиб ихтиёрликдан озод этгач, қай бир лавозимга тайин этмоғимиз керак? Энг муҳими, бу ишни ул устознинг дилига озор бермай, кўнглини оғритмай амалга оширмоғимиз лозимдир, – амакисига маслаҳат солди Шоҳрух.

– Ҳақсиз, онҳазрат. Амирнинг салтанат ва сулола олдидаги хизматлари тақдирга шоёндир. Буни кимса инкор эта олмас. Гапнинг очиғи ва рости унинг амир Шайх Нуриддинни бу тарзда йўлдан олиб ташлаб, юрту улус юкини енгиллатиши кимсанинг ақлига келмаганди. Ме-

нимча, уни салтанат вазири сифатида Ҳиротга олиб кетмоқ керак. Сўнгра уруғдошлари кўпроқ яшайдиган Марв ёки Хоразм каби бир вилоятга ҳоким тайин эта билурсиз, хоқоним.

– Тўғри фикр. Ўйлаб қарасак, амир Шайх Нуриддин қатлидан сўнг бу ҳудудларда қолдирмоқ амирнинг жону мол омонлиги нуқтаи назаридан ҳам хатарлидир. Шаҳид амирнинг хешу ақраболари сўзсиз хуну қасос пайида бўладилар. Бу хавфни кўздан қочирмасликка тўғри келади. Ота юртда сувлар тиниб, эҳтиросларбосилганда қайтишлари мумкин.

– Унда ҳамон Савронга чопар юбормоқ керакким, амир Шоҳмалик қўшинининг ярмини Туркистонда қолдириб, бошкентга дўнсин.

– Маъқулдир, амаки. Чопар жўнатамиз. Энг муҳими, ота улус вилоятларининг муҳим ишларини қайта бошдан саришта этиб, мамлакат ҳудуд ва чегараларини бебоклар офатидан омон сақлаб қолдик. Лашкар истироҳат этиб ўзига келгач, бирор ҳафта сўнгра Ҳиротга дўна билурмиз.

Давлати аркон Самарқанддан чиқиб, Конигилдаги лашкар йўлдошлигида Кўкгумбазга етган эди. Фарғона ҳокими мирзо Аҳмад Мирак итоат камарини белига маҳкам боғлаган ҳолда хоқони саид элини ўпиш учун Кўкгумбаз манзилига етиб келди ва султоннинг олий иноятига сазовор бўлди. Амир Шоҳмалик ҳам Малика Тумон оғони олганча шу қароргоҳда подшоҳга мулозамат кўрсатиш саодатига мушарраф бўлди. Тумон оғо ва амир Шоҳмаликнинг қароргоҳга улашганлиги хабари етганда Шоҳруҳсултон амир Нушрвон Барлос билан яна ўша, отабегини вазифасидан озод этмоқ масаласини муҳокама қилишарди.

– Устоз, амир жаноблари билан қай оҳангда қўнишсак экан? – амакиси Нуширвон Барлосга савол назари билан боқди хоқон ҳамон амир Шоҳмаликни Туркистону Мовароуннаҳр соҳиб ихтиёрлигидан азл этиб, Ҳиротга олиб кетмоқ ҳақида бош қотирар экан.

– Бул қарорга бугун бўлмаса, эртага ёки индин муҳаққақ келинади, онҳазрат. Амирзодамиз ўн етти ёшга тўлдилар. Шаҳзодалар учун ўн етти ёш, ёшликка кирмайди. Қолаверса, ақл ёшу бўй билан эмас, ўй билан ўлчанади. Жиянимиз билан яккама-якка қўнишдим. Фикрларини ўрганиб, оғизларини искаб кўрдим. Сиз хоқон қиблагоҳларига, табиийки, андиша қилиб очиқ-ойдин сўйламоқликка тортинадилар. Шериклик товуқдан ёлғиз тухум яхши дегандек, мулки мамлакатни амирзодамизнинг теран ақли-ю, идрокли тадбирига топширмоқ вақти етган. Шунда мирзамиз масъулиятни янада чуқур ҳис этиб, бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишлайдилар. Эртами кечми ҳокимиятни шогирдига топшириш кераклигини амир жанобларининг ўзлари ҳам яхши биладилар. Бу ҳолдан хафа ёки норози бўлишларига ҳеч бир асос йўқдир. Бу ерда амир ҳазратларининг шаъну ғурурларига тегажак янглиш ҳаракат содир бўлмаётир. Менимча, тўғри тушунадилар. Амирзодамизнинг мулоҳазаларидан шуни заҳн этдимки, шаҳар акобиру асотирлари орасида амир жанобларига нисбатан норозилик ҳам бор. Амир Шайх Нуриддиндан мағлуб бўлиши ва уни Самарқандни қамал қилиши воқеаларида халқ отабегини айбламоқда экан. Агар Шоҳруҳсултон қўшини Туркистонга оёқ босмаса, Шайх Нуриддиннинг ўрнига амир Шоҳмаликнинг боши сапчадек узиларди, деган гап ҳам эл орасида юрибди, онҳазрат!

– Ҳар қандай шарту шароитда биз амир Шоҳмаликнинг

давлату салтанат олдидаги хизматларини инкор эта олмаймиз. Бизга сидқу садоқат кўрсатиб, валиаҳдимизни шу даражага етказди. Кўктош сари қилич кўтариб от қўйган икки ғоят хатарли ва тажрибали бекни бартараф этди. Инсон юзи иссиқ, шуларни мулоҳаза этиб, бир оз тараддуддамен, амаки, – истиҳоласини сўйлади хоқон.

– Ҳақлисиз, аълоҳазрат. Ҳеч бир эътирозим йўқдур. Шер қутурса ойга чопар дейдилар. Султони ғозий ҳазратлари қайтувларидан сўнг зоти олийларининг кўзлари ёғини еб юрган, тилга олганимиз уч амир ўзларини шер санай бошлади. Амир Темурнинг дўсти, сафдоши, амир ул-умароси, вазиру вузароси дегани Амир Темур дегани эмаслигини англаб етмадилар ва унутиб қўйдилар. Ойга сапчийман дея охир-оқибатда тос тепалари билан тушдилар. Амирлар Худойдоду Шайх Нуриддинни асфаласофилинга жўнатгандан сўнг отабегимиз ҳам, табиийки, ўзларини бош баҳодиру қаҳрамон ҳис этмоққа ҳақлилар. Бироқ буни қаҳрамонлик эмас, миллатга хизмат, бурчу вазифа деб тушунмоқ лозим. Кимки, агар мен подшою вазир бўлмасам, бу эл-юрт хароб, мамлакат вайрон бўлар эди, дея фикр қилса, икки карра янглишади. Амир жаноблари муаммосига ҳам ана шу нуқтаи назардан ёндашмоқ керак деган тушунчадаман.

– Сиз асосу далилсиз, товону табонсиз қўнишмайсиз, амаки. Буни барча яхши билади. Пайғамбаримиз ҳазратларининг мени пайғамбар дея кўтар-кўтар қилиб, ҳамду сано ўқиманг, мен ҳам сиз каби Оллоҳнинг бир гуноҳкор қулиман деган ҳадислари барчамизга сабоқ бўлмоғи керак. Тангри сизу мен, амир Шоҳмалигу мирзо Улуғбекни мулку миллатга хайр-саховат, раҳмату марҳамат келтирсин, дея қўлимизни узун қилгандир.

Буни нотўғри англаб, янглиш ҳаракат этсак, ўз-ўзидан шаҳид беклар турумига тушажакмиз. Амир жаноблари малика Туман оғони ҳам олиб келаётган эканлар. Маъқул кўрсангиз, баробар суҳбатлашсак? – амакисига маслаҳат солди хоқон.

– Фикри ожизимча, бу суҳбатларда мен қатнашмайин. Аввал маликамизни, сўнгра амирни қабул этиб, бирма-бир қўнишганингиз маъқул. Қўноқ қўноқни суймас, эв соҳиби иккисини ҳам дегандек, амир Шоҳмалик усиз ҳам Ҳирот ҳижратини мен бечорадан кўради. Худойдоду Шайх Нуриддинлар ишини битириб, кўзини менга тикмасин тағин. Душманингким хас, хас ҳам бўлса бас, дейдилар. Амирзодамиз ҳурмати у билан илиқ муносабатда бўлмоқ ниятидаман, онҳазрат. Бироқ гапи маъқул келмаса, тутун қайтарсам, орамизга совуқлик тушади. Шул боис менга рухсат этинг! – ўйлаганини сўйлади амир Нуширвон Барлос.

Амир амакисини тахтдан туриб саропарда қопусигача кузатиб келган хоқон ҳузурига малика Тумон оғони чорлашни буюрди.

Ҳорғин ва гўзал чеҳрасига изтироб изи тушган малика кўз ёши тўкканча ихлос ила келиб султоннинг ўнг елкасига пешонасини қўйиб, эллари ила силаб кўришди.

– Кўзингиз ойдин, маликам! Хуш келдингиз! Сафо келдингиз! – деди хоқон маликага ўтирмоққа ишорат этаркан. – Аҳволингиз нечук? Иншооллоҳ, сиҳат-саломатлигингиз еридадир? – ҳол-аҳвол сўради.

– Эгамга шукур, султоним! Салтанатингиз соясидан баҳраманд бўлиб, эркимизга қовушдик! Оллоҳ сиздан минг карра рози бўлсин! – дуо қилди малика ҳамон кўзидан шошқатор ёш оқаркан. – Сел келса симирган, тош келса кемирган оғир кунларимизнинг ортда қолгани рост бўлсин! Мулки давлатингиз боқий бўлсин, султоним!

– Оллоҳ жумламиздан рози бўлсин! Қиблагоҳ ёдгори ўлароқ волидамиз каби эъзозимиздасиз ва зоти олияларига ҳурмату иззатда қусур этмагаймиз, – самимий эди Шоҳруҳсултон.

– Салтанатимиз қуёши, барчамизнинг умиду илинж булоғимиз сиз хоқони саид ҳазратларидирсиз. Меҳру марҳаматингиздан эл-улус баробар баҳраманд бўлмоқ ва Оллоҳ берган умрни яшамоқ тек ниятимдир, – тушкун оҳангда кўнишарди малика.

– Неки хоҳиш-истагингиз ўлса, ҳеч тараддуд этмай сўйланг, муҳтарама маликам. Қай манзилу маконда истиқомат этманг мулки давлатимиз, сулолаю салтанатимиз муҳофазасидасиз ва марҳаматидан баҳраманд бўлғувсидирсиз. Истасангиз Самарқандда, қиблагоҳ ҳаётликларида яшаганингиз Боғи Дилкушони зоти олияларига суюргол қилиб берамиз. Ёки Туркистон тизмалари, Ойқор этакларидан истаганингиз арсани танлашингиз мумкин. Бевосита шахслари, канизагу хизматчиларига маълум миқдорда маош тайин этамиз ва сизни ҳеч нимага муҳтож этмагаймиз.

– Қуллуқ, онҳазрат! Менга қилган бир яхшилигингиз тангридан минг бўлиб қайтсин! – яна кўзи ғилқ ёшга тўлди маликанинг. – Мен ила бирга ўн чоғли хешу ақраболарим ҳам борки, улар ҳам сиз султонимизнинг давлати олиялари соясига сиғиниб келдилар. Зоти олийларига маълум бўлса керакки, қиблагоҳингиз, улуғ хоқон замоналарида, билхосса, Оллоҳ раҳмати ўзлари менга Жом вилоятидаги Қусавия қасабасини суюргол қилиб берган эдилар. Мен бир бева-бечора учун доруссалтанат Ҳирот, сиз хоқони саид ҳазратларининг паноҳларида, ўша манзилда яшамоқ маъқул ва хавфсиздир. Изн этсангиз Ҳумоюн мавкаб қўши ила мен ҳам

Ҳиротга борсам? – назокат ва зарофат-ла ўз истагини баён этди малика Туман оғо.

– Истаклари қабулдир, улуғ бону зоти олиялари. Қусавия қасабасининг мол ва мутаважжиҳоти қиблагоҳ даврларида ҳам сиз улуғ маликамизга тегишли бўлганлигидан хабарим бордир. Қўшимча истадигингиз миқдорда сувли ер олишингиз ва яйловлардан фойдалана билишингиз мумкин, – маликанинг хоҳишини самимият-ла қаршилади хоқон.

– Олий ҳимматингиз учун умр бўйи дуодадирман, – деди малика ўрнидан туриб султонга яна бир бор таъзим этароқ тисланаркан.

– Улуғ нўён Муборизиддин амир Шоҳмаликни ҳузуримизга даъват этинг! – буюрди хоқон қопуга қадар юриб келаркан эшик оғасига.

Султон астойдил ҳурматини билдирмоқ учун ўғлининг устозини тахтда ўтирароқ эмас, саропарда эшиги олдида кутиб олмоқни лозим кўрган эди.

– Давлату салтанатимиз равнақи, элу юрт амнияти ва ҳузури йўлида қилган барча меҳнату жасоратингиз тақдирга шоён, олқишу дуоларга муносибдир, улуғ устоз ҳазратлари. Туркистону Мовароуннаҳр мулкида буни барча, каттаю кичик чин дилдан эътироф этмоқда. Биз ҳам шундай фикру амалдамизки, буни мамнуният-ла қайд этмоқдин шараф туядирмиз! – гапни узоқдан олиб келди хоқон.

– Бул омаду зафарни, аввало тангрининг инояти ва хоқони саид ҳазратларининг узоқларни яқин қилиб бизни қўллаб-қувватлаганликларининг оқибату шарофати деб билгаймиз, – гап авзойидан сув қай томон оқаётганини англаган эди сезгир улуғ амир Шоҳмалик.

– Сайраму Сабронда турум нечук? Улуснинг аҳволи

қалай? Шаҳид амирнинг авлодлари юз берган фожиадан хулоса чиқардиларми? Марҳум амирнинг ўрнига қолган қардоши Шайх Ҳасан ўзини қай тарзда тутмоқда. Хуллас, ул ўлканинг улуси бизга эл бўладими? – амирдан ҳисоб сўрди хоқон.

Султоннинг қалаштириб савол беришини кутмаган амир Шоҳмалик фикрини жамлаш учун қисқа муддат ўйга толди. Ниҳоят лаб-лунжини йиғиштириб, суҳбатдоши саволларини жавоблантирмоққа киришди.

– Сайрам иттифоқчимиз Темурмалик ва унинг дўлдой аймоғи қўлида. Шайх Ҳасан акаси каби Саврон қалъаси муҳофазасида муқим турибди, онҳазрат. Чопарлар орқали мулоқот олиб бордик. У мен билан эмас, бевосита сиз, хоқони саид зоти олийлари ила музокара олиб бормоқ ниятида эканлигини маълум қилди. Биз ҳам қон тўкилмасин, дея ҳужумга ўтмадик. Шу мунозаралар бўлиб турганда олий даргоҳга ташриф чорловини олдик ва мулозимат кўрсатмоқ саодатига сазовор бўлдик. Хоқони саид амри фармонлари олдида бўйнимиз қилдан инжадир. Улуғ хоқон, султони ғозий қиличларини чопган ва узангиларида собит турган бир навкарлари ўлароқ, қисмату қадаримиз бундан буён ҳам сиз, улуғ аждод вакили, аълоҳазратнинг қўлларидадир. Мансабу матлабимиздан қатъи назар ҳар биримиз улуғ Турон давлати, миллату умматнинг бир аскару хизматчисимиз!

– Амир Шайх Нуриддин авлодлари ва яқинларининг бизга нисбатан муносабатлари қандай? Сизга нисбатан улар томонидан бирор-бир таҳдид борми? Шайх Ҳасан билан қай тарзда англашиб тил топишмоғимиз керак? – яна сўради султон.

– Зоти олийларига аёну баён равшанки, бу сўғишу савашни сизу биз эмас, марҳум амирнинг ўзи бошлаб

JIZZAX VILOYAT AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
INV № 05-873
«30» 04 2021 y

ди ва бизга мўлжаллаб қазиган чоҳга ўзи тушди. Шайх Нуриддинни мен маҳв этмасам, Қизил работ жангида ҳалок бўлган юзлаб одамларнинг авлодлари хун талаб қилиб пешига тушиши турган гап эди. Укаси Шайх Ҳасан ва хешу ақраболарининг Самарқанд ҳокимиятини тан олиб, англашароқ иш тутмоқдин бошқа йўли йўқдир. Бугун эрта Шайх Ҳасаннинг одамлари палосингизни ўпмоқ учун келиб қолсалар керак.

– Сиз муҳтарам устозга яна бир саволим бўлади. Шогирдингиз мирзо Улуғбек сизу бизсиз салтанат аравасини тортиб кета оладими? Ёки яна бир муддат оталиқ ўлароқ ёнларида туришингиз жоизми? – асосий масалага ўтди султон.

– Менимча, тортиб кета оладилар, онҳазрат, – тили зўрга айланди амирнинг. – Зотан, узангиларида тажрибали беку қўмондонлар етарли қадар бордир.

– Кўктошни шогирдингизга топшириб кетмоқ ва унинг масъулиятни ҳис этмоққа ўргатмоқ масаланинг бир томони. Қолаверса, сиз каби улуғ амиримизга бизнинг ҳам эҳтиёжимиз бор. Салтанат амиру вазири сифатида ёнимизда туриб, бизга қўлқанот бўлишингизни истаймиз. Маълум бир муддатдан сўнг хоҳишингизга кўра истаган бир вилояту мамлакатни олишингиз мумкин, – мулоқот қопусини очиқ қолдирди хоқон.

– Юқорида қайд этганим каби хоқони саид ҳазратларининг сўзлари биз учун тўраю тузук ҳукминдадир. Не десалар қулоқ тутиб амал қилмоққа ҳозирмен, – овози аранг чиқди амирнинг.

– Унда биз-ла баробар Ҳиротга юринг. Қолган масалаларни йўл-йўлакай гаплашиб кетаверамиз, – суҳбатни узатмади султон.

Улуғ амир Шоҳмалик хоқон ҳузуридан саломга бор-

ган куёвдай қизариб, бир оз тўлишганидан махсининг қўнжидай букланиб кетган бўйнини белбоғи ила артганча қора терга тушиб чиқди.

Амир Шоҳмалик билан саропарда саҳни томон йўналган хоқон суҳбатдоши билан илиқ хайрлашди. Султоннинг ташқарига йўналганини кўрган мулозимлар мўъжазроқ кўчма тахтини кўтариб чиқдилар.

Чодири томон алпанг-талпанг қадам босиб кетаётган амирни кузатган Шоҳруҳ ўйга толди.

Султон соҳибқирон даври давронида амиру маъмур, ошчию бошчи, барча тинч, сокин, роҳат-фароғатда яшаган экан. Бироқ боши юмалоқ, бути айри бу яратиқлар буни ўша пайтда чуқур англаб етмаган кўринади. Шундай фараҳбахш кунлар орзуга айланиб қолганда ҳам тушунган тушунади.

Отабегини ўғлидан эрта айириб хато қилмадимикан? Амирзода Улуғбекни ёнига олган амир Шоҳмалик кирган икки савашда ҳам мағлубиятга учради. Биринчи жангда Халил Султондан, кейингисида амир Шайх Нуриддиндан. Юз бериши лозим бўлган учинчи тўқнашув олдидан шаҳзода Шаъми Жаҳон амир Худойдоднинг бошини танасидан жудо этди. Шайх Нуриддин ҳам фитна оқибатида ўлдирилди. Мингбоши Шоястамнинг жасоратли тунбосқиси туфайли бир маротаба мўғуллар қароргоҳи бузғунга учради.

Шу пайтгача барча исёну исёнчилар тақдирини Хуросон ўрдусининг Туркистон ҳудудига кириши ҳақидаги хабар ҳал этди. Ҳеч бир қўзғолончи ёки босқинчи черик Шоҳруҳ қўшинига қарши журъату жасорат-ла қилич кўтариб қарши чиқмади. Яратганнинг шафқату марҳамати ила дўсти ёрлар зиёда, рақибу яғийлар пиёда бўлди. Энди ҳамма гап ўғли Улуғбекнинг ёнида қолажак оқсоқол

беклар билан маслаҳатлашиб, ўз вақтида ва тўғри қарорлар қабул этароқ, давлату ҳокимиятни бошқариб кетишида.

Фақат кечган йилнинг саратонида амир Шоҳмалик ва шогирди мағлубиятга учраган Қизил работ мавзесида Шоҳруҳсултон ва амир Шайх Нуриддин қўшинлари қарама-қарши келиб, астойдил савашдилар. Шайх Нуриддин ва унинг ёнида турган Муҳаммад Жаҳонгир мағлубиятга учради. Амир Шайх Нуриддин соғ қолган одамлари билан Сабронга, амир Ҳамза билан Мубашшир кўч-кўрони, яроғ-аслаҳасини ташлаб, Ҳисори Шодмон сари қочишди.

Оталиғи ва шогирди енгилган Қизил работ тўқнашувидан сўнг Самарқанд салтанатининг ҳаёти қил устида қолган эди. Жангда мағлуб бўлган амир Шоҳмалик Ургутнинг Қоратепасига, ундан Олақароғ тоғлари томон қочди.

Чингиз ўғлон билан тил бириктириб, Самарқанд забт этилгач, уч кун мобайнида лашкар талон-тарожига ваъда берган Шайх Нуриддин отадушман чингиззода билан бошкент сари от қўйди. Укаси Шайх Ҳасанни эса сараланган суворийлар билан мирзо Улуғбекни таъқиб этмоққа буюрди. Улуғбек Калиф ва Термизда экан, амирлар Султон Боязид ва Абдулкаримлар бошлиқ қўшинни юбордилар. Амир Мизроб билан Улуғбек уларга қарши тура олдилар. Тоғай Буғони Бухоро забти учун юборди.

Ота бошкентни амир Шоҳмалик ёки ўғли Улуғбек эмас, шаҳар халқи асраб қолди. Чингиз ўғлон ва амир Шайх Нуриддин суворию сипоҳийларини шаҳар дарвозаларига яқин йўлатмадилар.

Оқ ўрда хонзодаси Чингиз ўғлон, амир Худойдоднинг ўғли Янги ва Сайрам вилоятлари ҳукмдори

Абдухолиқ ҳамда ўз жияни, Ҳисори Шодмон ҳокими Муҳаммад Жаҳонгирларнинг дастаги, мўғул хонининг ҳайбаракаллачилигисиз Шайх Нуриддин бу исёну бузмакорликка журъат эта олмасди.

Ҳар ишнинг охир-оқибати, феъл-атвор, хатти-ҳаракатга яраша интиҳоси бордир. Ҳар ким ҳақ этганини олади. Кимса қисмат қиличидан қочиб қутула олмайди. Ёзиқлар ўлсун!

Оллоҳ ҳақу халқ-ла баробар бўлганни муҳофаза этар!

Давлат ақли миллат виждони ила бирлашган ерда адли адолат қарор топади!

Ўзини кимлигининг фарқига бормаган киши, ҳеч қачон бошқаларнинг шахсиятини англаб етолмайди!

Бу азиз ва асил миллат, бу муқаддас тупроқ – бизнинг ор-номусимизга омонатдир!

Оғир ўйлар оғушида қолган хоқон саропарда саҳнида бир оз наридан бери юрди-да, ясовулбошига қароргоҳнинг эртага эрталаб Кўкгумбаздан кўчажагини барча амиру қўмондонларга етказишни буюрди.

Намозшом бўлиб қолган, Туркистон тизмалари устида оҳиста сузаётган булутлар жануб томон оқар, лашкар қўшида кечки емак-ичмак тараддуди бошланган эди.

Кун олабулут. Эртага ёғингарчилик бўлади шөкилли, ўйлади султон таҳоратхона томон юрар экан.

Самарқанддан чиқар ва узоқлашар экан, доимо шундай бўлади. Руҳи тушиб, юрагини армону ҳасрат ҳисси қоплайди. Қиблагоҳи ҳазратлари ҳам шундай дер эдилар, раҳматли.

Ота бошкент томон интилганда эса кайфияти кўтарилиб, кўкси Ойқор чўққилари каби юксалади. Ватан тупроғи, меҳри дегани шу бўлса керак!

ИККИНЧИ БОБ

Отасини оғритган муродига етмас.
Отасўзи

Қамишлар ўрнига меҳри гиёҳ унғай мазоримдан,
Қачон бўлғайки топғайман, хабар ёру диёримдан.
ФУРҚАТ

Амирзода Халил Султон Ҳиротнинг Ироқ дарвозасидан минг бир умиду ишонч ила чиққан эди. Қалбидаги янги ҳокимияту салтанат орзуси алангаламоқ ўрнига, Райга етар-етмас сўна борди.

Йўлга тушаркан, бошкентда берилган икки минглик суворий унга йўлдошлик этиб келар, бироқ ваъда этилган ўн минглик қўшиндан дарак йўқ эди. Амирзоданинг ўзи бу лашкарни тўпламоғи, усиз ҳам бир-бири ила ит-мушук бўлиб ётган амакиваччаларининг аҳмоқона салтанат кўпкарисига қўшилиб от қамчилаши ва бирор шаҳар ёки вилоятни эгаллаши керак.

Бу хатти-ҳаракатни узоқ ўйлаган, бобо тахтига даъвогарлик қилиб тулпори қоқилган Халил Султоннинг сиёсату салтанат, иқтидору тожу тахтдан ҳафсаласи пир бўлган, ёш бўлишига қарамай қалб жавоҳири сингандек эди.

Отамерос мамлакатда мулки давлат иддаою даъвосини бошламоқ, қардошлари мирзо Умар ва мирзо Абу Бакрларнинг фожиали қисматларини пойлашмоқ эканлигини англаганда оёқ-қўли бўшашиб, эли қиличи сопига бормай, шом туби қоронғи бўлди.

Ҳиротдан чиқаётганида сою дараларни тўлдириб ёғаётган ёмғир Рай деҳқону боғбонининг армонига ай-

ланди. Бешинчи ойдаёқ бошланган қурғоқчилик йил бўйи давом этди. Лалми дон-дуну полиз гулга кирмай қовжиради. Сой ва булоқбоши майдонларда экин-тикин қилганларгина юмалоқ-ястиқ ҳосил олган бўлди.

Қурғоқчилик очарчилик ва қаҳатчиликка уланиб кетди. От-улови, атроф-вилояту мамлакатларда хешу ақрабоси бор аҳоли кўч-кўронини ортиб, юртни тарк этарди.

Ош – пайғамбар, нон – худо дейдиган кунлар бошланди. Бир парча экмак анқонинг уруғига айланиб, отлиққа ҳам топилмайдиган бўлди.

Амирзода малика Шод Мулк билан шаҳар қутволи Нурислом Нишопурийнинг қишлик уйида яшар, бир замонлар бу ерда буюк бобоси ҳам тўхтаб ўтганди. Халил Султон бирор-бир мамлакатни эгалласа тузукроқ мансаб тегишига кўз тиккан Нишопурий бошда сидқидил, елиб-югуриб хизмат қилди. Егулигу ичкиликдан қарашиб турди.

Бироқ Самарқанд тахтининг собиқ соҳиби хатти-ҳаракатидаги журъатсизлигу ҳафсаласизлигини кўргач, оёғи тортилди. Ҳатто уйидан ҳам хабар олмай қўйди. Кўп ўтмай мирзо Искандар томонга қочиб кетди.

Қутволнинг феъл-атворидаги ўзгаришни кўрган Шод Мулк орқаворотдан уни Кўрислом Нишопурий, дея атай бошлади.

– Қўйинг бундай гапларни, маликам. Элингизда сарвату давлат бўлгандагина одамлар сизга яқинлашиб, садоқат ва дўстлик изҳор эта бошлайдилар. Уларни ҳам тўғри тушунмоқ керак. Дўст – пирга, пир – расулга, расул – олий ва ёлғиз дўстга элтади. Биз дўсту пирсиз қолдик, Шодия. Яккаю ягона Оллоҳдан марҳамат кутмоқдан бошқа чорамиз йўқдур, – деди шаҳзода хонтахта устида

турган, эндигина қозондан олинган арпанонга боқаркан.
– Буюк бобом бошкентида, Кўксаройда яшаганимизда мусофирчиликда зоғора нон ейиш тушимизга ҳам кирмаган эди. Начора, демак, бу ҳам пешонамизга битилган экан. Яратганнинг синовидир балким.

– Яратганнинг синови эмас, сизни тахтдан азл этиб, сургунга йўллаган жондек амакингизнинг жазоси, таъзирингизни едиришдир! – хона ўртасида турганча қўл сермаб эрига жавоб қилди малика.

– Гапингизда жон бор. Бироқ юзда юз ноҳақсиз, дея олмайман. Бизнинг гуллаб-яшнаб кетишимизни амакимиздан тортиб атрофимиздаги амакиваччаларимизга қадар, ҳеч ким истамайди. Омадсизлигимизу отимизнинг ғирмаслиги ҳам ана шундадир, Шодия. Мирзо Рустам ҳам гўё мамлакатини тортиб оладигандек мен билан маълум масофада туриб гаплашмоқда. Искандар мирзо эса сенга бу юртларда не бор, ўша тарафларда кунингни кўрсанг бўлмайдими, дегандек елкаси тиришиб қаршилади. Кўрдигимиз муносабату вазиятда бу ўлкаларда салтанат юритмоқ нари турсин, яшамоқнинг ўзи ҳам оғир кечадиганга ўхшайди.

– Уларнинг беклагани ҳам шу. Бизни ўз оёғимиз билан бирор балога йўлиқишимиз! – тилидан тоймасди Шод Мулк.

– Тавба денг. Оғзингиздан ел учирсин бу сўзларни! – овози аранг чиқди амирзоданинг. – Амаким узангимизга тайин этган беш нафар амир Бек Фўлод, Хизр Сипоҳий, Садр Ҳасан Хожагий ва Ҳамза қатуқулар ҳам турли-туман баҳоналар билан бизни тарк этдилар. Ёнимизда ясовулбоши Қулмон Қиёт ва унинг беш нафар одамидан бўлак кимса қолмади.

– Ясовулбошингиз ҳам амакингизнинг одамлари-

га сотилган бўлса керакдир-да? – кўз косаси каттариб амирзодага боқди малика.

– Бу кишиликнинг шартидир, маликам. Хом сут эмган одам боласи борки, сотади ёки сотилади. Ҳеч кимдан онангизу отангиз каби меҳр-оқибат, сидқи садоқат, пири комил шахсиятлар каби комиллик бекламанг. Бу дунё фурсат дунёси, одамзод борки, фурсатчидир. Бобо тахти сари от қўйиб, амакимизни Энадарёдан берига ўтказмаслик сиёсатимизнинг оқибати бу, маликам. Тан жароҳати битар, бироқ дил яраси битмас. Орамизда бўлиб ўтган қаттиқ-қуруқ гаплар, кўтан кериб ёзишган ёзишмалар. Амакимнинг икки фарзандини гаров ўлароқ Самарқандда узоқ ушлаб турмоғимиз. Ниҳоят, буюк бибимиз ва Тўкалхонимларнинг бевақт, сирли ўлимлари. Буларнинг барчасининг ҳисобини сўрмоқ истаганлар энди совуққонлик-ла ҳар бир хатти-ҳаракатимизни кузатиб турибдилар.

– Вазиятни, оғир турумимизни англатиб амакимизга мактуб ҳам битгандингиз. Сас-садо чиқмади. Шу хатни ёзманг дегандим. Сўзимга кирмадингиз. Очимиздан ўлсак-да, ўшаларга ялинмаслигимиз керак! Менга қолса, ҳаё-ҳуйт деб амир Қора Юсуф томон кетиб, паноҳига сиғинсак бўларди! Бу ҳаёт ҳаёт, бу яшаш яшашми? Амакингизнинг бу оловида исинмасдан тутунида кўзимиз кўр бўладиган кўринади.

– Келиб-келиб бободушманимизнинг ҳузурига паноҳ истаб борамизми? Дўст-душман оғзи қолиб орқаси билан кулмайдими? – ҳайрон бўлди амирзода.

– Усиз ҳам одамлар нари турсин, Райнинг тўрт оёқли жониворлари аллақачондан бери устимиздан кети билан кулиб ўтирибди, жоним! Эл-улусга шу алфозда кўрингандан кўра дуч келган томон бошимизни олиб

кетмоғимиз, кўздан ғойиб бўлмоғимиз керак эди. Қора Юсуфнинг олдига амирзода Рустам борса, айбга буюрмайди-ю, сиз борсангиз айб ўлар эканми? Рустам мирзонинг эмас, сизнинг акангиз Абу Бакрнинг қизи унинг қўлида. Вояга етгач, эрта-индин уйланар эмиш. Қариндошнинг олдига шундай кунда борилмаса, қачон борилади?

– Билмадим. Мен буни ақли идрокимга сиғдириб, ҳазм эта олмайман. Айрим ақраболаримиз ўзини ака, эчкини така дейишлари мумкин. Бироқ бу иш менинг элимдан келмас. Сўйлаганингиз каби оч қолсак-да, кимсанинг остонасига бош уриб бормаймиз. Бунинг устига у отамнинг хунига зомин бўлган бўлса. Ясовулбоши Қулмон Қиётнинг айтишига кўра, амаким бизга кўмак учун карвон юборган эмишлар. Эрта-индин келиб қолар. Бир оз сабр қилайлик.

– Отангизнинг хунига Қора Юсуф эмас, қиблагоҳини хонабанд этиб, сўнгра савашга солган инингиз Абу Бакр зомин бўлгандир! Сиз энди сидқи садоқатда не қадар муқим туриб, оғзингиз ила қуш тутиб берсангиз-да, амакингиз меҳри мурувватини қозона олмайсиз! Биз одамларга раҳм-шафқат қилиб, куюниб, ўзимиз ачинарли аҳволга тушиб ўтирибмиз. Самарқандда отимиз чопиб турганда сизга неча бор айтдим! Ўша итдан тараган амир Худойдод Ҳусайнийни йўқ қилдиринг, деб! Айтганимни қилмадингиз! Оқибатда қўлига тутқун бўлиб тушдик!

– Амир Худойдодни енгмоқ осон эмасди, Шодия. Бобом ҳазратларидан қолган қўшиннинг энг катта қисми унинг измида эди. Унга ўша пайтда ҳеч кимнинг кучи етмасди.

– Ҳамма иш сўғишу саваш, жангу жадал билан ҳал

этилмайди, султоним. Эшитгандирсиз, Шамъи Жаҳон ўша, сизнинг кушандангиз Худойдодни қандай қилиб қора қўчқор каби бўғизлатганини? Илоннинг ёғини ялаган амир Шоҳмаликнинг Шайх Нуриддинни тўнғиз каби сўйдирганини ҳам туйдик. Савашмай туриб ҳам ишни битирса бўлар экан-ку! Қўл остингизда етти иқлимни элида тутиб турган Аббос Хўжа Модарзот каби махфия оталари бор эди! Унинг элидан ҳар иш келарди. Ўзимиз уқувсизлик қилиб, ҳисоб-китобни янглиш олдик!

– Шу фикрлар ақлингизга келган экан, менсиз ҳам амри фармон бера билардингиз! Усиз ҳам кўп нарсани менсиз ҳал этар эдингиз-ку? Нега шундай қилмадингиз?

– Отамни ўлишини билганимда, кўппакийга алмаштирар эдим деган экан бири. Аҳволимизнинг бу қадарликка тушиши, сиздек жаҳон султонининг Шерозда қай бир гўрдаги амир Худойдоднинг қўлига асир тушишини заҳн этганимда эди, не қилмоқни ўзим билардим, шаҳзодам!

– Сиз не қилмоқни билдингизу, бироқ ортиқча берган ваколатимни суиистеъмол этиб, янглиш ишларга қўл урдингиз. Шуларнинг ўрнига амир Худойдод масаласи билан шуғулланганингизда яхши бўлар экан, – ўрнидан туриб кетди шаҳзода.

– Барча гуноҳу қабоҳат менда, султоним! Ўз янглишликларимни ҳис этаман! Бироқ энди бундан не фойда? Бир амаллаб бу оғир кунлардан чиқиб олмоқ ҳақида бош қотирганимиз маъқул! Кечмиш хатою фожиаларни эслаб, изтироб чекмоқдан фойда йўқдур!

Зоғоранинг ҳиди иштаҳани қитиқлаб, хонани тўлдирган, оч бўлса-да, амирзоданинг томоғидан сув ҳам ўтмасди.

– Исфаҳондан қайтаётганимизда шаҳарга бир тош (саккиз километр) етмасдан Далли девона лақабли

деҳқоннинг полизи бошида тўхтадик. Зироатчи бизни қовун сўйиб, мусофир этди. Унга миннатдорчилик билдириб, элига уч-беш хуруш берайлик, десам ёнчиғимда ҳеч вақо йўқ экан. Кўп мулзам ва мутаассир бўлдим, маликам. Ясовулбошининг бир навкари "жўқлик жўмардни жиғар" деганди. Ўшанда ҳайрон бўлгандим. Йўқлик жўмардни эмас, султонни ҳам йиқитар экан, – деди дили хуфтон бўлганча хона бўйлаб юраркан амирзода ердан бош кўтармай. – Эртага бориб, ўша деҳқондан ҳолаҳвол сўраб келмоқчимиз.

– Бундай юрак эзгувчи, бугундан эртага не бўлиши номаълум кунларда уйда ўтирганингиз маъқулмиди, султоним? Бир тош масофага бориб келмоқнинг ўзи бўладими? – эътироз билдирди малика.

– Юрагим сиқилиб кетаётир, Шодия. Бир айланиб келай. Истасангиз биз билан юринг. Оёқ ёзиб қайтасиз, – хонимини ҳам даъват қилди Халил Султон.

– Бораман. Сизни ҳеч кимга ишонмайман, – дарҳол рози бўлди Шод Мулк.

– Қўлга илингулик неки емак бўлса оларсиз?

– Қизлар кеча сўйилган молнинг калла-почасини пиширган эдилар, шундан оламан. Зоғора пиширишади.

– Ўзингиз биласиз, – деди амирзода зоғорадан бир бурда синдирар экан.

Сабоҳ нонуштасига калла-поча гўшти, зоғора нон еган амирзода ва малика отларига миниб икки канизак ва Қулмон Қиётнинг тўрт навкари йўлдошлигида полиз даласи томон йўлга тушдилар.

Уларнинг ранги ўнгиб кетган бўз яктак кийиб белини чилвир билан боғлаган Далли девона қарши олди.

– Илгариги учрашувимизда ҳам ўзингизни танитмадингиз, иним. Туриш-турмушингиздан темурийзода мир-

золарга ўхшайсиз. Хуш келдингиз, сафо келтирдингиз, – деди деҳқон қўноқларни самимий қаршилаб. – Қани менинг шоҳона қасримга ташриф буюринг, – дея чайласи томон бошлади.

– Мен амирзода Халил Султоннинг ясовулбошиси, мингбоши Қулмон Қиётман, қардошим. Мирзомизга ўтган гал сиз берган қовунларни элтган эдик. Кўп маъқул келди ва яна олиб келмоқ учун юбордилар, – деди амирзода киприги қилт этмай.

Амирзоданинг жавобидан ҳайратга тушган Қулмон Қиёт эса нафас олмоқни унутгандек қотиб турарди.

– Бу бошқа гап-да, мингбоши қардошим. Танишганимиз маъқул-да. Юз кишини танигандан кўра, бир кишининг исми шарифини бил дейдилар. Улуғ хоқон Кўктошига ўтирган султонга қовунимиз маъқул бўлган экан, биз бечора деҳқонга бундан катта мукофот йўқдур, – яктагининг барини белига қистирганча парти-бийрон бўларди чифтчи. – Катта бошларингизни кичик қилиб султонимиз таълимотлари билан мени сўраб келибсизлар, сизларни Оллоҳ сўрасин.

Бу ғалати танишув ва мулоқотдан ҳали-ҳануз ўзига келмаган Қулмон Қиёт деҳқоннинг омонатгина қурилган чайласи ўнгидаги ердан икки қарич чамаси кўтариб, тупроқдан ясалган сўрига сафар ошлоғини ёзиб, каллапоча эти ва зоғора экмагини қўйди. Мезбон кўзада сув келтирди. Чайладан пўстак олиб чиқди.

Амирзодага йўлдошлик қилиб келган мингбошининг тўрт нафар навкари полиз четида отларни ўтлатиб туришар, ғарибона дала суфраси тўрт кишилик эди.

– Сизлар емакка қараб, дам олиб ўтиринглар. Мен қовунлардан олиб чиқай. Суворийларга ҳам қовун берайин, – дея полиз томон йўналди деҳқон.

Йўлдан очиқиб келган қўноқлар эту экмак ва қовун еб ўтиришди. Навкарларга қовун элтган деҳқон тўртта қовунни қучоқлаганча қайтиб келиб, меҳмонлари даврасига қўшилди.

– Сиз азиз мусофирларимга тўрт тур қовун келтирдим. Мана бу обиноввот, буниси амири, булар эса бўрикалла ва дониёр. Бири биридан ширин. Пичоқ тегиши билан тарсиллаб ёрилади, – дея қовунларни бирма-бир сўйиб қўноқлари олдига қўярди.

– Ҳақиқатан лаззатли, деҳқон устоз. Бунинг бир сири борми ёки ер янги ва кучли бўлганлиги учун қовунлар бу қадар ширинми? – сўради бир тилик обиноввотни иштаҳа билан еяркан амирзода.

– Ана қаранг, кун ботиш томонда бир тепалик кўриниб турибди. Бу эски, минг йиллик тупроқ қалъа. Илгари замонларда, қалъа деворлари тик турганида чўпонлар унга сурувларини қамаб, қўра ўрнида фойдаланишган. Ичида бир неча қарич эски қўй қийи бор. Қўрғоннинг лой-ғишт деворлари ҳам ерга куч беради. Шулардан олиб келиб солганман, мингбошибек қардошим. Шунинг учун ҳам Рай атрофида меникидан тотли қовун йўқдур, – жавоб қилди мезбон.

– Қовун рисоладагидек пишган ва ғоят мазали. Бироқ бир нарсага эътиборингизни жалб этмоқчиман, – деди суҳбатдоши кўрсатган тепалик томон қараб амирзода. – Кўҳна қалъаю қўрғонлар кечмиш тарихимизнинг яққол исботи ва кимлигимизнинг оёқда турган гувоҳидир. Бироқ биз уларни қўтону қўрага айлантириб, ғиштини ташиб уй қурамиз ёки устоз деҳқон сўйлаганлари каби нури ўрнида фойдаланамиз. Шу тахлит тарихимиз, шонли ўтмишимизни ер юзидан силиб ташлаймиз.

– Мен жоҳил дарвешу деҳқонни қаранг, меҳмон?

Шунга ақлим етмабди-я! Бироқ мен олмасам, бу ғишту нурини бошқалар қумурсқадек ташиб кетаверадилар. Сиз ўйлаган бу фикрлар парча экмак пешида қўшган биз омиларнинг етти ухлаб тушимизга-да кирмас, – қўноқнинг гапидан ҳайрон эди мезбон. – Бундай ўй сиз каби шоҳ бошию давлат закосига соҳиб эга кишиларнинг ақлига келиши мумкин, мингбошибек.

– Афсуски, сўйлаганингиз давлат заколи-ю, подшоҳ идрокига соҳибларнинг эсига ҳам келмайди, устоз деҳқон. Барчаси қалъаларни тузатиш ҳақида эмас, уларни бузиб, мамлакатлари тупроқларини кенгайтиришни ўйлайдилар, – деди амирзода деҳқон сўйган қовунлардан бир тиликдан татиб кўраркан.

– Уруш бўларкан, қалъа нари турсин, бутун бошли шаҳару қишлоқлар, кўйу қасабалар ер билан яксон бўлади, қардошим. Айниқса, бу ерлардан катта қўшинлар ўтганда кўрсангиз аҳволни. Чек-чегарасиз зироату битки майдонлари кўз очиб-юмгунча шудгорга айланиб, бир неча йил ҳосил битмайди. Хайриятки, ҳозир хоқон Темуру Тўхтамишхон замонларидаги каби улкан, юз минглик ўрдулар йўқ. Кечмишда катта қўшин ўтган ҳудудларда ҳаёт изи йўқолар эди, – ҳангома берарди деҳқон.

– Хоқон Темурдек инсон минг йилда бир келади, Даллибек устоз. Бугунги кундан сўйланг. Энди бу ёғи не бўлади? Темурийзодалар ўзаро англашиб, боболари салтанатини давом эттирадиларми ёки қирпичоқ бўлиб юраверадиларми? – деҳқонни гапга солди амирзода унга ним табассумда боқаркан.

– Биз, бир бечора дарвеш бўлсак. Сиёсату салтанат ишини англамасак, қардошим. Султонияда дарвешлик қилиб юрганимизда бир дарвешбошимиз бўларди. Башорату кароматчилик фазилатлари ҳам бор эди. У

оми халқ ҳеч қачон ва ҳеч бир замон юқорида не гап-сўз бўлганини-ю, бошида ким турганини англамай ўтиб кетаверади, дер эди. Тепаларда, саройу қасрларда нелар бўлаётганинию султонларимиз не еб, не ичаётгани бизга қоронғу. Одамларнинг оғзидаги гапга кўра Ироқу Озарбайжон, Эрону Хуросонда ҳеч бир замон тинчлик бўлмас эмиш. У ёқда Шоҳруҳ султон, бу томонда Султон Аҳмад Жалойирнинг бошини кундага етказган Қора Юсуф. Айтишларича, бундан буёнги зиддияту кураш ана шу икки катта куч ўртасида кечармиш. Озарбайжонда Шайх Иброҳиму ўғли Қаюмарс, бу атрофда Мироншоҳ ва Умаршайх мирзо авлодлари, Арзинжон тарафларда дуч келган кучли ҳукмдорга думини бургувчи курдлар. Хуллас, ҳали замон бу заҳматкаш тупроқларда сувлар тинадиганга ўхшамайди, қардошим.

– Кўп маъқул фикрларни баён этдингиз, Даллибек биродар. Энг аввало, сизнинг бу мусофирпарварлигингиз учун ташаккур билдиргаймиз. Кўп ўлка ва шаҳарларда дарвешу қаландарлар сиз каби экин-тикин қилиб, ҳалол меҳнат билан кун кечирмайдилар. Тарки дунёчилик, чиллага кириб, нуқул тоат-ибодат ила машғул бўлмоқ инсониятга ҳеч бир фойда келтирмайди. Муқаддас китобимиз Қуръону карим ҳам, аввало тириклар учундир. Сиз устоз деҳқон ила сиёсату салтанат муаммоларини ҳал этган бўлдик. Энди изнингиз ила иқтисод масаласига ўтсак. Сиз ҳозир бизни қовуннинг тўрт нави ила мусофир этдингиз. Бу ҳудудларда, билхосса, Рай атрофларида қовуннинг қайси турлари етиштирилади? Шулар ҳақида бизга бир оз сўзлаб берсангиз? Қаршимда ўтирган мингбоши қардошимиз билан биз ҳам бир оз сиёсат ила илгиландик. Сиз мана шундай ширин-шакар қовунларни етиштириб пиширган бўлсангиз, биз қовун

туширдик. Сиз каби деҳқончилик билан шуғулланмоқ режамиз ҳам йўқ эмас. Шу пайтгача уҳдамизга тушган мингбошилик мажбуриятини ҳам бажариб бўлдик, чамаси, – дарвешнинг теран фикрлашидан таъсирланган эди амирзода.

– Мен ҳам Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, Хўжа Ҳофиз Шерозий ва Умар Ҳайём ғазалларини ўқиярок улғайдим, қардошим. Мутаассиб диндорлар билан каклигим сайрашмайди. Қиблагоҳим раҳматли Бухоро сафарига бориб, нақшбандий бўлиб қайтгандилар. Мени ҳам шу эътиқод асосида ўстирдилар. Шу тариқа нақшбандий дарвешу деҳқон бўлиб қолдим, биродар. Бизда қовуннинг билганим хартўни, исфаҳони, чорси, мирпанжи, табризи, гармак, гулпайгон ва тошканди каби турлари бор. Мен беш навини экдим. Ана шакарпалаги ҳам бор. Пишиб ўтиб-кетганларини қовун қоқи қиламан. Асосан ёзда етилиб, қоқ қилинадиган навларидан экаман. Бировлар қишда сақланадиган турларидан экадилар. Мавсум ҳам охирлаб қолди, биродар, – қовунлар ҳақида билги берди деҳқон.

– Тошканди деганингиз қандай қовун? Туркистоннинг Тошканд деган музофотидан келганми? – сўради амирзода.

– Шундайдир, қардошим. Туркистондан, Тошканду Тороз тарафдан келганлар экиб кўпайтирганлар, дейдилар. Мана, қаранг, ўзи сап-сариқ, қуёш нурида олтиндек товланади, – сўри ёнида уюлиб турган қовунлардан бирини олиб кўрсатди.

– Бизда узумнинг тоифи, табризи деган навлари бор. Қаранг, ота-боболаримиз не-не узоқ ўлкалардан узум қаламчасию қовун уруғларини олиб келиб экканлар, – деди амирзода тошканди қовунни айлантириб кўраркан.

– Ёзги қурғоқчилик, ундан сўнг бошланган қаҳатчилик деҳқонни хароб, боғбонни хоки туроб қилди. Кўплар очликдан ўлиб кетди. Ҳар йили беҳи пишганда қарға келарди. Бу йил эса эрта, беҳи пишмасдан қағиллай бошлади. Буям хайри аломат эмас. Одамлар эрта кунига ишониб, келажагига умид билан қараёлмай қолдилар. Юрт йўнатуви золиму такаббурлар элида экан, халойиқ бугундан эртаси не бўлишини тасаввур этолмай тентак қўйдек гарангсиб яшайди.

– Сиз нақшбандиймисиз? Хўжа Ҳофиз ва Умар Хайёмни ўқиганмисиз? – ҳайрон бўлиб сўради амирзода Халил Султон.

– Ўқиганман, қардошим. Бир оз илми нужуму ҳандаса ила ҳам шуғулландим. Бироқ бу ҳукмдорлару миллатга эси ҳуши жойида бир киши эмас, қиличини чопиб, қорнини тўйғазадиган қулу қўймижозлар керак. Бутун орзу ниятларим сувга оқиб кетгач, мадрасани ҳам ташлаб қаландарликни ихтиёр этдим. Энди англасам, нотўғри, бургага аччиқ қилиб, ўз кўрпамга ўт қўйган ношуд эканман. Инсон ҳаёт йўлида катта хатога йўл қўйиб, қисмату қадарини буриб юборадиган янглиш йўлдан кетдими, ортга қайтмоққа кичик бир сўқоқ ҳам қолмас экан. Кун кўрмоқ ва очдан ўлмаслик учун ота-бобоси қилиб келган тирикчилик ила машғул бўлмоқ мажбуриятида қоларкан, қардошим, – дардини ёрди мезбон.

– Ўрта ёш кўринсангиз-да, фикру мулоҳазаларингиз олтмишдан ошган олимга ўхшайди. Сиз устоз деҳқон эмас, ҳаётдан таълим олган доно, тажрибали кишига ўхшайсиз. Бекор мадрасани ташлаган экансиз-да? – таассуфли оҳангда қўнишарди Халил Султон.

– Мадрасадаги ўқув тартиби, мавжуд низом ва интизом борасида мударрисларимиз ила орамизда муноза-

ра чиқди. Бу баҳсга ақли етмаса-да, қози ва шайхулислом дегани ҳам аралашди. Улар аралашдими, биласиз, оғзи-ю бўғзи қийшиқ бўлса-да, бошқа одам гапирмайди. Биз, ўн чоғли талаба Рай мадрасасида диний фанлар қаторида дунёвий илмлар ҳам кўпроқ ўтилишини талаб этдик. Фақат Қуръони карим, ҳадислар, каломуллою чоркитоб билан илм-фанда юксакликка эришиш мумкин эмаслигини англатмоқчи бўлдик. Бироқ қайда, сўзимизга мадраса ҳовлисида кун кечирувчи мушук ҳам қулоқ солмади. Барчамиздан миллату уммат, дину диёнат душмани ясаб, эшак ўғрисига айлантириб, мадрасадан ҳайдадилар. Бу воқеани эшитган ота-онам, қавми-қариндошнинг ҳам менга бўлган муносабати ўзгарди. Не қиларимни билмай, Султония дарвешларига қўшилдим, – армонли ҳикоясини сўйлади мезбон.

– Султония кутубхонасида халифа Хорун ар-Рашид замонасидан қолган кўп қимматли китоблар бўлган дейишади. Бу кутубхона ҳозир ҳам борми? – сўради амирзода.

– Модомики, кутубхона ҳақида сўрадингиз, бу китоблар қўнусидаги ҳикояни бошидан сўйламоғимга тўғри келади, мингбоши қардошим. Эшитган ёки ўқиган бўлсангиз керакким, халифа Хорун ар-Рашид халифалик ҳудудида яшаган ғайримуслимлардан жизъя ўлароқ китоб талаб қилган. Ҳатто нодир китоб ва қўлёзмаларни қўлга киритмоқ учун сафарларга чиққан. Бағдодда Байт ул-ҳикмани барпо этган. Дунё олимларини шу ерда тўплаган. Хорун ар-Рашид китоб йиғмоқ учун йўлга чиққан бўлса, эндиги ҳукмдорлар мол-мулк илинжида юриш қиладилар. Ҳулокухон Бағдодни эгаллаганда Байт ул-ҳикмага ўт қўйган. Шу тариқа бу ердаги кутубхона ёндирилган. Бу китоблардан бир қанчаси бошқа

шаҳарларга олиб кетилгани ва юнон ҳамда ўзга тилларга ўгирилганларигина сақланиб қолган. Ростми-ёлғонми Султония кутубхонасидаги энг яхши китобларни Амир Темур Самарқандга олиб кетиб, невараси мирзо Улуғбекка берган дейдилар.

– Бошкент Самарқандга салтанатнинг барча вилоятларидан китоблар, уста ҳунармандлар олиб борилган. Амирзодамиз Халил Султон буюк боболари султон соҳибқирон ҳазратлари каби қайда бўлмасин, сулолаю салтанат, давлату ҳукумат иши ҳақида раиятнинг турли фикрини ўрганишга қизиқадилар ва биздан ҳам шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларни етказишни сўрайдилар. Тушунчаларингизга қараганда, китоб кўрган, оқ-қорани ажрата биладиган бир шахсият кўринасиз. Улуснинг бугунги ҳукмдорлар, мулки-давлат йўнатуви ҳақидаги қарашларингизни сўйласангиз амирзодамизга етказардик, – деди Халил Султон сўровда давом этиб.

– Менинг фикри ожизимча, ким не қадар қулоқ тутиб-тутмайди менга номаълум, мингбошибек. Аммо амакивачча амирзодалар тахту салтанат талашиб, мамлакатни қориштирдилар. Ҳеч ким бугундан эртага не бўлишини билмайди. Мени чақмаган илон минг йил яшасин, деб ҳар ким ўз кўмачига кул тортади. Биров билан бировнинг иши йўқ, ит эгасига боқмас замонлар бўлиб қолди. Бу кетишда темурийзодалар ўз ажали билан ўлмайдиган сулолага айланади. Яна не дейин, мингбошибек. Билмасам. Билдим дедим тутилдим, билмадим дедим қутилдим, дегандек йўқ ердан бошимга ташвиш орттириб ўтирмайин тағин. Усиз ҳам мутаассиблар мени хуш кўрмайдилар.

Деҳқон дарвешнинг кутилмаган гапидан тараддудланган амирзода не деярини билмай томоқ қирганча ўйланиб қолди.

– Сиз шунчаки оддий деҳқон ёки дарвеш эмас экансиз, устоз, – деди Халил Султон суҳбатида давом этаркан маъноли бош соллаб.

– Сиз ҳам от ўйнатиб, қилич чопиб юрган мингбошига ўхшамайсиз, қардошим. Туриш-турмушингизу гапсўзингиз шаҳзодаларники каби. Тани маҳрамингиз ҳам маликалар каби кибор эканлар, – қўноқлар ҳақидаги фикрини яширмади деҳқон.

– Инсон боласи ким бўлмасин, унинг қалбу имонида бир шоҳлигу бир гадойлик яшар экан, устоз. Киши шоҳлигида гадойликни, гадойлигида шоҳлигини унутмаслиги керак дейдилар, – гапни айлантирди амирзода.

– Буни бизнинг дарвешлар инсонликдан насибини олган инсон, инсон каби инсон бўлиб қолган инсон дея айтиб юрадилар, – суҳбатдошининг фикрини тўлдирган бўлди Далли девона.

– Жуда маъноли айтув экан. Инсонликдан насибини олган инсон, инсон каби инсон бўлиб қолган инсон, – суҳбатдоши сатрини такрорлади мирзо. – Биз сиз каби бир очиқ ва тўғри фикрли шахсият ила танишганимиздан мамнунмиз ва буни амирзодамизга бориб сўйлаяжакмиз. Сизни, албатта ҳузурларига таклиф этадилар ва келиб олиб кетамиз, – сўзида давом этди амирзода. – Ул кишим ҳам шеърлар битадилар ва фикр кишилари ила суҳбатлашмоқдин завқ туядилар, – ҳамон сир бермасди. – Энди бизга ижозат. Қуёш қораймасдан шаҳарга етиб олайлик. Суфрага дуо этинг, – дея деҳқонга қаради.

– Дастурхонга дуо мусофирдан бўлади, – деди мезбон ўнг қўлини кўксига қўйиб. – Отларига мингач, йўл дуоси биздан, – назокат-ла таъзим этди Далли девона. – Ташрифингиздан шошиб қолиб, бир нарсани айтмоқни унутибман. Ҳозир тановул этганингиз калла-поча эти эди янглишмасам? – ўтирганларга ташвишли боқди.

– Ҳа, калла-поча гўшти эди, – жавоб қилди Қулмон Қиёт.

– Калла-поча эти ила қовун меъдага тушгач, англаша олмайди. Сўйламоқни унутибман. Худди эчки этидан сўнг тарвуз еб бўлмаганидек, – хижолатда эди деҳқон.

– Бир гал бизни четлаб ўтар, – деди амирзода мезбоннинг гапини жиддийга олмай.

– Йўқ, қардошим. Емак-ичмакнинг тайини йўқ бундай пайтларда кўп хатарлидир, – қиёфасида ташвиш аломати зоҳир бўлганди.

– Мана бу биздан сизга, бошдан-оёқ сарупо. Шоҳона бир чориқ ҳам бор, амирзодамизнинг ҳадялари. Оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрасиз, – тугилган белбоғини суриб қўйди Халил Султон.

Деҳқоннинг оқ йўл дуосини олган суворий қофиласи яна қайтиб Рай йўлига тушди.

– Илк бор бир суҳбатда қўнишмай ўтирдингиз, маликам. Сабри тоқатингизга балли-я, – деди амирзода йўлга тушишгач Шод Мулкка.

– Мен маликнинг маликасиман, жоним. Мингбошининг эмас. Шу боис тилимни тийиб, маъноли суҳбатларингизга қулоқ тутдим, – жавоб қилди Шод Мулк.

– Ёнимизга олиб, бирор-бир вазифа берсак бўладиган киши экан. Фикрлари мағзининг тўқлигига қаранг.

– Лутфий ҳазратлари айтганларидек, йўқ турур ёлғиз бу Лутфий жонига жаври рақиб, қайда бир доно турур, ул жаври нодон тортадур. Ақли комил қаерда бўлмасин, аҳволи шудур, – ниҳоят тилга кирганди малика.

– Лутфий ҳазратлари Ҳирот деворларини бузганликлари учун бобом ҳазратларидан норози бўлиб, ҳузурларига бормаган эканлар.

– Ҳаққа етган одамлар ҳақликларича қоладилар ва катта-кичик ҳукмдорлар остонасига бош уриб, садақа сўрамайдилар.

– Фикрингизга қўшиламан, маликам. Боя деҳқон биродаримиз калла-поча эти ила қовун англаша олмайди деганида шунчаки гап дея ўйлаган эдим. Бошим айланиб, кўнглим беҳузур бўлаётир. Ичим ҳам тортишиб оғримоқда, – деди амирзода маликага ташвишли боқаркан.

– Айта олмай турган эдим. Менинг ҳам кўнглим беҳузур бўлмоқда, – жавоб қилди малика.

– Қаранг-а, биз бечораларни от устида ҳам ит қопса-я?

– Кўргану кўраётган машаққатли кунларимиз етмагандек, ишқилиб, йўлда шарманда бўлмай, бир амаллаб шаҳарга етиб олайлик.

Илгари юрганча малика билан суҳбатлашаётган амирзода қўл ишорати билан орқарокда келаётган Қулмон Қиётни ёнига чақирди.

– Бизнинг соғлик турумимиз яхши эмас. Сизники-чи? – сўради амирзода ясовулбошидан.

– Менинг ҳам ичим оғриб, кўнглим айнимоқда, султоним, – жавоб қилди Қулмон Қиёт. – Деҳқон тўғри сўйлаган экан.

– Навкарлар ҳам калла гўшти ейишган эдими?

– Йўқ, султоним. Уларга бермагандим. Ортган этни мезбонга қолдирдим.

– Бермай яхши қилибсиз. Мен ҳам от устида аранг турибман. Ёнимдан узоқлашманг! Маликамиз ҳам бир оз роҳатсизлар!

Улар шаҳарга, қутвол Нурислом Нишопурийнинг қароргоҳига етиб келганларида амирзода ҳолдан тойган, беҳол малика зўрға оёғини судраб босарди.

Бетиним ичи кетаётган Халил Султонни ётоққа ётқиздилар. Навкарлар орасидаги табиб йигит беморга қандайдир биткиларни ичирди. Бу дорилар малика ва ясовулбошига таъсир қилди шекилли, улар ўзларига келиб, ўнглана бошладилар. Амирзода эса кун сайин оғирлашгандан оғирлашарди.

Хастанинг юзидан қон қочиб, оёқлари совий бошлаганда севикли султонидан абад ул-абад айрилмоғи даму дақиқа, фурсату он масаласи эканлигини англаган Шод Мулк ич-ичидан тўлиб-тошиб келаётган ўкирикни тўхтатиш учун оғзини қўшқўллаб босганча қаршидаги хонага кириб кетди. Юзини ёстиққа босиб ичи бўшагунча йиғлади.

Амирзода эса ҳуш-беҳуш, ўзи билан ўзи бўлиб ётар, алаҳсираганча лаблари пичирлади. Шод Мулк чалқанча ётган севгилисининг пешонасига ўнг кафтини қўйиб, сассиз-садосиз кўз ёши тўкарди.

– Шодия! Маликам! – деди амирзода кутилмаганда иҳраб.

– Лаббай! Эшитаман, жоним, султоним! Оҳ, Шодия деган сасингиздан! Оллоҳ бир оллоҳлигини қилиб сизга шифо берсин-а! – ҳаяжонланиб кетган эди Шод Мулк.

– Энди мен ўнгланмайман. Ўзингизни қўлга олинг! Қисмату қадар шу экан. Ким бўлсак-да, ундан қутула олмаймиз. Мендан сўнг мардона туринг! Ўлимим ҳақида турли гап-сўзлар чиқаражак кишиларнинг оғзига уринг! – зўр-базўр қўнишарди амирзода. – Энди қиёмат кунида кўришамиз! Бир хаёл каби ҳаёт яшадик, маликам! Одатда барча одамлар ҳавас ила боққанлар, ҳасад оқибатида биз каби ҳалок бўладилар.

– Менга сизсиз ҳеч қандай ҳаётнинг кераги йўқ! Ортингиздан мен ҳам йўл оламан! – яна кўз ёши тўка бошлади малика.

– Оллоҳга қарши исён этманг! Кишининг тангри ато этган жонга қасд қилиши дину диёнатимизга тўғри келмайди. Волидам Машҳаддалар. Қиблагоҳни улуғ бобом тахтларидан азл этганларида бу ишга сиз сабабчи бўлдингиз, дея дилларини оғритган эдим. Самарқандда салтанат сурганимизда ҳам узр тиламоққа тилим бормаган эди. Хато қилган эканман. Ҳузурларига бориб, менинг номимдан кечирим сўранг. Ўғил бўлиб отамга-да бир коса илиқ сув тута олмадим. Бизнинг тирикчилигимиз йигит борки етти пуштига номи қолар, йигит борки, етти кунда йўқолар қабилида бўлди...

Шаҳзоданинг дами ичига тушиб кетиб, гапдан тўхтади. Ночор ва ожиз нигоҳини жуфти ҳалолига тикди.

– Бу қовуну этдан эмас. Сизни бобо тахтидан мосуво этган амакингизнинг жосуслари қилган иш. Айтдим-ку, атрофимиздагиларнинг барчаси унинг айғоқчиси, – жазаваси тутганди маликанинг. – Отам ўрнида деган амакингиз бор умидимизни сувга туширди. Мактуб ҳам битдингиз. Қилини қимирлатмади.

– Бундай гапларни қўй, Шодия. Гумон имондан айирар. У бу ишни қилмоқчи бўлса, Райга юбормасданоқ ўша ёқнинг ўзида ҳал этарди-қўярди. Энди мендан кимсага зиён-заҳмат етмаса, – ҳансираганча гапирарди бемор. – Сенинг феъл-атворинг ҳам нисон ёмғири кабидир. Бир шовуллайсану селга айланэсан. Орқа-олдингга қарамай сўйлайверасан. Босиқу сокин бўлинг, асабларингизга ҳоким бўлинг.

– У бу ишни қошу қовоғининг остида эмас, кўздан узоқ, кўнгилдан узоқроқ жойда амалга оширишни топширган. Бундан хабардор беклари ҳам ишни битириш олдидан ғойиб бўлишди. Сизнинг кўзингиз тирик экан, Самарқанду Хуросон тахти хавф-хатарда деб билади-

лар. Сизга кўрсатилган марҳаматлар, катта қўшин ила ота мамлакатига йўлламоқ. Бунинг барчаси хўжакўрсинга қилинган тирикчилик, султоним! Биз яна доғда қолдик ва бу нарса ҳаётимизга мол бўлди. Бизни шундай балоларга дучор этганларга ҳам тангрининг атагани бордир. Мен сизни эсган елдану оққан селдан, боққан кўздану тикилган кўздан қизғаниб асраб-авайладим. Бироқ қўлимдан келмади. Энди эса замоннинг зайлига, оту эшакнинг айилига боқмоқдан ўзга чорамиз йўқ. Эгам бахтимизни кўп кўрди. Бизни ҳузурига чорлади.

– Не бўлса бўлди, ишнинг бўёғи синди, Шодия. Зўрға қўнишмоқдаман. Гапимни бўлманг. Сўзламоққада мажолим йўқ. Сизга сўнг васияту рижойим шулдир. Қулмон Қиётга ҳам тайинладим. Қизимиз Ҳусни Нигорни Улуғбек мирзонинг ихтиёрига элтиб топширсин. Бунга сиз қаршилик қилманг. Вояга етганда никоҳига олар балким. Ҳақларингизни ҳалол этингиз! Мендан рози бўлинг! Мен ҳам барчадан, айрилаётган сиз азиз маликамдан икки дунё розиман! Рўзи маҳшарда...

Амирзоданинг гапи бўғзида қолди. Кўзлари хона шифтига тикилганча қайтиб мижжа қоқмади...

Хонадан аёл фарёди эшитилди.

Солинда ҳақ деб ўтирган Қулмон Қиёт бемор томон отилди.

Юзини кафти ила беркитган малика қаршидаги хона томон аранг юриб келарди.

Боши гангиб қолган ясовулбоши белбоғи билан марҳумнинг жағини боғлаб кўзини юмдирди. Оёғининг икки бошмалдоғини бирлаштириб боғлади. Юзига амирзоданинг ўзининг яктагини ёпиб, даҳлизга чиқди.

Шод Мулкдан ҳеч бир сас-садо йўқлигидан ҳайрон бўлган ясовулбоши маликанинг хос хонаси томон йўналди. Ичкаридан хириллаган овоз келарди.

Эшикни очди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Юзтубан ётган маликанинг кўксига санчилган ханжарнинг учи икки кураги орасидан чиқиб турарди.

Ён томон ағдарилиши билан бир неча бор ҳиқичоқ отди-да, жон таслим қилди.

Бир қайғую ҳасрат икки, бир жасад икки бўлган эди.

Навкар ва канизаклар билан маслаҳатлашган Қулмон Қиёт Лайлию Мажнун каби яшаган, иккиси ҳам йигирма етти ёшга кирган гулдек шаҳзода ва маликани бир қабрга кўмдирди.

Қулмон Қиёт марҳум ва марҳуманинг кийим-кечакларини ювғич ва гўрковларга тарқатди. Кўз очиб-юмгунча ота-онасидан айрилган, не фожиа бўлганига ақли етмай кўзлари жовдираётган уч ёшли Ҳусни Нигорни отига мингаштирган ясовулбоши тўрт нафар суворий билан Ҳирот йўлини тутди.

Маликанинг сўнгги дамигача ёнида бўлган икки канизаги Райда қолмоқни ихтиёр этишди. Қолган етти канизак мингбоши билан Ҳирот йўлига тушди.

Гул юрмоқ бор, гул ўлмоқ йўқ...

Аё шукру сабрдасан, қасрда ё қабрдасан, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

Мингбоши Қулмон Қиёт шаҳардан чиқар экан, сафойилини шиқирлатганича бозор томон кетаётган юпун дарвешнинг айтуви қулоғига чалинди.

Бўлар бола деҳқон бўлди,
Еяри буғдой нон бўлди.
Бўлмас бола деҳқон бўлди,
Еяри зоғара нон бўлди.
Бошда тож билан туғилган,
Оғзи қийшиқ султон бўлди.
Ҳижрату ғурбатда бир кун,
Ўзга юртда ултон бўлди.

УЧИНЧИ БОБ

...Самарқанддаги ҳарбий омборхонада қатъий тартиб ўрнатилган. Фақат мени Темурланг тахтининг усти ҳар хил артиллерия қуроллари билан тўлдириб ташланганлиги ажаблантирди. Бинонинг томи сақланган. Ахир, бу катта ўтмиш ва тарихий муқаддас нарса-ку. Уни албатта асраш керак. Бинонинг Кўктош турган қисмига махсус музейсимон иншоот қуриш лозим. Унга алоҳида эшик қурилиб, барча ташриф буюрувчиларни ва хорижликларни киритиш керак...

Россия империяси ҳарбий министри генерал Куропаткиннинг Император Николай Романовга ёзган ҳисоботидан. 1901 йил

Ҳирот сари жадал юрган ясовулбоши Қулмон Қиёт ўн кун деганда шаҳарнинг Ироқ дарвозасига етиб келди.

Уни сарой ҳовлисида амир Нуширвон Барлос қаршилади. Мингбоши юз берган фожиани батафсил сўйлади. Сўнгра биргаликда хоқон ҳузурига кирдилар.

Қўш фожиадан таъсирланган султон Қулмон Қиётга тикилганча ўйга толди. Анчадан сўнг амирга Қуръон тиловат қилмоққа ишорат этди.

– Амирзодамиз лаънати Худойдоднинг элига тутқун ўлароқ тушгандаёқ қалб жавоҳири синганди. Унинг узоққа бора олмаслиги ўшандаёқ маълум эди, – деди орадаги ёқимсиз сукунатни бузиб амир Нуширвон Барлос.

Хоқон амир амакиси фикрини маъқуллагандек бош ирғади.

– Авлодлар Оллоҳнинг бизга омонатидир. Бу омонатга хиёнат қилинмайди. Марҳум амирзодамизнинг қизлари хусусида мирзо Улуғбекка васият этганларидан хабарим бор. Демак, умри интиҳосини ўша пайтдаёқ билган экан-да, бояқиш, – деди хоқон ғамгин овозда. – Мусоид бир замонда Самарқандга кетажак маликаларимиз карвонига қўшиб жўнатишингиз мумкин, – амир Барлосга қаради султон. – Хуллас, Эрону Озарбайжон, Ироқи ажаму Мозандарон томондан фақат хунук хабарлар оламиз. Бу миллатнинг боши амирзодалару ҳукмдорлар ғавғосидан чиқмайди, шекилли. Мирзо Умаршайх Кўрагон қардошимиз ўғилларининг турумлари нечук? Улар ҳамон бир-бирлари билан савашиб, қон тўкмоқдаларми? – мингбошидан сўради султон.

– Қайд этганингиз каби икки амирзода орасидаги сўғишу саваш алангаси бир кун бўлсин тингани йўқ ва тинадиганга ўхшамайди, онҳазрат, – хоқоннинг саволини жавоблантирмоққа киришди Қулмон Қиёт.

– Буюк қардошимиз Умаршайх мирзо ўғиллари мулки салтанат ишини сўғишу савашда дея англаб, катта хатога йўл қўймоқдалар. Ҳар қандай фатҳу зафарни келтирган жангу жадалдан кўра оч қорин-ла яшанган тинчлик афзалдир. Халил Султон амакиваччалари олиб бораётган ҳарбий ҳаракатларнинг учдан бирини қилганида ҳам бу аҳволга тушиб, ночорликда ҳалок бўлмаган бўлур эди. Ҳукмдор нияту даъвоси, муроду мақсади, хатти-ҳаракати ила ҳар замон улуснинг кўз ўнгида бўлмоғи керак. Ҳукмдорликка муносиб, оқил ва доно раҳбарлар доимо элу юрт-ла баробар бўладилар. Ҳукмдор эл-ла юзлашмоқ, сўзлашмоқ ва ўзлашмоқдан қочиб тош ор-

тига яшириниб, фол очмоғу, ўзича тегирмон тошини айлантирмоқчи бўлса, халқ қочиб, тоғ ортига беркиниб, ундан қутулмоқ чорасини кўра бошлайди. Сўзингизда давом этинг, мингбошибек. Душман қардош жиянларимиз ҳаракати ҳақида сўзлаётган эдингиз? – асабийлашганди хоқон.

– Искандар мирзо шу йилнинг ўрталарида форс ўлкаларидан кўпсонли қўшин йиғиб, Кермон вилоятига томон юрдилар, аълоҳазрат. Сиржонга етиб шаҳарни қамал этди. Амирзода Сиржон мусохараси учун қўшинининг бир қисмини қолдириб, Кермон сари юзланди. Искандар мирзонинг форс лашкари кечган пайкалларда тик турган битки, қад ростлаган бинодан асар қолмайди. Бир тўда бекларни илғор ўлароқ Бум, Жируфт ва Гармсерот тараф йўллаб, ўзи Кермон забти сари боради. Сиржон қалъаси қамали учун қолдирилган амиру қўмондонлари айш-ишратга берилганда тунда қўрғондан чиққан ҳимоячилар уларни босиб, ғорат қилади. Мирзонинг беклари бир оту бир қамчи билан аранг олий қароргоҳга етиб келади. Бу ишдан ғазабланган Искандар мирзо уларни қаттиқ жазога тортади.

– Қатл ҳам борми? – сўради хоқон мингбошини диққат ила тинглар экан.

– Икки амир ва икки мингбошининг боши кундага етказилди, аълоҳазрат.

– Улар бетиним қон тўкадилар. Билмайдиларки, қон қонни, хун хунни талаб қилади. Бу маъносиз жангу жадаллар буюк қардошим Мироншоҳ мирзо ва уч авлодининг жонига мол бўлди. Наҳотки, бу қисмату фожиалар уларга сабоқ бўлмаса. Қон тўкмоғу жон чекмоқнинг чекчегараси бўлмас экан, у гирдоб каби барчани ўз домига тортаверади. Шаҳзода қардошларимиз буни англамаё-

тирлар ва англатмоқнинг иложи бўлмаётир. Шундан ғоят ташвишдаман, – амир Нуширвон Барлосга қаради хоқон.

– Бўлмаганга бўлишма дейдилар, аълоҳазрат. Сиз ота ўрнидаги бир инсон, қолаверса, улуғ хоқон ҳазратларининг асил авлоди саналмиш султон ўлароқ элингиздан келган ишни қилиб, маслаҳатни бермоқдасиз. Бироқ қулоқ солмасалар нетайлик. Биз тоғдан келсак, улар боғдан келадилар. Катта бошимни кичик қилиб мен ҳам ҳар қўнуда уларга ёрдамчи бўлмоққа уриндим. Бироқ начора? Одаммисан, итмисан демайдилар. Шундай экан, биз ҳам гап-сўзимизни янглиш тушунмасликлари учун сукут сақламоқ мажбуриятидамиз, – вазиятга ўзича изоҳ берган бўлди амир. – Насриддин хўжадан сўрабдилар. Қишда дўнамиз, ёзда ёнамиз не қилмоқ керак? Баҳор барчага ёқар, деган экан Насриддин хўжа. Билмайдиларки, мулки давлат, сиёсату салтанат ишида баҳор бўлмайди. Исёнлар сиёсатнинг қовурувчи ёзи бўлса, жангу жадаллар қора қишидир. Бўларингда бўлиб ўт, бўз йўрғадай келиб ўт дегандай, сулолаю салтанат берган бу имконияту иқтидорни қадрига етмаганлар охири бир кун унинг эпкинига зор бўладилар, аълоҳазрат. Инсон боласи сузмоқни билмаса, ўзга наҳру баҳрлар нари турсин, ўз ҳовузида ғарқ бўлади. Эрон каби азалий рақиб мамлакатларда салтанат сурмоқ, Кўктошга ўтириб амри фармон бермоқ ва бобо олтинларини ғаррашарра оқизиб сарфламоқ каби қулай иш эмасдир. Авлодимиз жуда ошиқдилар. Очиққан эмас, ошиққан кетар, дейдилар ота-боболар.

Сокин ва маъноли сўзлаётган амакисининг оғзига қараб қолган хоқон асабий ҳолда тасбеҳ ўгирарди. Гапи ярим қолган Қулмон Қиёт қўл қовуштирганча султоннинг ишоратини бекларди.

– Шу каби фожиа ва муаммоларга дуч келганимда беихтиёр қиблагоҳ ҳазратлари йўл-йўлакай сўзлаганлари нақллар ёдимга тушади, амаки. Сўнг бор дийдорлашиб, Чечактудан йўлчи этганимда, ҳатто эшак ҳам бир-бири билан бекорга қашишмайди, деган эдилар бир тўда гуноҳкорларни сўроқ қилиб бўлгач. Бу кетишда ҳеч кимга ишониб ва ҳеч кимдан сидқи садоқат кутиб бўлмайди чоғи, – савол назари билан амирга тикилди подшоҳ.

– Соғнинг олдига емоқни истаган емагини қўямиз, тентакни эса қочган томонига қараб қувамиз. Сиёсату салтанат дегани шудир, давлатпаноҳ. Эл орасида эшаклар маслаҳатлашиб ҳанграмайди деган гап ҳам бор. Одам боласини ким бўлмасин, икки нарса, очлик ва тўқлик бошини қўшиб, сўқоққа чиқаради. Кетига жир битганларни ошиб-тошмоқ. Эшак эшакдан қолса қулоғини, хотин хотиндан қолса оёғини кесар дегандек, амирзодамиз жиловларини шайтоннинг устозига топшириб қўйдилар-да.

Бошини маъноли соллаган хоқон Қулмон Қиётга сўзламоқда давом этинг дегандек қаради.

– Хуллас, мирзо Искандар амир Абдусамадни Ҳабиб забти учун юборади. Султон Ҳусайн Кермон қўшинини йиғиб унга қарши чиқади. Амир Абдусамад Кермон черигини мағлубиятга учратади. Оти жиловини Кермон сари бурган мирзо Искандар шаҳарга яқин масофада тўхтаб, саропарда тиктиради. Шаҳарликлар муртазойи аъзам Саййид Шамсиддин Бумийни амирзода қароргоҳига йўллаб, моли омон ва харож тўламоқ мажбуриятини қабул этадилар. Худди шу пайтда Искандар мирзо қароргоҳига етиб келган чопар мирзо Рустамнинг амир Қора Юсуф ҳузуридан қайтиб Исфаҳонга етганлиги ва Қутбиддин Торийнинг исён кўтарганлиги хабарини етказади. Бобо душмани амир Юсуфни орқасига олиб, вази-

ятдан вазифа чиқарган укаси ва Торий қўзғолонидан тараддудга тушган мирзо Искандар кермонликлар билан сулҳ тузмоққа мажбур бўлади ва фурсатни бой бермай, Шероз томон қайтади.

– Мирзо Рустам амир Қора Юсуфнинг қўллови билан Исфаҳонга келгач ҳам тек турмай, ишни шаҳар ҳокими Хожа Аҳмад Соидийни ясоққа етказмоқдан бошлаган дейдилар. Шу тўғрими? – мингбошининг сўзини бўлиб сўради амир Нуширвон Барлос.

– Бу гап тўғридир, муҳтарам амир жаноблари. Исфаҳон соҳиб ихтиёри Соидий амирзода Рустамни ўлганининг кунидан илиқ қаршилаган бўлса-да, ичидаги кину хусуматни яширмай, амирзода фармонларига хилоф иш тутмоқда давом этаверади. Давлат аркони билан машварат ўтказиб маслаҳатни бир жойга қўйган амирзода Рустам ийди азҳо муносабати билан ҳузурига муборакбод учун келган соҳиб ихтиёр Соидийни танҳо мажлисига олиб кириб, маҳв этмоққа қарор қилади.

– Тавба! Тавба! Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди хоқон ҳайрон бўлиб. – Ийди рамазон байрами куни ҳам қон тўкиладими? Бул қутлуғ кунларда қон тўкишлар тўхтатилади-ку? Бу қотилликдан сўнг амирзода қандай қилиб Исфаҳонда яшайди? Шуни ўйламаган эканми? – таассуф оҳангида сўради хоқон.

– Айнан шундайдир, онҳазрат. Бу фожиадан кўнгиллари вайрон бўлган исфаҳонликлар амирзода Рустамдан юз ўгиради. Соидийнинг одамлари мирзонинг изига тушиб, жонига қасд қилиш ниятида ҳаракатга тушадилар. Амирзода Рустам қил устида яшаркан, мирзо Искандарнинг Исфаҳонга яқинлашиб келаётгани хабарини олади.

– Амирзода Рустам қардошига қарши туриб саваша-

дими ёки жангга кирмай Хуросон сари юрадими? – яна сўради султон.

– Мирзо Искандар яна амир Абдусамадни Варзана тарафга юборган. Амирзода Рустам булар устига бостириб келиб ўраб олган. Бундан хабар топган Искандар мирзо Тўкал ва Юсуф Халилларни ёрдамга жўнатиб, ўзи ҳам йўлга чиққан. Мирзо Рустам акасининг амирлари билан қаттиқ жангга киришган. Кўшку зардга етиб келган Искандар мирзо бекларидан хабар олмоқ учун чопар юборган. Бироқ бу чопарни мирзо Рустамнинг қоровуллари қўлга тушириб, амирзоданинг ҳузурига олиб келадилар. Ниҳоят кутилган саваш юз беради ва уч минглик лашкари билан жангга кирган мирзо Рустам енгилиб, Исфаҳонга чекинади. Қардошининг қўшини оташгоҳ мавзесига етиб келганлигини туйган амирзода шаҳарни ташлаб чиқиб, Хуросон йўлини тутади, аълоҳазрат. Қардош амирзодалар ҳақида туйганим билгилар ана шулардан иборатдир. Сўзларимда эксикликлар ёхуд ноаниқликлар бўлса, қусурга боқмагайсиз, – дея яна таъзим бажо келтирди Қулмон Қиёт.

– Марҳум амирзода Халил Султоннинг қизи Ҳусни Нигор тарбиятини ҳозирча маҳди ул-ё Гавҳаршодбегимга топширингиз. Мингбоши Қулмон Қиёт ҳам сизнинг қўл остингизда, саройда хизматда бўлиб турсин. Қиш қўшуллари енгиллаши билан Оллоҳ насиб этса, Машҳади муқаддас зиёратига боргаймиз, – амир Нуширвон Барлосга таълимот берди хоқон.

Қулмон Қиёт амир Барлосга эргашиб, сарой ҳовлисига чиқди.

– Собиқ султонингиз яшаган ўша уй ҳамон бўш турибди. Бориб истиқомат эта билурсиз, – деди Нушировон Барлос мингбошининг бошпана муаммосини ҳал

этаркан. – Сўйлаганингиздек, мирзо Рустам етиб келиб қолсалар, ўша қароргоҳга жойлаштирамиз. Амирзода дохил барча мусофирларга кўз-қулоқ бўлиб турасиз.

Мингбоши бош эгиб таъзим қилганча амир билан хайрлашиб, оғир хотиралар оғушида Халил Султон Ҳиротда эканлигида яшаган ўша қароргоҳ томон йўлга тушди.

Муюлишга етганда, соғ тарафдаги кўчадан синглиси етаклаган ўша қори оёғини аранг судраганча Масти Қаландарнинг сўнгги айтувини айтиб келарди. Мингбоши тўхтаб, айтувга қулоқ тутди.

Карам аҳлидин айри,
Қалбдан каромат кутма.
Марҳаматдан мосуво,
Қалбдан шафоат кутма.

Имон, инсоф тош метин,
Хасдан ҳарорат кутма.
Таши инсон, ич шайтон,
Касдан зарофат кутма.

Наҳснинг нуқси зоҳир,
Юздан асолат кутма.
Шароратга шам тутган,
Тоздан жасорат кутма.

Яғийдан баттар хешу,
Дўстдан муҳаббат кутма.
Аҳмад, Маҳмуд деган ҳар,
Сасдан Муҳаммад кутма.

Ёнчиғидаги сўнгги хурушини акасини етаклаган қизнинг қўлига тутқазган мингбоши ғамгин ва ўксик бир ҳолаҳволда қайғули хотиралар яшаётган уй томон юрди.

Амирзода Халил Султон вафотидан бир ой чамаси ўтган эди. Қишнинг қировли кунида Машҳади муқаддасдан етиб келган чопар Ҳирот саройига Муаззам оғо, темурийлар саройининг муаззам маликаси Хонзодабегимнинг вафоти хабарини етказиб, унинг муқаддас Ризовий бузруквор мозори ёнига қўйилганлигини маълум қилди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Қизингга эрк берсанг, бахтини топар, ўғлингга эрк берсанг тахтини.
Отасўзи

Қишни Табризда ўтказган амир Қора Юсуф кўклам кириб ҳаволар юришиши билан кўнглида тугиб юрган ниятини амалга оширишга киришди.

Пешин намозини ўқиб чиққанида сарой ҳовлисида уни амирлари Байрам, Муборакшоҳ ва Тангрибермиш қўл қовуштирганча кўзлари ёниб кутиб туришарди.

– Кунлар илиб, об-ҳаво ҳам мўътадиллашди. Кишининг хонада ўтиргиси келмай қолди, – деди амир Юсуф беклари билан бир-бир қучоқлашиб кўришар экан. – Мана шу чечакнинг қўқиси ғоят менга маъқул-да. Отини унутдим. Ёш улғайган сари киши ёд бўлиб кетган нарсаларни ҳам эслай олмай қоларкан, – деди оғочларга чирмашиб кетган биткига боқаркан.

– Бул битки санам чечагидир, султоним, – улуғ амирнинг сўровига жавоб берди амир Байрам. – Тўртинчи ой охирию бешинчи ойнинг бошларида гулга киради. Са-

нам қўқиси билан фақат ёсуман ҳиди баҳслаша олиши мумкин.

– Бироқ унноби, чилон ва ўзимизнинг жайдари жийданинг ҳиди ҳам антиқа ва бетакрордир, – йўлка бўйлаб юришда давом этди амир Юсуф.

– Ҳа, жийданинг ҳам айрича бир гўзал қўқиси бор. Жийдадан жаннатнинг ҳиди келади, дейдилар ҳазрати пайғамбаримиз, – амирлар ҳукмдорга эргашиб боришарди.

– Гулнинг ёмони бўлмайди, – гапга қўшилди нос чекаверганидан тишлари сарғайиб кетган амир Тангрибермиш тиржайиб. – Ҳар гулнинг иси бошқа, улуғ амирим.

– Эҳ-ҳа-а, гулу гулнозлар бобида орамизда устози аъзам борлигини унутибмиз, Байрамбек қардошим.

– Аравакаш тавба қилибди, султоним. У қадар яхши билмаганимиз мавзуда сўз очиб қўйибмиз. Қайд этганингиз каби бек жаноблари гулнозлар бўйинча усталарнинг том пиридир.

– Хўш, модомики, гап гулнозлар ҳақида кетар экан, касби фаолиятлари хусусида устози аъзамнинг ўзларидан сўрсак? – деди амир Юсуф Тангрибермишга кулиб боқаркан.

– Касб эмас бу, хасталикдир, – қизариб-бўзариб гап сўзида давом этди амир Тангрибермиш. – Мен турли миллат хонимларидан жория ва тамға тутмоқ касаллигига мубтало бўлганман, давлатпаноҳим. Пешкашу совға-саломга ҳам турли қавм қизларидан оламан. Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним. Сиздек улуғ подшоҳ сояи давлатларида биз каби бир хонимсевар амир юрса юрибди-да. Ким бўлмайлик, молу жонимиз, сиз улуғзот султонимиз учун фидо бўлсин!

Беклар амир Тангрибермишнинг гапидан завқланиб кулишди.

Ёнчиғидаги сўнгги хурушини акасини етаклаган қизнинг қўлига тутқазган мингбоши ғамгин ва ўксик бир ҳолаҳволда қайғули хотиралар яшаётган уй томон юрди.

Амирзода Халил Султон вафотидан бир ой чамаси ўтган эди. Қишнинг қировли кунида Машҳади муқаддасдан етиб келган чопар Ҳирот саройига Муаззам оғо, темурийлар саройининг муаззам маликаси Хонзодабегимнинг вафоти хабарини етказиб, унинг муқаддас Ризовий бузруквор мозори ёнига қўйилганлигини маълум қилди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Қизингга эрк берсанг, бахтини топар, ўғлингга эрк берсанг тахтини.
Отасўзи

Қишни Табризда ўтказган амир Қора Юсуф кўклам кириб ҳаволар юришиши билан кўнглида тугиб юрган ниятини амалга оширишга киришди.

Пешин намозини ўқиб чиққанида сарой ҳовлисида уни амирлари Байрам, Муборакшоҳ ва Тангрибермиш қўл қовуштирганча кўзлари ёниб кутиб туришарди.

– Кунлар илиб, об-ҳаво ҳам мўътадиллашди. Кишининг хонада ўтиргиси келмай қолди, – деди амир Юсуф беклари билан бир-бир қучоқлашиб кўришар экан. – Мана шу чечакнинг қўқиси ғоят менга маъқул-да. Отини унутдим. Ёш улғайган сари киши ёд бўлиб кетган нарсаларни ҳам эслай олмай қоларкан, – деди оғочларга чирмашиб кетган биткига боқаркан.

– Бул битки санам чечагидир, султоним, – улуғ амирнинг сўровига жавоб берди амир Байрам. – Тўртинчи ой охирию бешинчи ойнинг бошларида гулга киради. Са-

нам қўқиси билан фақат ёсуман ҳиди баҳслаша олиши мумкин.

– Бироқ унноби, чилон ва ўзимизнинг жайдари жийданинг ҳиди ҳам антиқа ва бетакрордир, – йўлка бўйлаб юришда давом этди амир Юсуф.

– Ҳа, жийданинг ҳам айрича бир гўзал қўқиси бор. Жийдадан жаннатнинг ҳиди келади, дейдилар ҳазрати пайғамбаримиз, – амирлар ҳукмдорга эргашиб боришарди.

– Гулнинг ёмони бўлмайди, – гапга қўшилди нос чекаверганидан тишлари сарғайиб кетган амир Тангрибермиш тиржайиб. – Ҳар гулнинг иси бошқа, улуғ амирим.

– Эҳ-ҳа-а, гулу гулнозлар бобида орамизда устози аъзам борлигини унутибмиз, Байрамбек қардошим.

– Аравакаш тавба қилибди, султоним. У қадар яхши билмаганимиз мавзуда сўз очиб қўйибмиз. Қайд этганингиз каби бек жаноблари гулнозлар бўйинча усталарнинг том пиридир.

– Хўш, модомики, гап гулнозлар ҳақида кетар экан, касби фаолиятлари хусусида устози аъзамнинг ўзларидан сўрсак? – деди амир Юсуф Тангрибермишга кулиб боқаркан.

– Касб эмас бу, хасталикдир, – қизариб-бўзариб гап сўзида давом этди амир Тангрибермиш. – Мен турли миллат хонимларидан жория ва тамға тутмоқ касаллигига мубтало бўлганман, давлатпаноҳим. Пешкашу совға-саломга ҳам турли қавм қизларидан оламан. Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним. Сиздек улуғ подшоҳ сояи давлатларида биз каби бир хонимсевар амир юрса юрибди-да. Ким бўлмайлик, молу жонимиз, сиз улуғзот султонимиз учун фидо бўлсин!

Беклар амир Тангрибермишнинг гапидан завқланиб кулишди.

– Тангрибермиш қардошимиз маликаю канизаклар бобида биздан ҳам ўтиб кетганга ўхшайдилар чоғи, – кулганча амир Байрамга қаради Қора Юсуф.

– Зоти олийларидан ўтиб кетмоққа ҳеч бир амиру маъмурингиз журъат эта олмас, султоним, – жилмайганча жавоб қилди амир Байрам. – Баҳор чечакларининг энг сараси ўзларида. Зоти олийларидан ортсагина бекларингизга тегиши мумкин.

– Ақли хаёли аёл зотида бўлган киши улусу салтанат ишига ўзини бахшида эта олмайди. Бироқ амир Тангрибермиш барчасига улгуради, – ҳамон амирга ҳазиллашарди Қора Юсуф.

– Биз турку туркман ота-боболаримиз таълим берганидек, хотин билан тўшакда, бола билан бешикда қўнишамиз. Қолган умримиз султонимиз хизматларида ўтади, – амирнинг ўзига бўлган эътиборидан яйраб кетган эди Тангрибермиш.

– Бироқ не қадар маликаю жориямиз бўлмасин, сиз каби кўп миллатли эрмасдир-ов, амир жаноблари?

– Бу гапингиз тўғридир, султоним. Сизга шом гулбаданлари керак. Бизга эса ҳиндию занги, мўлтонию чинганасиям бўлаверади.

– Хуллас, дуч келганини нишхўрдга чиқармайсиз, шундайми?

– Шундай, султоним. Уларни хафа қилиб бўладими? – сап-сариқ тишларини кўрсатиб тиржайди амир Тангрибермиш. – Эркак зоти армондан қолса ҳам дармондан қолмасин.

– Амир Тангрибермиш ва ул кишимнинг маликалари ишини ҳал этдик. Энди асосий масалага ўтсак, – деди амир Юсуф йўлка бўйлаб юришда давом этаркан амир Байрамга боқиб. – Буюрганимиз олтин тахт ҳозир бўлдими?

– Олтин тахт ҳозир, султоним. Сарой хазинасининг хос хонасида сақламоқдамиз. Истасалар ҳамон бориб кўра билурмиз, – жавоб қилди амир Байрам.

– Усталар ясашаётганда икки бор кўрган эдим. Менга ёқди.

– Иншооллоҳ, улуғ амиримиз авлодларини хон унвони ила безамоқнинг вақти замони етди. Ижозат этсалар валиаҳд султон Пирбудоқни олтин тахтга ўтқазиб, хон эълон этмоқ тўйу тадбирини келгуси жумага белгиласак ва уч кунни байраму сайл эълон этсак. Амиру маъмур, фаррошу сартарош, саррофу қассоб бир яйраса, олампаноҳ.

– Маъқулдир. Озарбайжонлик қардошларимиз, теварак-атроф бекларига чопарлар юбориб, маросимимизга даъват этинг. Зиндондагилар, асиру қулларга ҳам емак улашиб, кўнгилларини олсинлар. Кимса мурувватимиздан бенасиб қолмасин! – таълимот берди амир Юсуф.

– Усталаримиз олтин тахтни ясаркан кутилмаганда бир гап чиқиб қолди, султоним, – деди амир Байрам Қора Юсуфнинг ўнг томонида кетаркан.

Амир тўхтаб суҳбатдошига боқди.

– Устабошимизнинг уйига кечаси бир ироқлик араб келибди. Қилиқ қиёфатига кўра араб қўмондонларига ўхшармиш. Кутилмаган бир таклифда бўлинибди.

– Не таклиф экан? – қошларини чимирди амир Юсуф.

– Ўзларида катта бир олтин ашё бор экан. Уни қимматли маъдан ўлароқ сотиб олишни сўрабди. Устабоши не чоғлик қистамасин аввалига қандай матоҳлигини айтмабди. Сўнгида сўйлабди. Савдолашган нарсаси олтин тахт экан.

– Хўш-хўш. Жуда ғалати таклиф-ку? – ҳайрон эди амир Юсуф. – Кимнинг олтин тахти экан?

– Буюк қоон Чингизхоннинг тахти экан, султоним.

– Э-э, Амир Темур Балхда Турон ҳокимиятини элга кечирганида илк бор ўтирган тахтми?

– Ҳа, айнан ўша олтин тахт экан, султоним. Бу тахтни малика Сароймулкхоним Қозонхон қизи улуғ хоқон никоҳига кирганда тақдим этган дейдилар.

– Ана сизга қисматнинг ўйини, амир Байрам. Буюк қоон Чингизхоннинг олтин тахти салтанату сулоламиз остонасига келиб турса-я? – ҳайрати ошганди амирнинг.

– Бу ҳам тангрининг бир иноятн ва хайри аломатдир, султоним. Устабоши бу гапни эшитибди-ю, ҳуши бошидан учибди. Ашёнинг ўғирланганига ақли етибдида, арабга "Мен сени кўрмадим, сен мени, сен бу гапни менга айтмадинг, мен эшитмадим" дея қопуни кўрсатибди. Ўйлай-ўйлай бир ҳафтадан сўнг, куни кеча айтса бўладими? Шу тариқа Чингизхоннинг олтин тахтини қўлдан чиқарибмиз, султоним, – бўйнини ичига тортиб елкасини қисганча тахт можаросини сўйлади амир Байрам.

– Чакки иш бўлибди, амир Байрам. Устабоши деганингиз ақлини еганми? Нега ўша заҳотиёқ билдирмайди? Пойтахтимизга бир муҳим шахс шундай таклиф билан келади-ю, бехабармиз. Демак, айғоқу узунқулоқларимиз ҳам кўнгилдагидек ишламайди. Тахтимиз поясига ким келиб кетгани, дарвозаларимиздан кимлар кириб-чиққанини ҳам билмаймиз. Ҳаммадан кўп ва аниқ билгию хабарга эга бўлганларгина давлату ҳукуматни хавф-хатарсиз, узоқ бошқара оладилар, амир Байрам жаноблари, – таъби тирриқ бўлган эди амир Қора Юсуфнинг. – Устабошига айтинг! Ўша ироқи арабни ернинг остида бўлса ҳам топсин! Акс ҳолда боши кетади! – овозини баландлатди амир.

– Амрларини бажармоқ учун чекина билурманми? – сўради амир Байрам гуноҳкорона оҳангда.

– Тахтга ўтқазиш маросими тартиблари пухта ўйланиб, ҳозирликлар кўрилганми? – сўради амир Юсуф.

– Тўю тантана учун ҳар неки лозим бўлса, ҳозир, султоним, – жавоб қилди амир Байрам.

– Унда чекина билурсиз! Биз бекларимиз билан муҳокамани давом эттирамиз, – амир Байрамга кетмоққа изн берди ҳукмдор.

Муборакшоҳ ва Тангрибермиш билан сарой боғчасини айланган Қора Юсуф, боғ тўридаги шер, айиқ, бўри ва зурафо каби ёввойи ҳайвонлар сақланадиган қўралар томон юрди.

Амир Юсуф Миср султони ҳадя қилган зурафо қўраси қаршисига қурилган томоша кўшкининг айлана шаклидаги курсисига оғир чўкди. Ортидан келаётган амирларига ҳам ўтиришга ишорат этди.

Ўнг қўлини кўтариб ҳукмдор амрини беклаётган ҳайвонбоқарни ёнига чорлади. Боқувчи маликалардан бирининг қардоши эди.

– Ҳа, Қурбонберди! Ишларинг қалай? – қайнисидан аҳвол сўраган бўлди улуғ амир.

– Тангрига шукур, султоним! Сояи давлатларида ризқу насибамизни териб еб юрибмиз, – таъзим этганча жавоб қилди ҳайвонбоқар.

– Сенинг ишинг осон, Қурбонберди. Икки оёқли жонзодларга кўра тўрт оёқлилар билан чалишмоқ қулай ва осондир. Сендан молу мулк талабию ҳокимияту иқтидорга шериклик илинжида бўлмайдилар. Саломига алик олганинг киши давлат аталмиш тотли патирдан парча истайди. Бу патирни бурдалаб бераверсанг, охир-оқибатда ўзингга қотган экмак қолади, Қурбонберди.

Жониворларингга емакларини вақти замонида етказиб туришибдими?

– Келтириб туришибди, султоним. Айиқларнинг чўмилиши учун ҳовуз лозим эди, ҳамон кавлаб, тош қоплаб бердилар. Камчилигимиз йўқ, султоним.

– Айиқларга не этини бермоқдасан?

– Қассоблар эшак этини келтирадилар, султоним.

– Эшак этига итнинг тиши деган гап бўларди. Энди айиқнинг тиши бўлибди-да, Қурбонберди.

– Шундай, шундай, султоним.

– Зурафо бир кунда қанча ем-хашак ейди?

– Икки-уч пуд чоғи, султоним.

– Бу махлуқнинг шакли шамойилини қаранг-а, бир жонзотда бўйину оёқ узун, бошқа бир яратиқда тилу соч. Бенуқсон парвардигор дегани шу экан-да, – дея кулиб қаршисида ўтирган бекларига қаради амир Юсуф.

– Мошоллоҳ, шундайдир, султоним, – деди амир Муборакшоҳ қўл қовуштиргунча ўрнидан тураркан.

– Ҳайвонлар боғини саранжом-саришта тут, Қурбонберди. Келаси жума куни жуда муҳим ва тантанали бир маросим ўтказамиз. Қўноқларимиз кўп бўлади. Маошингни вақтида беришаётирми?

– Бермоқдалар, султоним.

– Буюк йиғинимизда арабу ажам, Қофиқозу Озарбойжондан ташриф буюражак қўноқларимиз жуфт-жуфти билан шоҳину қартал, бургуту қирғий, ҳатто оқор ҳам келтиришаётган эмиш, султоним. Бош ҳайвончимиз Қурбонбердининг иши зўр, – гап қўшди амир Муборакшоҳ.

– Лозим бўлса ёнингга яна бирорта ёрдамчи ола билурсан, – дея ўрнидан қўзғалди улуғ амир.

Сарой ҳовлиси ва боғчасида мулозиму хизматчилар елиб-югурганча амир Юсуфнинг тўнғич ўғли амирзода

Пирбудоқни султон эълон этиб, олтин тахтга ўтқазиш маросимига ҳозирлик кўришар, шиқовулу ясовуллар узоқ-яқиндан келган мусофирларни қаршилаб, қўноқ улашиб, Табризнинг бой-бадавлат хонадонларига жойлаштиришарди.

Ниҳоят амир Қора Юсуф Туркман эсини таниб, салтанат, тожу тахт ҳавосига киргандан бери орзу қилган даму дақиқа етиб келди.

Доруссалтанат Табриз саройи деворларию боғчадаги оғочлар зар шокилалар ва олтин сувига ботирилган ипакликлар билан безатилди. Сарой даҳлизлари ва ҳовли йўлакларига ўлчаб тўқилган туркмоний ва эроний гиламлар кўзни қамаштиради.

Ҳовлининг саройга киришдаги сўл тарафида Озарбайжону Эрон мулкининг аъёнлари ва туркман элларининг олиму умаролари саф тортиб турарди. Ўнг тарафда эса амир Қора Юсуф бошлиқ қорақўйинли туркман аймоғининг беклари ҳаяжонли дамни сабрсизлик ила беклашарди.

Амир Қора Юсуф кутилмаганда султонлик зарбоф тўнини ечиб лашкарбошиларнинг оддий чопонини кийган, шоҳона тожини ҳам қўмондонларнинг попукли дубулғасига алмаштирган эди.

Улуғ амир бу ҳаракати билан мен бошлиқ барчамиз бугундан эътиборан олтин тахтга ўтқазилиб, қорақўйинли туркманлар подшоҳи эълон этилажак Пирбудоқ Қора Юсуф ўғлининг садоқатли навкаримиз ва катта-кичик унга бўйсуниб, байъат келтиради дегани эди.

Амир ва қўмондонлар ҳам суворийу сипоҳийларнинг оддий жанг либосини кийган, мулозиму хизматчилар қуллар либосида эди.

Хос мулозим ишорати билан тўпланганлар олтин тахт қўйилган солин томон юрдилар.

Солин қопусида отаси бошлиқ қофилани шаҳзода Пирбудоқ қаршилади. Бўлғуси подшоҳ одатдаги амирзода кийимида бўлиб, шоҳлик зарбоф тўн, олтин қамар ва олтин сопли қилични икки қўли устига қўйган мулозим олтин тахт ёнида турарди.

Солинга киргач, Пирбудоқнинг ўнг қўлидан тутган амир Қора Юсуф ўғлини тахтга етаклаб келди. Мулозим узатган зарбоф тўнни кийдириб, белига олтин сопли қилич ўтказилган олтин камарни тақди.

– Оллоҳнинг амри, пайғамбаримиз таври ва улусимизнинг узоқ йиллик мужодаласи натижасида бугунги саодатли кунларга етишдик! – деди амир Юсуф ҳаяжондан овози товланиб. – Олиму уламоларимиз, фозилу фузалоларимизнинг дуою рағбатлари, эл-улусимизнинг неча юз йиллик орзу истаги, хоҳиш иродаси натижаси ўлароқ тўнғич фарзанди аржумандимиз Пирбудоқни подшоҳимиз этиб кўтармоқ бахтига мушарраф бўлдик! Бундин сўнг амри фармонлар унвонига "Султон Пирбудоқ ярлиғидан Абу-н-Наср Юсуф баҳодир нўён сўзимиз" дея битилажакдир! Бу тожу тахт, бу султонлик эл-юртимиз учун хайрларга васила бўлгувсидир, иншооллоҳ! Ярасун! – дея сўзини тугатди амир Юсуф баҳодир нўён.

– Ярасун!

– Муборак бўлсин!

– Эл-улусга саодат келтирсин!

– Тахту салтанатлари боқий бўлсин!

– Омин! – солинда тилаклар янгради.

Отаси каби қораширғайдан келган, узун бўйли, кенг елкали, тандирдан янги узилган султон Пирбудоқ қирқ бешни қоралаб қолган, бир ҳукмдор тажрибасига соҳиб валиаҳд эди.

У ўзига умид кўзи билан термулаётган турли мансабу машрабдаги кишиларга ҳайрат ила қизиқсиниб боқарди. Бугундан эътиборан унга илтижо нигоҳини қадаётган кишиларнинг қисмати қадари элида эди гўё.

Қўноқ шаҳзодаю беклар, салтанат амирлари тахт қаршисидаги хонтахта устига қимматбаҳо мўйна, гумаш, гилам, олтин ва кумуш идишу кўзалардан иборат ҳадяларини келтириб қўйганча қутлашарди.

Янги хон амри билан тантанага ташриф буюрган барча муҳтарам асилзодалар ва туркман улусининг ўтоғаларига шоҳона сарполар, хисравона камарлар ҳадя этилди.

Шундан сўнг бир ҳафтага чўзилган тўй бошланди. Энди тантаналар Табриз теграси ва Озарбайжон ўлкасида давом этарди.

Тоғли Қорабоғда истироҳат этаётган улуғ амир Қора Юсуф султон ўғли билан салтанату мамлакат масалаларини муҳокама этиб ўтирарди.

– Инингиз Шоҳ Муҳаммаддан не ҳаводислар? Чопар алмашиб турибсизларми? – сўради улуғ амир ўғли Пирбудоқдан. – Бағдодда турум қандай экан?

– Хабарлашиб турибмиз, қиблагоҳ, – деди Пирбудоқ олтин косага анор шарбатини қуйиб отасига узатар экан. – Султон Аҳмад қатлидан сўнг ҳокимият шаҳзода Шоҳвалад ибн Султон Увайснинг уч ўғлига кечгандир. Шоҳваладнинг уч ўғли ҳам ҳали ёш эканлигини ҳисобга олиб, уларни тенг ҳуқуқли ҳукмдор дея эълон этганлар. Бу уч шаҳзода ўзаро маслаҳатлашиб, бугун бир кишини Бағдод ҳокими эълон қилиб, эртаси куни қатлга етказишар экан. Бундан норози бўлган шаҳар аҳлининг ҳам жони ҳалқумига келган дейдилар. Айни дамда Бағдодда Шоҳваладнинг катта ўғли Султон Маҳмуд ҳоким

эмиш. Бироқ давлатни унинг номидан соҳиб ихтиёр Абдураҳмон маллоҳ йўнатар эмиш. Кичик қардошим Шоҳ Муҳаммадбекдан олган сўнг билгимиз шудир, қиблагоҳ. Бугун-эрта чопар охирги маълумотларни етказишни бекламоқдамиз.

– Айни дамда Шоҳ Муҳаммад қайда экан?

– Чопар қардошимнинг Ардабилда эканлигини айтган эди.

– Сўнг билги келса келди. Бўлмаса ҳамон сиз чопар жўнатинг-да, инингизга Бағдод устига юриш амрини беринг. Бундай қулай фурсат ҳар замон ҳам келавермайди. Шаҳзодалар улғайишини кутмай, мавжуд бошбошдоқликдан фойдаланмоқ лозим, – султон ўғлига таълимот берди улуғ амир Юсуф.

– Унда ярин тушга қадар қардошимдан хабар келмаса, чопар жўнатажакман, қиблагоҳ, – деди Пирбудоқ подшоҳ кўксига икки қўлини қўйганча отасига таъзим этаркан.

– Маъқулдир, авлодим. Турумдан истифода этмоқ керакдир. Унутмангким, отадушман бу шаҳзодаваччалар эрта бир кун оёққа туриб илдиз отса, отасию бобосининг қасдини олмоқ учун элига қилич олади. Бу жалойирваччаларни маҳв этмасак-да, Бағдоддан қувиб чиқармоқ жоиз. Мен аҳмоқ ўша пайтдаёқ Темур билан англашиб, Аҳмад Жалойирни йўлдан олиб ташлашим керак экан. Биз турку туркманнинг ақлимиз доимо, тушдан кейин киради. Унинг устимга, бошкентим, Табризга бостириб келиши етти ухлаб тушимга кирмаган эди. Инсон не қадар ўзини ақлли санамасин, ёши бир жойга бориб қолганда ҳам дўсту душман сўзига қулоқ солиб, рост-ёлғон гапга ишониб, янглишаверар экан. Менинг бошимдан кечган оғир кунлару жангу жадаллар тажрибаси сизларга сабоқ

ва ўрнак бўлмоғи керак, – босиқ оҳангда ўғлига насиҳат қиларди амир Юсуф.

Султон Пирбудоқ Асад зафаридан сўнг номи тилларда достон бўлиб кетган афсонавий отасини қошини чимирганча диққат билан тингларди.

– Лозим бўлса иним Шоҳ Муҳаммадга кўмак учун мен ҳам етиб боришим мумкин, – деди Пирбудоқ отасининг сўзларидан таъсирланиб.

– Сизнинг Ардабил ёки Бағдодга боришингизга лузум йўқ, ўғлим. Биз Шоҳ Муҳаммадни жалб этмасдан Султон Аҳмад ишини битирдик. Унга ёрдам қўлини чўзмоқчи бўлган Шайх Иброҳим тулкини беҳуда қувган този турумига тушди. Кўнглим сезиб турибди. Отаси жалойирлар султонининг қандай жойини солган бўлса, ўғли ҳам ундан қолган хас-хашакларни доруссалтанат Бағдоддан супуриб ташлайди. Қузайимизда Шайх Иброҳим, дўғида тезаги билан тевалашгувчи темурийзодалар турар экан, биз бу ҳудудларни ташлаб кета олмаймиз. Арманининг таълимини олган Шайх Иброҳим турли усулу услуб билан авраб, Шоҳруҳ подшоҳ ёки унинг бирор-бир жиянини бизга қарши гиж-гижлаши мумкин. Бу ўпка билмайдики, ўрдак билан топишган хўрознинг катагини сув босади. Унга ўғли Қаюмарснинг қўлимизда асир тургани ҳам сабоқ бўлмайди.

Султон Пирбудоқ тушундим деган маънода бош иргади. Чуқур нафас олган амир Юсуф ўғлига муҳим, ҳал қилувчи фикрларни айтмоққа ўзини ҳозирларди.

– Сўзларимни диққат-ла тингланг, султоним, – овози титраб кетди отанинг. – Мен бугун ёнингизда туриб энг тўғри маслаҳатни беришим мумкин. Вақти замони етиб, омонатини эгасига топширмоқдан қочиб қутулиб бўлмас. Ота-она кетмоғи меросдир. Олдин келган олдин кетсин!

Яратган эгам ҳеч биринғизнинг доғу дардингизни кўрсатмасин. Мен сизни бекорга султон эълон эттириб, олтин тахтга ўтқазмадим, авлодим. Кичик қардошларингиз Шоҳ Муҳаммад, Искандару Испандлар, уларнинг фарзандлари бўлсин, барча-барчасига шоҳу отасиз. Инсон не қадар ўзини ақлли, тетик, кўнглини ёш ҳис этмасин, умр дегани ўз ишини қилади. Ақли заковати не қадар теранлашмасин, киши эҳтиёткор ва мулоҳазакор бўлиб қолади. Султон Аҳмад Жалойиру шаҳзода Шоҳваладни қатлга ҳукм этдиму, тинчим йўқолди. Руҳимдаги мувозанат бузилди. Бироқ бу ишни биз қилмасак, у амалга оширар эди. Отам раҳматли буюк қоон Чингизхоннинг бир сўзини кўп такрорлар эдилар, – дея кўзини юмганча тин олди амир Юсуф хаёли қочгандай.

– Қайси сўзини? – ичи қизиб сўради Пирбудоқ.

– Ҳа. Чингизхон бўйни йўғоннинг бўйнини кес, тили узуннинг тилини суғур деган, Пирбудоқ. Бу нарса подшолигу ҳукмдорликнинг воз кечилмас шартларидан бири эканлигини унутма. Юзда юз ҳақ бўлмасанг-да қиличу кундага мурожаат этмоққа тўғри келади. Олижаноблигу яхшиликка айнан шундай жавоб бўлганлигини жуда кам кўрдим, ўғлим. Яна шуни сенга сўзламоқ мажбуриятидаманки, жуда мажбур қолмасанг ва ўзлари ҳужум этмасалар темурийлар билан савашга кирма. Уларнинг ортида дунёни титратган жаҳонгир бобоси, Самарқанду Бухоро турибди. Бизнинг ортимизда эса фақат еб турсагина сўзингга киргувчи чўпон-чўлиқ бир қавм бор. Ришватхўр арабу буқаламун пирсиённинг бизни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. Имкон қадар улар ила англашиб, салтанат сурмоқ жаддида бўлинг. Кўзим очиқ эркан, мен сизга бу васиятларни қилиб қўймоғим керак. Жонга ишонч йўқ. Темурдек аждарҳо элидан қочиб қутулмоқни уддала-

ган Султон Аҳмаднинг ишини бир довдир камончи ҳал қилди-қўйди. Заҳарли ўқ емаганида, қочиб қутулиб кетарди. Қисмату сабаб. Бироқ қадардан қочиб қутула олмади. Не тарзда юз бермасин, ўлим барчанинг бошида бор. Киши шуни ҳисобга олиб, орқа-олдини йиғиштириб, дўсту душманнинг фарқига бориб ҳаракат этмоғи керак. Кимсадан энг олий даражадаги садоқату мурувват бекламанг. Шамширингизнинг кучи, амри фармонингизнинг қудрати билан раиятни шунга мажбур этинг. Улар учун сизга хизмат этмоқ ва садоқат сақламоқдан бошқа йўл қолдирманг. Нохайрихоҳларингиз юриши мумкин бўлган, хоҳишу иродангиз ташидаги барча йўлу сўқмоқларни беркитинг, бузиб ташланг.

– Тушундим, падари бузруквор, – деди ҳамон таъзимла чўккалаб турган Пирбудоқ.

– Унда қоровул қисмлари ила боғланиб, чопарнинг дарагини олинг. Бирор-бир янгилик бўлса, ҳамон менга етказинг, – ўғлига кетмоққа изн берди улуғ амир.

Ардабил ҳокими Шоҳ Муҳаммаднинг навкари эртаси куни шом намозига яқин етиб келди.

Чопарни отаси саропардаси саҳнида қаршилаган султон Пирбудоқ қуёш нурида тезакдек қорайиб кетган суворий қўлидан мактуб битилган зарфни олди.

– Мактуб менгами ёки қиблагоҳгами? – сўради навкардан.

– Подшоҳимиз қиблагоҳимга еткуринг дедилар, – жавоб қилди чопар.

Мактубни олган подшоҳ отаси саропардасига кириб кетди.

Улуғ амир ўғлига мактубни очиб ўқишни буюрди.

"Умидларимиз қибласи, зафаршиор улусимиз ва ўрдумизнинг падари бузруквори фотиҳ қиблагоҳимизга

Яратган эгам ҳеч бирингизнинг доғу дардингизни кўрсатмасин. Мен сизни бекорга султон эълон эттириб, олтин тахтга ўтқазмадим, авлодим. Кичик қардошларингиз Шоҳ Муҳаммад, Искандару Испандлар, уларнинг фарзандлари бўлсин, барча-барчасига шоҳу отасиз. Инсон не қадар ўзини ақлли, тетик, кўнглини ёш ҳис этмасин, умр дегани ўз ишини қилади. Ақли заковати не қадар теранлашмасин, киши эҳтиёткор ва мулоҳазакор бўлиб қолади. Султон Аҳмад Жалойиру шаҳзода Шоҳваладни қатлга ҳукм этдиму, тинчим йўқолди. Руҳимдаги мувозанат бузилди. Бироқ бу ишни биз қилмасак, у амалга оширар эди. Отам раҳматли буюк қоон Чингизхоннинг бир сўзини кўп такрорлар эдилар, – дея кўзини юмганча тин олди амир Юсуф хаёли қочгандай.

– Қайси сўзини? – ичи қизиб сўради Пирбудоқ.

– Ҳа. Чингизхон бўйни йўғоннинг бўйнини кес, тили узуннинг тилини суғур деган, Пирбудоқ. Бу нарса подшолигу ҳукмдорликнинг воз кечилмас шартларидан бири эканлигини унутма. Юзда юз ҳақ бўлмасанг-да қиличу кундага мурожаат этмоққа тўғри келади. Олижаноблигу яхшиликка айнан шундай жавоб бўлганлигини жуда кам кўрдим, ўғлим. Яна шуни сенга сўзламоқ мажбуриятидаманки, жуда мажбур қолмасанг ва ўзлари ҳужум этмасалар темурийлар билан савашга кирма. Уларнинг ортида дунёни титратган жаҳонгир бобоси, Самарқанду Бухоро турибди. Бизнинг ортимизда эса фақат еб турсагина сўзингга киргувчи чўпон-чўлиқ бир қавм бор. Ришватхўр арабу буқаламун пирсиённинг бизни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. Имкон қадар улар ила англашиб, салтанат сурмоқ жаддида бўлинг. Кўзим очиқ эркан, мен сизга бу васиятларни қилиб қўймоғим керак. Жонга ишонч йўқ. Темурдек аждарҳо элидан қочиб қутулмоқни уддала-

ган Султон Аҳмаднинг ишини бир довдир камончи ҳал қилди-қўйди. Заҳарли ўқ емаганида, қочиб қутулиб кетарди. Қисмату сабаб. Бироқ қадардан қочиб қутула олмади. Не тарзда юз бермасин, ўлим барчанинг бошида бор. Киши шуни ҳисобга олиб, орқа-олдини йиғиштириб, дўсту душманнинг фарқига бориб ҳаракат этмоғи керак. Кимсадан энг олий даражадаги садоқату мурувват бекламанг. Шамширингизнинг кучи, амри фармонингизнинг қудрати билан раиятни шунга мажбур этинг. Улар учун сизга хизмат этмоқ ва садоқат сақламоқдан бошқа йўл қолдирманг. Нохайрихоҳларингиз юриши мумкин бўлган, хоҳишу иродангиз ташидаги барча йўлу сўқмоқларни беркитинг, бузиб ташланг.

– Тушундим, падари бузруквор, – деди ҳамон таъзимла чўккалаб турган Пирбудоқ.

– Унда қоровул қисмлари ила боғланиб, чопарнинг дарагини олинг. Бирор-бир янгилик бўлса, ҳамон менга етказинг, – ўғлига кетмоққа изн берди улуғ амир.

Ардабил ҳокими Шоҳ Муҳаммаднинг навкари эртаси куни шом намозига яқин етиб келди.

Чопарни отаси саропардаси саҳнида қаршилаган султон Пирбудоқ қуёш нурида тезакдек қорайиб кетган суворий қўлидан мактуб битилган зарфни олди.

– Мактуб менгами ёки қиблагоҳгами? – сўради навкардан.

– Подшоҳимиз қиблагоҳимга еткуринг дедилар, – жавоб қилди чопар.

Мактубни олган подшоҳ отаси саропардасига кириб кетди.

Улуғ амир ўғлига мактубни очиб ўқишни буюрди.

"Умидларимиз қибласи, зафаршиор улусимиз ва ўрдумизнинг падари бузруквори фотиҳ қиблагоҳимизга

етиб маълум бўлсинким, сояи давлатларию дуолари ила амр этганлари, халифалар бошкенти доруссалтанат Бағдодни элга киритдик. Улуғ ҳазрат отамизнинг Асад ғалабаси ва Табриз фатҳи бизга чексиз кучқувват, илҳому иштиёқ бахш этди.

Зоти олийларининг изнлари ила камон ўқи каби отилиб бир кечада қўлга киритганимиз Бағдод фатҳи шарҳини изоҳ этсам. Бағдоддаги салтанат ғавғоси ва султон Увайс авлодларининг тожу тахт талашуви бизни анчадан буён роҳатсиз этмоқда эрди.

Бир йўла султон амакиси ва отасидан айрилган Шоҳвалад ўғиллари бошларига тушган фалокату тажрибасизлик оқибатида тўғри йўлдан кетаётиб адашдилар. Шаҳзодалар ўзаро англашиб тўнғич жалойирийзода Султон Маҳмудни тахтга ўтқаздилар. У эса Абдураҳим маллоҳни (кемачи) соҳиб ихтиёр этиб тайинлади. Султон Аҳмад Жалойир замонасида подшоҳ кемачиси сифатида танилмиш Абдураҳим маллоҳ ҳар куни шаҳарнинг номдор аъёнларидан бирини қатлга етказиб, бошқаларининг мол-мулкини мусодара эттира бошлади. Бу ҳолат сарой аркони ва шаҳар халқининг норозилигига сабаб бўлди.

Бу турумдан талвасага тушган Султон Увайс ва Султон Муҳаммаднинг беку навкарлари Абдураҳим маллоҳга қарши фитна уюштирдилар. Улар Султон Аҳмад Жалойир салтанати даврида шихналик ва доруғалик қилган Бахшошийни қўлга олиб, Абдураҳим маллоҳга қарши қайрадилар. Ким қўйибди бир эшакчию кемачига мулки давлатни бошқаришни дея биргаликда маллоҳнинг бошини кундага етказдилар. Кўп ўтмай шихна Бахшоший ва ундан сўнг ҳокимият тепасига келтирилган Носуриддин Раҳимийлар ҳам

шаҳодат шарбатини тотиб, Абдураҳим маллоҳ тақдирини пойлашдилар.

Худди шу дамда, ярим тунда мен илғорим ила Бағдоднинг Суқсултон дарвозасига етиб бориб, шаҳарни бир томчи қон тўкмай эгалладим. Ғанимларимиз уйқудан кўз очмоққа-да улгурмадилар. Жалойирлар зулми ва бебошликларидан безган бағдодликлар бизга қаршилик кўрсатмадилар.

Шоҳваладнинг уч ўғли ҳамда Султон Увайснинг қизи Денди Султон Бағдодни тарк этиб, Шустар томон қочмоқ турумида қолдилар. Мен халифалар бошкенти Бағдодда туриб ушбу мактубни битмоқдаман. Қўшинимни эса Ҳийт қалъаси забти ва Қурдистоннинг қолган ерларини фатҳ этмоқ учун жўнатдим.

Оллоҳнинг амри ила ота шаҳримиз Бағдод элимиздадир. Сиз азиз ва муҳтарам қиблагоҳим ва султонлар султони, буюк қардошим Пирбудоқ подшоҳга фатҳу зафарларимиз ҳақида билги бериб, хуш хабарларни етказмоқдин туйган ғурур, ифтихор туйғусини ифода этмоққа сўзу иборалар топа олмаётирман.

Ҳар неки биз истаганимиз каби бўлди. Иншооллоҳ, яратган тангри бундан сўнгда меҳри шафқати, раҳмату марҳаматидан бизни дариғ тутмагай.

Шоҳлар шоҳи сиз олийзот қиблагоҳ ва султонлар султони улуғ Пирбудоқ қардошимдан амри фармон беклагувчи навкарингиз:

Шоҳ Муҳаммад Абу-н-Наср Юсуф баҳодир ўғли".

– Мен, сиз султон ўғлим ва инингиз Шоҳ Муҳаммадга ҳар куни қуёшнинг нур сочиб чиқиши не чоғли муқаррар бўлса, худди ана шундай инонурман. Асил ўғлон ана шундай, отасидан олти бош устун, пичоққа соп бўлмас фарзанд эса отасидан олти бош паст бўлади, ўғлим. Кичик қардошингиз Шоҳ Муҳаммад ҳам сиз – султон акаси

каби тутган жойини қўйиб юбормайди. Иншооллоҳ, панжасига киритган мамлакатларда унинг амри фармонлари узоқ йиллар жорий бўлғай! – Бағдод фотиҳи ўғлининг ишидан астойдил қониқиш туйганди амир Юсуф. – Мен улуғ оталаримизнинг ўғлингни севсанг, қулингдек ишлат деган насиҳатига амал қилиб, сизларни улусдан айириб, эркалатмадим. Элу элатдан бир парча экмакни ортиқ емакка ўргатмадим. Бир аскар каби едириб-ичириб, қаттиққўллик-ла тарбият этдим. Ўша пайтларда мендан бир оз норози бўлган бўлишингиз мумкин. Бироқ фарзанд тарбия этмоқнинг бошқа йўли йўқдир. Сизлар ҳам авлодларингизни шундай ўстиринг. Хон тахтидан, қиз бахтидан қўрқар дегандек, тожу тахтни ўйлаб авлод тарбиясини унутманг. Бир нобоп авлод яғий ўрдуси қилолмаган фалокатга дучор эта билар. Тангримга шукрки, бир орзуйим қаршимдан тўққиз бўлиб чиқди. Мен-ла баробар не-не қувғину таъқибларга учраб, сабри тоқат, чидаму матонат-ла мана шу – шарафли онларга етиб келдингиз. Ота изини босажак ва ундан-да ошажак авлодлар бўлиб етишдингиз. Эгамга беҳад шукрлар бўлсин! – овози титраб кетди амирнинг.

– Омин! – деди султон Пирбудоқ доимо ҳисоб-китобни аниқ оладиган ва мўлжалда адашмайдиган, куни кеча қилган башорати амалга ошган афсонавий отасига ҳайрат ила боқаркан.

– Куз охирлаб қолди. Қишни Қорабоғда баробар кечирсак ҳам бўлар эди. Янглишмасам, Темур уч ёки тўрт бора шу ерда қишлаган. Бироқ мамлакат хавфсизлиги ва бошкент муҳофизоти учун қишни Табризда ўтказганимиз маъқулдир. Балки мен Табризга кетиб, сиз Қорабоғда қолармсиз. Сиз бу ерда Шайх Иброҳимдан, мен эса Ҳирот томондан кўз-қулоқ бўлиб турамиз, – султон ўғлига маслаҳат солгандек қўнишарди амир Юсуф.

– Қиблагоҳ ҳазратлари қишлов учун қаерни таржиҳ этсалар, асл авлодлари ўлароқ хизматлари бошимизу кўзимиз устидадир, – деди таъзим-ла бош эгиб султон Пирбудоқ.

– Унда менинг қўшинимга сўйланг. Сафар тадоригини кўрсин.

Кеч кўз бўлса-да, сўлим Қорабоғда ҳануз баҳору ёз ҳавоси эсар, куз ўртасида бир илиган сойлар суви яна совиб тиниқлашган, оғоч япроқлари сўнгги бор қуёш нурини эмаётгандек сарин эпкинда солланиб шивирларди.

Халифанинг тахтидасан, Амир Темур аҳдидасан, тонг отар, кун ботар, умр сувдек оқар эди...

БЕШИНЧИ БОБ

Ўйнашмагин амир билан,
Амир урар темир билан.
Отасўзи

Турону Хуросон бошкенти доруссалтанат Ҳиротда Чин элчилари ташрифига ҳозирлик кўришарди.

Хос мулозимлар хоқони саид Шоҳруҳнинг шаҳар бозорларига муносиб равишда зийнат берилиши, ҳар бир ҳунарманду косиб ўз санъатини тўла зоҳир этган ҳолда дўкону устахоналарини безатиши, кўча-кўйларнинг саранжом-саришта тутилиши ҳақидаги фармонини маҳаллама-маҳалла юриб, халойиққа етказар эди.

Бекларга элчилар яқинлашиши билан шаҳардан бирор фарсах ташқарига чиқиб кутиб олиш амри берилди.

Машҳад зиёратидан баҳор ўрталарида қайтган хоқон сафар сарҳисоби ва Чин элчилари ташрифини муҳокама этмоқ учун ҳузурига амир Нуширвон Барлос,

мударрис Шарофиддин Дизакий ва мингбоши Қулмон Қиётни чорлашни буюрди.

– Салтанатимиз сиёсати ва мамлакатимиз ҳудудидаги воқеалар хусусидаги сўнгги билгиларни берсангиз? – деди хоқон амир Нуширвон Барлосга қараб чорланган уч киши солинга кириб кўрсатилган курсиларга ўтиргач. – Мавдуд Гармсерий қавми тинчиб кетдими?

– Зоти олийларига маълумким, Мавдуд Гармсерий доруссалтанат Ҳиротда, Ҳумоюн даргоҳда мўътабар мулозимлар сафида хоқон ҳазратларининг ҳурмату эътиборларига сазовор бўлиб юриб эрди. Олий мавкаб Машҳад йўлига тушиши билан феъли атвори айниб, юрти Гармсерга қараб жўнаган. Бу ҳақда кимсага сўйламаган ва кимсадан изн олмаган. Хабар олий қулоқларга етгач, зоти олийлари биродаримиз, мингбоши Қулмон Қиётни турумни билиб келмоқ учун Гармсерга юбордингиз. Мингбошибек инимиз у ҳудудларда балужлар сардори Али Темур билан учрашиб, содир бўлган турумни тафтиш этганлар. Воқеа иштирокчиси ўлароқ юз берган ҳодисотни ўзлари сўзласалар маъқулмиди дейман? – дея Қулмон Қиётга қаради амир Нуширвон Барлос.

Мингбоши қўл қовуштирганча ўрнидан турди. Хоқон унга қўниша билурсиз дегандек боқди.

– Мавдуд Гармсерий юрти томон от суриб кетаркан, Барсин манзилида шикор қилиб юрган балужлар раиси Али Темурга дуч келади. Ундан бу манзилда не юмуш ила юрганлиги сўраб-суриштирилади. Мавдуд Гармсерий ўзини Шоҳруҳсултон ҳазратлари юборганликларини айтади. Али Темур ундан бирор-бир ёрлиқ ёки иноятнома кўрсатишини талаб қилади. Балужлар элидан омон чиқа олмаслигига кўзи етган Гармсерий одамлари билан бирга балужларга қарши ҳужум бошлайди. Бир

қанча киши яраланиб, бир нечтаси шаҳид кетади. Оғир аҳволга тушиб қолган Али Темур қочади. Мавдуд Гармсерий уни қувмоққа тушади. Шу пайтда Али Темурнинг камончи қодирандоз (ёйдан бехато ўқ отувчи мерган) ўғли Гармсерийнинг ортидан тушиб ўққа тутади. Ёй ўқи унинг сийнасини тешиб чиқади. Балужлар Мавдуднинг одамларини банди этиб, ўзини қатлга етказадилар. Бошини эса Ҳиротдан борган чопар-хабарчимиздан бериб юборадилар. Шу тариқа Мавдуд Гармсерий фитнаси барҳам топди, онҳазрат! – дея Гармсер вилояти воқеаси тафсилотини баён этди мингбоши Қулмон Қиёт.

– Англашилди, – деди хоқон ўйга толганча. – Маълумингизким, юртимизга Чин подшосининг элчилари келишмоқда. Уларнинг шаҳар бўйлаб саёҳатлари, гап-сўзларидан бевосита сиз хабардор бўласиз ва олий даргоҳга етказиб турасиз. Бу қўнуда устоз Дизакий сизга кўмак этадилар ҳамда чин тилини билгувчи шогирдларини хизматингизга тайинлайдилар. Улар билан қай тарзда муносабатда бўлмоқ хусусида устоз, сизга тегишли таълимотларни берадилар, – дея бу қўнуда сиз не дейсиз дегандек Шарофиддин Дизакийга қаради хоқон. – Барчадин кўра сизга янада равшанроқдир. Улар фақат элчилик вазифасини ўтамоқ учун келмайдилар ҳар ҳолда. Тўғрими, устоз?

– Тўғридир, онҳазрат. Улар билан муносабатларимиз марҳум подшоҳлари замонасида жуда яхши эди. Бироқ ҳозирги ҳукмдор ўғли отаси каби тинчликсевар чиқмади. Ҳе йўқ, бе йўқ султон соҳибқирон ҳазрати олийларига мактуб ила элчи юбориб, бож талаб этди. Улуғ хоқон ҳазратларининг Оқсаройнинг очилиш маросимига даъватларини ҳақорат билиб, куракда турмайдиган иборалар ила сен ўзинг келиб биз қурган буюк биноларни

кўриб кет дея дағдаға қилди. Улуғ хоқон ҳазратлари босиқлик билан ўшанда элчиларга "Мен албатта Чинга бораман" деган эдилар. Бироқ у тарафларга бормоқ насиб этмади. Зоти олийларига маълумким, бу Чин элчиларининг бошкентимизга иккинчи ташрифидир.

– Ҳа, хотирамда, устоз. Биринчи элчилар қиблагоҳ ҳазратлари вафотлари муносабати билан подшоҳларининг таъзия мактубини олиб келган эдилар, – эслади подшоҳ. – Унда Боғи Зоғонни қабул учун ҳозирламоқ керак. Ҳозир учовингиз у ерга бориб, боғу кўшкни тартибга келтириш ишига бош-қош бўлингиз.

Яна нимадир демоқчи бўлиб қараб турган Қулмон Қиётга кўзи тушган хоқон қошларини чимирганча мингбошига юзланди.

– Гармсер вилояти тафсилотига иловатан яна бир хабарни сўйламакка ижозат этинг, онҳазрат? – деди Қулмон Қиёт ҳамон тик турганча.

– Сўйланг!

– Шустардаги бир кишимиздан билги келди. Кеча сўйлаганим каби Шоҳ Муҳаммад Қора Юсуф ўғли Бағдодни эгаллагач, султон Аҳмад Жалойир авлодлари Шустарга қочишган. Жалойирлар салтанатида сўз соҳиби бўлган Шоҳвалад ўғиллари, уч шаҳзода ўз суҳбатларида темурийлар давлати сояси ва хоқон Шоҳруҳ ҳимоясида яшамоқ ўзлари учун ярарли эканлигини қўнишмоқда эканлар. Хабарчимизнинг маълумотига кўра улардан Ҳирот саройига чопар келиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эрмас эрмиш. Шустардан олган сўнг муждамиз шул турур, онҳазрат, – дея таъзим этди мингбоши.

– Бекланмаган хабар. Яқину бегона, дўсту душман бўлсин, оёғи бир этикка тиқилганида давлатимиз соясига сиғинмоқчи бўладилар. Куни кеча Табризга бориб

бободушмани Қора Юсуфдан раҳми шафқат тилаган амирзода Рустам эртаси куни Ҳиротга келиб, биздан мадад сўради. Ўз-ўзидан маълумки, ёрдам элини чўзсак, яхшимиз. Бунга имконимиз етмаса, ёмону душманмиз. Амирзода Рустам англайдими, англамайдими, билмадим. Бироқ орқасида темурийлар давлати ва биз турганлигимиз учун амир Қора Юсуф унга иззат-икром кўрсатган. Акс ҳолда унинг ҳаётидаги энг буюк ғаними набирасининг саройида шоҳона қаршилаб, муносиб равишда кузатиб қўймоқдан бошқа муҳим ишлари ҳам кўп бўлса керак. Тажрибали, тиш қоққан амир дўсту ғанимга сиёсат тўнини тўғри бичиб, вақтида кийдирмоқ борасида биздан анча илгарилаб кетди. Унинг рақиби султон Аҳмад Жалойирни бу тарзда, кўз очиб-юмганча валиаҳди билан биргаликда йўлдан олиб ташлаши ўтган номдор марҳумлару бугунги кўзи очиқ абдолларнинг тушига ҳам кирмаган эди. Амирзода Рустамни ҳам оғзидан гап олмоқ, Ҳироту Самарқанд ҳавосини ўрганмоқ учун муносиб кутиб олиб, қўноқпарварлик кўрсатган. Бундан кети чаноғ бўлган амирзодамиз бобо рақиби илтифотидан боқувдаги қўчқор каби семириб юрибдилар. Сиёсатда ҳеч қачон абадий дўстлигу абадий душманлик бўлмайди. Фурсат ғаниматлиги ва манфаатлар бирлиги бўлади. Ўн дарвеш бир кўрпага сиғади, бироқ икки подшоҳ бир дунёга сиғмайди. Улуслараро муносабатларда бундан бошқани кўзда тутган ҳукмдор янглишади. Бу хусусда сиз не дейсиз, амаки? – дея амир Нуширвон Барлосга қаради хоқон.

– Фикрларингизга қатилурман, онҳазрат. Ёмон қўшни қўшнисини бой қилар дегандек, амирзода Рустамнинг паноҳ истаб Табриз остонасига бош уриши янглишдир. Бироқ вазият тақозосига кўра мажбур қолгандир.

Қайтган қўйга қашқир ўч дегандек, амирзодамиз Қора Юсуф эсини таниб орзу этган ишни амалга оширганлар. Қани энди унга Рустам каби барча темурийзодалар эланиб бориб остонасини ўпса. Буюк қардоши Искандар Ҳирот йўлларини тўсиб қўйган бўлиши мумкиндир, ўшанда. Ҳиротга келганида сиз ҳам бу ҳақда сўрамадингиз. Биз ҳам янглиш англамасин дея оғиз очмадик, – ўз фикрини билдирди амир Барлос. – Киши бошига иш тушиб фалокатга йўлиққанида отасиниям унутади, давлатпаноҳ. Бу авлодларимизнинг қай бирининг қай бир иши учун изтироб чекиб, ақлингизни банд этасиз. Жонга жонни суқмаганга гап уқдирмоқ бу дунёнинг бориб турган азобидир.

– Қаршимизга чиқажак муҳтамал турумга қаранг, муҳтарам амир жаноблари. Мингбоши келтирган хабарга кўра чопар келиб кўмак сўраса, биз бир отадушманимиз султон Аҳмад Жалойир авлодларини иккинчи бир отағаним амир Қора Юсуф авлодидан ҳимоя этмоғимиз керак бўлади. Мана, сизга қисмату қадар, такрорлангувчи тарихнинг ғоят хатарли жону бош ўйини. Бу каби нозик замону муносабатларда зиғирнинг гулидек янглишдингизми, тамом. Хатолар қимматга тушади.

– Бу ишлар сўйлаганингиз каби вақти замон масаласидир, онҳазрат. Ҳинду Миср султонларидан норози бўлган одамлар гуррос-гуррос амир соҳибқирон ҳазратлари саропардаларига келиб, бошкент Самарқанд кўчаларини чангитар эдилар. Аларнинг гапини тинглаб, ҳинд фатҳи учун сарсону саргардон бўлиб Деҳлига қадар бордик. Улуғ хоқон зоти олийлари бу юришнинг янглиш бўлганлигини бир неча бор таъкидлагандилар. Шундай экан, сиз зоти олийлари ҳам ким бўлмасин тинглайсиз-у, қарор бермоқда шошмайсиз. Арқонни узун ташлайсиз, –

маслаҳат берарди амир Нуширвон Барлос. – Машварат тугаган бўлса, бизга ижозат берсангиз. Боғи Зоғон тартиби ила илгилансак.

– Маъқулдир. Авлодларимиз унутмасликлари керакки, қардош ғавғосининг қозонгани бўлмас, – деди хоқон оҳиста бош солларкан.

Амир, мударрис ва мингбоши солинни тарк этдилар.

Ҳиротга етиб келган чинлик мусофирлар марҳум амирзода Халил Султон ва малика Шод Мулк яшаган меҳмонхонага жойлашдилар.

Амир Нуширвон Барлос ва мударрис Шарофиддин Дизакий етакчилигидаги элчилар қўноқларидан чиқиб Боғи Зоғон кўшки томон йўл олдилар.

Боғи Эрам каби оро берилган боғ-кўшк чимилдиққа киражак навниҳол қиз каби безатилган, ҳинд, арабу ажамдан келтирилган антиқа оғочлар шохида турфа ранг ипак боғичлар ҳилпирар, атиргулу гултожихўрозлар, гулсафсару райҳон, жамбулу чиннигул, чирмовиқгулу карнайгул, хайригулу хадичагул, қашқаргулу номозшомгул, читтигулу гулибеор экилган йўлак бўйлари жаннат кўчасини эслатарди.

Юксак тоғ булоқларидан сопол кувурда бир фарсах масофадан келтирилган бир тегирмон сувнинг забт ила оқишидан ҳосил бўлган фаввора кўкка қараб пишқирарди. Фавворали ҳовуз атрофида думини ҳўрпайтирганча ғу-ғулашаётган эркак тустовуқлар макиён талашишар, ҳинду сарандиб тўтиқушлари хизматчиларни масхара қилиб, ўзлари ўргатган сўзларни такрорлашарди.

Султон кўшкига туташ чоғроқ айвончада саф тортганча ўтирган созандалар уд, қонун, курко[1], кус[2], чаҳор

[1]Курко – ноғоранинг катта тури.

[2]Кус – дўмбира.

пора[1], пийпа[2], най, қўшнай ва сурнайларини созлаб, машқ қилиб ижро учун амр беклардилар.

Кўшк қандилларига қадалган қуморий уд[3]лардан таралаётган хушбўй ҳид боғни тутган, гуллар қўқисига қоришиб ажиб, анвойи бир ис таратарди.

Дарвозадан киришда, сўл томондаги қўраларда боқилаётган оҳу, сайғоқ, оққуйруқ, жайрон, олқор, каклик ва беданаларни томоша қилган мусофирлар хоқон ўтирган, тахт ўрнатилган кўшк томон юрдилар.

Меҳмонлар султон кўшкига яқинлашиши билан ҳашам[4]лар мўъжаз пуркагичларда оғочлар шохи ва кишилар усти-бошига ғолия[5] сепа бошладилар.

Дарвозадан кўшккача бўлган юз эллик қадамча йўлакка қирмизи туркмоний палос тўшалганди. Йўлакнинг икки чеккасида белига қилич тақиб, қўлига ҳарба[6] ушлаган совуту дубулға кийган сипоҳийлар саф тортганди.

Нуширвон Барлос бошчилигидаги ўн чоғли амир қўноқларининг чап қўлидан тутганча хоқони саид элини ўпишга олиб келдилар. Мулозимлар мусофирлар келтирган тортиқларни тахт қаршисидаги хонтахта устига териб қўйишарди.

Элчибоши Ду-Жихун-Бой қўш-қўллаб Чин-мочин подшоҳи Дой-Мингнинг мактубини Шоҳруҳсултонга узатди.

Мактубни олган хоқон ўқимоқ учун уни мударрис ва

[1]Чаҳор пора – мусиқий асбоб турларидан бири.

[2]Пийпа – сим торли мусиқий асбоб турларидан бири.

[3]Қуморий уд – Ҳиндистоннинг Қумор шаҳридан чиқадиган тутатилганда хушбўй ҳид таратувчи чўп.

[4]Ҳашам – мулозимлар ва маҳрамлар.

[5]Ғолия – мушк, анбар, кофур ва бошқа ёқимли ҳид таратувчи моддалардан тайёрланган атир каби суюқлик.

[6]Ҳарба – ҳарбий қурол. Найзанинг калта тури.

таржимон Шарофиддин Дизакийга узатди. Зарфни очган Дизакий Чин императори хатини ўқияроқ таржима этди.

"Менким, муаззам подшоҳ Дой-Минг, Самарқанд диёрига, Шоҳруҳ баҳодир учун нома юбормоқдаман. Биз фикр қиламизки, худованди таоло ер билан осмон ўртасидаги жами халойиқни уларнинг ҳар бири роҳат ва фароғатда яшасин деб яратган. Биз парвардигор мададкорлигида илоҳий ҳукмга бўйсиниб, жаҳондорлик қилиб келмоқдамиз. Шу сабабли яқину йироқ орасида фарқ қилмаймиз. Ҳаммани бир текис, тенг ва баробар биламиз. Бундан илгари эшитган эдикки, сен оқил ва камолотга етган кишисан ва бошқалардан улуғроқсан. Худованди таолонинг амрига итоат қилиб келмоқдасан. Раият ва аскарларни яхши парвариш қилиб, уларнинг барчасига эҳсону ҳимматлар кўрсатибсан. Шу сабабли биз беҳад шод бўлдик. Алалхусус, кимхоб ва тарғу[1] кийимларини етказсин учун элчи юборган эдик. Сен бизнинг сўзларимизга ҳурмат билан қараб, марҳаматимизни яхши юзага чиқарибсан. Катта-кичик барча шодмон бўлибди ва сен ҳам дарҳол элчи юборибсан. Элчилар сенинг саломингни, отлар ва у диёр матоларидан иборат туҳфаларингни етказдилар. Сенинг дўстлик йўлида эканлигингни кўрдим ва ишондим. Сен мақтов ва навозишларга сазовор подшоҳ экансан. Илгарироқ мўғуллар даври охирига етган эди. Сенинг отанг Темур фумо худованди таолонинг амрига итоат қилиб, бизнинг улуғ подшоҳимиз Той-Зуйга нисбатан яхши дўст бўлиб, элчилар ва туҳфаларни рад қилмаган. Шу сабабли марҳум улуғ подшоҳимиз Той-Зуй Турон мамлакатининг бизнинг давлатимизда яшагувчи кишиларига омон бериб,

[1]Тарғу ёки тарқу – қимматбаҳо ипак мато.

ҳаммасини давлатмандликка етказган. Биз ҳам кўрдикки, сен отанг Темурнинг ҳиммат ва равишига яхши муносабат қилибсан. Энди эса Су-Жўннинг Косой минглиги одамларидан Ду-Жихун-Бойни ва Сун-Кунг-Жи юзлигидан Донг-Чингни бир гуруҳ кишилар билан қўшиб, садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва тарғулар билан юбордик. Бундан кейин ҳам одамларимизни юборамиз. Токи улар ўзаро борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин. Ўз истак ва хоҳишларига кўра тижорат қилиб, касби корлари ила машғул бўлсинлар.

Яна бир нарсани айтмоқчиманки, Халил Султон сенинг бирodарзодангдир. Ўз туғишганлик ҳаққингни бажо келтирмоғинг учун сен уни яхши тарбият қилишинг керак. Сен бизнинг садоқату раъйимизга ҳамкорлик қилишинг лозим. Билдириб қўймоқчи бўлганимиз ана шулардир".

Осмон ўғли Дой-Минг

Чин ҳукмдорининг мактубини диққат билан тинглаган хоқон бир муддат ўйга толганча қўл қовуштириб бош эгиб турган мусофирларга нигоҳ ташлади. Элчилар одатда подшоҳлари битган хатнинг маъно ва мазмунидан хабардор бўлмайдилар, хаёлидан кечди. Уларнинг вазифаю мақсади мактуб ва туҳфаларни соҳибига етказмоқ ва соғ-салим юртига дўнмоқдир.

– Мактубга илова тарзда яна бир хат борким, онҳазрат, унда зоти олийларига жўнатилган совға-туҳфалар рўйхати муфассал қайд этилгандир. Яна бир мактуб бўлиб, бу йўл хати дея аталади ва унда Чин элчиларининг Турон давлати ҳукмдори Шоҳруҳподшоҳ ҳузурига келаётганлиги айтилган. Улар бу мактубни йўл-йўлакай учраган қоровул ва қўриқчилар, чегара бекчилари ҳамда бож тўпловчи мутасаддиларга кўрсатиб келганлар. Уч

мактубнинг ҳар бири араб имлоси билан форс тилида ёзилган ва худди бу мактублардаги матн мазмуни уйғур хати билан турк тилида битилгандир. Мактуб мазмунининг чин имлоси ва тилида битилган нусхаси ҳам илова этилган, – мактуб нусхаларига изоҳ берди таржимон Шарофиддин Дизакий.

– Чин-Мочин подшоҳининг хуш тилакларини қабул этдик. Шахсимизга билдирган эътиборлари учун ташаккуримизни билдиргаймиз. Юборган қимматбаҳо ҳадялари учун ҳам алоҳида миннатдормиз. Муқобил ва муносиб туҳфалар биз томондан ҳам тортиқ этилажакдир. Чин тили бўйича устоз мутахассис, улусларо муносабатларда катта тажриба соҳиби Шайх Муҳаммад Бахший ва Шарофиддин Дизакий жаноблари юртимиздан чиқиб кетгунингизча сизга йўлдошлик этадилар ҳамда қофилангиз ила бирга подшоҳингиз Дой-Минг ҳузурига борадилар. Мамлакатимизда не қадар муддат қолсангиз, бутун масрафларингизни қаршилаймиз. От-улов ила таъмин этамиз. Йўлга чиқар чоғида подшоҳингизга ёзажак жавоб мактубимизни ҳам топширамиз. Энди эса мўътабар қўноқлар шарафига олий бир зиёфат тартиб этилсун! – амр берди хоқон.

– Боғи Зоғонда шу пайтгача мисли кўрилмаган шоҳона зиёфат, тўй бошланган эди.

– Зиёфатга Қаҳрамонўғиллари беклигининг султони Муҳаммад Қаҳрамон ҳамда Малик Қутбиддин Сейистоний ва Пиракподшоҳ элчилари ҳам даъват этилсун.

– Чин элчиларини қай тартибда ўтказайлик? – подшоҳнинг ёнига келиб оҳиста сўради Дизакий.

– Қиблагоҳ уларга зиёфат берганларида қай тартибда ўтиришларини амр этгандилар? – саволга савол билан жавоб берди хоқон.

– Той Зуйнинг мактубидан қаҳрланган улуғ хоқон ҳазратлари чин элчиларини Рум, Сақлаб, Миср, Лион ва

Кастилия элчиларидан қуйида ўтиришга буюрган эдилар. Ва буни уларга эшиттириб айтгандилар, – жавоб қилди Дизакий.

– Бу хусусда сиз не маслаҳат берасиз?

– Одатдагидек ўнг тарафдан салтанат амиру вазирлари жой олсинлар. Сўл томондан биринчи бўлиб чинлик элчилар, сўнгра Қаҳрамонўғиллари, Бадахшон, Сейистон ва Гармсер элчилари ўтиргани маъқулдир, онҳазрат. Чин тенгсиз бир буюк давлатдир. Улар билан дўстона алоқада бўлмоғимиз, қарши тараф бироз ҳаддидан ошса-да, биз сезиб-сезмаганга олганимиз маъқулдир. Боиси у юртдан жуда кўп янгиликларни мамлакатимизга олиб келишимиз мумкин. Фалаккиёту табобатда, ҳарбий соҳаю емак-ичмак, маъқулу манқул[1] илмлар бўлсин, алар кўп тараққиёт топгандир. Бундай мамлакатлар билан тирлашилмайди. Улардан ўрганилади ва ўзмоққа ҳаракат этилади.

– Маъқулдир. Мусофирларни айнан шу тартибда ўтқазинг ва икки элчининг ўртасига ўзингиз ўтиринг, – таржимоннинг таклифига рози бўлди хоқон.

Хоқон Шоҳруҳ амир Нуширвон Барлос, буюк элчи Шайх Муҳаммад Бахший, мударрис Шарофиддин Дизакий, қози ва котиб Исҳоқ Жалолиддин Самарқандий билан чин подшоҳига ёзилажак мактуб матнини муҳокама этарди.

Сарой қопучиси Нимрўз ҳокими Малик Қутбиддиннинг қўлига тиғу кафан тутганча Ироқ дарвозаси ўнгида турганлиги хабарини айтиб кирди.

Подшоҳ беихтиёр амир Нуширвон Барлосга қаради.

---

[1]Маъқул ва манқул илмлар – маъқул илмлар деб фалсафа, ҳайъат, риёзиёт каби аниқ исботларга асосланган билимлар айтилган. Манқул билимлар эса катта эътиборга эга бўлган олимлар фикрига асосланиб аниқ тадқиқот ва текширишларсиз ишониладиган билимлар.

– Ўшал отасўзи, онҳазрат, – деди барлосий амир бошини маъноли ирғаб. – Индамагин калга, ўзи келар ҳолга. Модомики, кафанлигини бошига илиб келган экан, гуноҳу жиноятлари устига афв чизиғини тортмоққа тўғри келади. Бундай устоз ва тарбияли сотқин битта бўлганда эди, Ироқ дарвозаси саҳнида жойини солиб қутулсак бўларди. Буларнинг уруғи биз ўйлагандан анча кўп эканлигини барчамиздан яхши билурсиз, онҳазрат. Яна сўнг сўз ва қарор зоти олийларинингдир.

Хоқон кибор ва ҳар ишда хос ва ҳассос Дизакийга қаради.

– Эгилган бошни қилич кесмас, султоним. Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир. Ёмонликка яхшилик эса мард кишининг ишидир, давлатпаноҳ. Темурийлар давлати дастурхонидан кимлар баҳраманд бўлиб, бу салтанатда кимлар тож кийиб, тахтга ўтирмаган. Шу мақсадда ул кишим хоқони саид ҳазратларининг лутфмарҳаматига эътимод қўйиб, остонангизга бош уриб келган экан, даргоҳингиз мурувватидан бебаҳра қолмасин деган фикрдамен, – назокат ила сўйлади Шарофиддин Дизакий.

– Янглишмасам, Малик Қутбиддин бир неча улуғ амирларимиздан зоти олийларининг гуноҳидан ўтишларига шафелик этишни сўрагандир. Аларнинг шафелигида бу ишни ҳал этса бўлур, – яна гап қўшди амир Нуширвон Барлос.

– Сиз ташқарига чиқиб унга шафелик этгувчи амиру вазирлар ила қўнишинг. Малик Қутбиддиннинг давлат бирлиги ва уммат баробарлиги йўлида сабот мавзесидан тойиб, айрилишу бош қолдирмоқ йўлига кирганлигини ўзи ва ҳимоячиларига аниқ-тиниқ англатинг. Сўнгра улуғ амирларимиз эшлигида олиб киринг! – амир Нуширвон Барлосга таълимот берди хоқон.

Икки коса қимиз ичгулик фурсат кечди. Қопудан бўй-

нига қиличу кафанини осган Малик Қутбиддин навкар либосида кўзи ғилқ ёшга тўлганча кириб келди. Юкуниб келиб, хоқони саид этагини ўпди.

– Бир қошиқ қонимдан ўтинг, хоқони саид ҳазрати олийлари! – деди йиғламсираб. – Менинг дўст деганим, шайтонлар йўлдан урди. Мен ва улусим қабрлари нурга тўлгур султон соҳибқирон ҳазратларидан ҳам ҳеч бир ёмонлик кўрмаган эдик. Ўша сидқу садоқат, ўша итоаткорлик ила хизматда давом этгаймиз. Йиллик ва шу пайтгача тўланмай келган олиқ-солиқ, божу хирожларни вақти замонида хазинайи омирага етказиб турмоқ мажбурияту масъулиятини гуноҳкор бўйнимга олажакман! Онҳазратга бандалик этмоқ вазифасини муносиби ила ерига келтирмоққа сўз бериб, афви марҳаматингизга сиғинажакман! – деди Малик Қутбиддин тиз чўкканча.

Хоқон Малик Қутбиддинни кечириш ва ота мамлакатини қайтариб ўзига топширишга орачи бўлган тўрт амирга қаради.

– Малик Қутбиддиннинг сўзларига ишонсак бўладими? Қардошимизнинг бундан буён хиёнат музлигида оёқлари тоймаслигига кафолат берасизми? – қўл қовуштириб турган тўрт улуғ амирга қаради султон.

– Кафиллик берамиз!

– Шафе келтирамиз! – такрорлади беклар.

– Унда биз ҳам марҳаматимизга умид қилиб келган биродаримиз, қардошимиз Малик Қутбиддинни афв этдик ва кечмиш хатолари устига унутмоғу ўнгга боқмоқ чизиғини тортдик. Ул кишимнинг лозим бўлган хизматга ҳозир турмоқ, кечмишдаги харожлардан нимаики тўланмай қолган бўлса, адога етказмоқ ва бандалик вазифасини бажо келтирмоқ шартларини қабул қилдик. Нимрўз мамлакати ва мулки қиблагоҳимиз фармонлари билан Малик Қутбиддинга берилган экан, бу фармон алал абад кучдадир! Муборак ўлсун! – дея сўзини мухтасар

этди хоқон. – Маълумингизким биз бир жиноятни, эли ва виждони миллат қони ила бўялган кимсаларни асло кечирмагаймиз! Ақли бошида инсон эса ҳар қандай замону маконда имон ва имкон, адли адолат, жабру зулмнинг қирмизи чизгисини ошмагай.

Масжидда муаззиннинг пешин намози азони янгради. Султон бошлиқ амиру мулозимлар ибодат учун жомъе томон юрдилар.

Малик Қутбиддин хоқоннинг ортида туриб кўзда ёш ила ибодат қилди. Ишини ўнглаган ва хоқони саид марҳаматига сазовор этган тангрига шукроналар келтирди.

Ибодат тугагач, хоқон билан хайр-хўшлашиб, сарой ҳовлисига чиқди. Ҳали-ҳануз ўй-фикрлари қоришиқ, хаёллари тўхтамга келмаган, хоқонни ўзини кечиришига ишониб-ишонмай Ҳирот саройига кириб келган эди. Оллоҳга шукур, ҳаммаси эскиси каби изига тушиб кетди. Юрту улусимни босқину талон-тарождан асраб қолдим дея ўйларди чинор остидаги сўрига оғир чўкаркан.

Қаршисидаги ёвари ўзи бўйнига илиб келган кафан ва шамширини ушлаб турарди.

– Бу кафанлик ва шамширни хотира ўлароқ олиб, менинг ётоқ одамдаги хос сандиққа солиб қўй! – буюрди Малик Қутбиддин навкарига.

Ёвар таъзим-ла бош эгди.

Малик Қутбиддин ҳалиям ўзига келмаган эди. Ҳирот саройида ўндан ортиқ кафил сифатида ушлаб турилган шоҳ ва шаҳзодалар бор. Илгари бундай ҳукмдор ва ҳукмдорликка номзодлар Самарқандда сақланарди. Ҳирот бошкент эълон этилгач, шоҳликдан ярим шоҳу ярим бандига айланган, бу номи улуғ, супраси қуруқлар Ҳиротни маскан тутдилар. Ўзи ҳам шулар сафига қўшилиб, бирор-бир мадраса ҳужраси тупроғини ялаб ётиши мумкин эди. Оллоҳ ўнг кўзи ила боқиб, йўлини

очди. Бу аянчли қисматни раво кўрмади. Хоқоннинг дилига раҳм-шафқат солди.

Не-не сўғишу савашларни кўрган, не-не тошларга урилган бу бош яна омон қолди. Бир неча кундан бери иститробда тузук-қуруқ емак емаган Малик Қутбиддиннинг бирдан қорни очиқиб, кўзлари тиниб кетди.

Ёварини имо билан ёнига чорлаб, суяниб ўрнидан турди. Оҳиста одимлаганча сарой дарвозаси томон юрди.

Вақти-вақти билан арк дарвозалари ўнгида тўпланиб хайр-садақа, емак-ичмак олиб турувчи дарвешу қаландарлардан бири юксак сас-ла Масти Қаландарнинг сўнгги битикларидан бирини ўқирди:

Оқсаройлар турар мангу,
Амир Темур Кешина боқ.
Виждон яраси сизлаган,
Мардлар кўзу қошина боқ.

Самандарлар ёнмас мудом,
Озод ҳумо қушина боқ.
Ўттизингни тўққиз қилган,
Шу фалакнинг ишина боқ.

Етим ҳақин емоқ гунох,
Оққан кўзлар ёшина боқ.
Элдан ортиқ экмак еган,
Тешиб чиқар ошина боқ.

Тақдирга тақбир ўлмаски,
Қадар отган тошина боқ.
Бошсиз элга бош ўлунмас,
Тожу тахтмас, бошина боқ.

ОЛТИНЧИ БОБ

Худони танимоқ ва яшамоқ – айнан бир нарса. Худо – ҳаётдир.
Лев ТОЛСТОЙ

Улуғ амирлар ва Малик Қутбиддинга кетмоққа изн берган хоқон мулозимлари ила баробар тушлик емагини егач, чин подшоҳига ёзилажак мактуб матни устида ишламоқ учун яна қабуллар солинига қайтиб кирди.

– Бир неча кундан бери тайёрлаганимиз сўнгги матн мана шудир, султоним, – деди мударрис Дизакий мактуб битилган қоғозни хоқонга узатар экан. – Мактубимиз одатдагидан бироз узунроқ бўлди, онҳазрат!

– Мактублар кўнгил дафтаридир. Модомики, ҳукмдорларнинг мактублашмоқдан бошқа мулоқот усуллари йўқ экан, унинг батафсил ўлмоғи икки тараф учун ҳам фойдали ва хайрларга васила ўлур, – деди узун варақка ёзилган хатни боқмоқ учун қўлга олган султон.

– Подшоҳлар бир-бирларининг дину диёнатлари, эътиқоду амалларидан хабардор бўлсалар, ўзаро англашмоқлари осон кечади. Бир томон иккинчи тарафнинг ишончу эътиқодини англаган ҳолда мушоҳадаю мулоҳаза этароқ ёндашади. Шул боис биз мактубимизда ўз динимиз ислом хақида билгилар бердикки, улар мусулмонларни сулҳу тинчлик, қардошлигу баробарлик элчилари ўлароқ англасинлар, – дея мактубни сас чиқариб ўқимоқ учун қайтиб Дизакийга узатди.

– Бироргангизда эътироз ёхуд ўзгача фикр бўлса бемалол сўйлай билурсиз.

Мударрис Шарофиддин Дизакий сокин ва босиқ овозла араб тилида ёзилган хатни ўқий бошлади.

юбориб, шариатдан таълим берди ва ўша замон халқига шариатга амал қилишни ва мазкур пайғамбарлар динида бўлишни буюрди. Бу расулларнинг барчаси кишиларни бир динга ва худопарастликка даъват қилиб, офтоб, ой, юлдуз, шайтон ва бутларга сиғинишдан қайтардилар.

Бу расулларнинг ҳар бирида махсус бир шариат бўлиб, лекин худонинг якка-ягоналиги борасида ҳаммалари бир эдилар.

Расуллик ва пайғамбарлик навбати бизнинг расулимиз Муҳаммад Мустафо (саллоллоҳу алайҳи ва саллам)га етгач, бошқа шариатлар мансуҳ бўлиб, у охир уз-замон расули ва пайғамбари бўлди. Бу эътиқоднинг не қадар тўғри эканлигини вақти замон кўрсатди. Бу динлар, пайғамбарлар ва фалсафадан хабарсиз Чингизхон қавмига ўзини худо дея эълон этдириб, шахсини пайғамбарлардан ҳам устун қўймоқ жаддида бўлди. Улуси уни илоҳийлаштиришга киришди ва дину иймонининг тайини йўқ мўғул қавмларида ҳали-ҳануз бу эътиқодга амал қилувчилар кўпдир. Агарда Муҳаммад мустафо охир замон пайғамбари дея тан олинмаганида худо билсин Эфиофиядаги (ўша пайтда Африка шу номда аталган) фақат уят жойини бекитувчи қабила бошлиғи ёки Дашти қипчоқдаги қочоқ бир хон ёки туркман қавмининг боши ҳам ўзини пайғамбар эълон этармиди. Бироқ қатор ислом давлатлари султонларининг олий фармонларида биз билган ва Қуръони каримда қайд этилган пайғамбарлар қатори юз йигирма тўрт минг пайғамбар сони қайд этилади.

Айни дамда бутун олам аҳли: амиру султон, ғанию вазир, фақиру фуқаро, каттаю кичик – барчаси унинг шариатига амал қилишлари лозим ҳамда ўтган дин ва шариатларни ислоҳ қилишлари керак. Ҳақиқий ва тўғри эътиқод ана шудир ва мусулмонлик ҳам шундан иборатдир.

Бундан икки юз йил чамаси бурун юртимизга Чингизхон хуруж қилди ва ўзининг баъзи фарзандларини Турон мамлакати вилоятларига жўнатди. Жўжихонни Дашти Қипчоқ, Сарой ва Қрим тарафларга юборди. У мамлакатда яна Ўзбак, Жонийхон ва Ўрусхон каби подшоҳлар ислом ва мусулмонлар тепасида туриб, ҳазрат Муҳаммад мустафонинг – саллоллҳу алайҳи ва олиҳи ва саллом – шариатга амал қилиб келганлар. Ҳулокухонни Хуросон, Ироқ мамлакатлари ва атроф ерларга муқаррар қилдилар. Ана шундан сўнгра у мамлакатларнинг ҳукмдори бўлган унинг баъзи фарзандлари, масалан ростгўй подшоҳ Ғозонхон, Улжойту Султон ва бахтли подшоҳ Абу Саидлар дилларида Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам)нинг шариат офтоби бўлганлиги туфайли, ислом ва мусулмонлик тепасида турдилар ҳамда ислом динини қабул қилиш саодатига мушарраф бўлиб, охиратга жўнадилар.

Шу тарзда ҳукмдорлик ва фармонраволик, султонлик ва комронлик навбати менинг падарим ҳам ҳазратим, ётган тупроғи пок бўлгур Амир Темур Кўрагонга етди. У киши ҳам барча мамлакатларда Муҳаммаднинг (саллолоҳу алайҳи ва олиҳи ва салам)нинг шариатига амал қилдилар. У киши салтанат ва жаҳондорлик қилган вақтларда аҳли имон ва ислом тўла равнақ топган эди.

Бугунги кунда худованди таолонинг лутфу фазли билан бу Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон, Ироқу Озарбайжон ҳамда бошқа мамлакатлар бизнинг тасарруф қўлимизга кириб, ушбу ўлкаларнинг барча ерларида пайғамбарнинг муқаддас шариати тақозосича ҳукм юритадилар. Бизнинг давлат қонун ва қоидалари эса улуғ буюк қоон Чингизхон ясо ва йўсуни ҳамда хоқон Амир Темур тузган тура ва тузук асосида бошқарилади. Улус

шу тариқа эзгу ишларни бажаришга амр қилиниб, ман этилган амаллардан қайтарилмоқда. Чингизхон авлодлари ҳукм сурган мамлакатларда эса мўғул ярғу усуллари жорийдир.

Қиёматда халосу нажот топиш ва бу дунёда салтанату давлатга эга бўлиш имону ислом ва худованди таолонинг иноятн сабаби билангина қўлга кириши аниқ билиниб, таҳқиқ қилинган бўлгач, раиятга нисбатан адолат ва инсоф юзасидан иш кўриб яшаш вожибдир.

Оллоҳ таолонинг лутфу карамидан умид шуки, жаноблари ҳам у мамлакатларда ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳнинг (саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам) шариатга амал қилиб, мусулмонларга қувват бағишласалар, токи шу сабаб бўлиб, бу дунёдаги бир неча кунлик подшоҳлик, (оятда): "Албатта сен учун охират бу дунёдан кўра яхшидир" дейилганидек охират подшоҳлигига уланса.

Шу кунларда Чин мамлакатининг зоти олийлари тарафидан юборилган элчилар етиб келиб, қимматли туҳфаларингизни етказдилар. Жанобингизнинг сиҳат-саломатликлари, у мамлакатлардаги маъмурчилик хабарларини сўзлаб бердилар.

Оталарнинг ўзаро меҳр-муҳаббати болаларнинг бир-бирига боғлайди деган нақл тақозосига, аждодларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамкорлик биз орқали янгиланажакдир. Биз ҳам бу тарафдан саломатлик хабарини етказсин учун, Шайх Муҳаммад Бахший элчимизни юбордик.

Шу нарса муқаррардирки, тужжорларнинг тинч-омон қатнашлари учун бундан буён йўллар очиқ бўлур. Чунки бу маъний мамлакатлар ободонлиги ва бу дунё ҳам охиратда яхши номга эга бўлиш сабабидир.

Бирликка риоя қилиш мадади ва муҳаббат шартлари ғамхўрлиги итоаткорлар аҳлига йўлдош бўлган! – дея мактубни ўқиб тугатди мударрис Шарофиддин Дизакий.

– Унда сиз шогирд ва ҳаттотларимиз билан мактубни сўнг бор кўриб чиқиб, нақшли безаклар-ла ҳозирланг, – буюрди хоқон мударрисга. – Устоз Исҳоқ Самарқандий сизга кўмак этсинлар. Биз бироз сарой ҳовлисини айланайлик, – деди подшоҳ тахтдан қўзғалар экан. – Элчимиз Шайх Муҳаммад Бахший ҳам чин сафари тадоригини кўрсинлар.

Подшоҳ амир Нуширвон Барлос ҳамроҳлигида сарой ҳовлисига чиқди. Ҳовлининг кун чиқиш томонида турган кишига тикилганча туриб қолган хоқон амирдан сўради:

– Қоровуллар ила бирга турган киши Ҳамза қатуқу эмасми, амаки?

– Ўшанга ўхшайди, султоним. Демак, шу дамда етиб келган. Акс ҳолда хабаримиз бўлар эди.

Хоқон ва амирнинг ўзига қараб қолганини кўрган Ҳамза қатуқу улар томон юрди.

Бадахшон ҳукмдори Шоҳ Баҳоуддун Бадахшоний доруссалтана Ҳиротга чопар йўллаб, хоқонга ишончли бир кишисини юборишни ва у орқали мамлакатнинг олий тахт поясига тобелигини таъкидлаб, тегишли божу хирож масаласини ойдинлаштириб олайлик деган эди. Шундан сўнг подшоҳ бу масалани ҳал этмоқ учун еткили амирлардан Ҳамза қатуқуни Бадахшонга жўнатганди.

– Ишлар ўнгидан келган бўлса Ҳамза қатуқу Бадахшоннинг бирорта шаҳзодаси ёки улуғ амирларидан бирортаси билан қайтиши керак эди. Демак, ишкал юз берган, – деди воқеаларнинг оқимидан интиҳосини сезадиган амир Нуширвон Барлос.

– Шундайга ўхшайдир, – ҳайрон бўлди хоқон.

Бу пайтда етиб келган амир тобуғ расмини бажо келтириб, таъзим бажо этди.

– Бўрими, тулки, Ҳамзабек? – сўради амир Барлос бўшашиб турган қатуқудан.

– Тулкиям, шақол ҳам десак бўлади, онҳазрат! – хоқонга мурожаат этди.

– Не ҳаводислар? Сўйланг! – амр этди подшоҳ.

– Сулҳу тобелик нари турсин, Шоҳ Бадахшонийнинг Мирзо Ийжал билан олиб бораётган жанги устидан чиқиб қолсам бўладими, онҳазрат! Унинг фикри хаёлида мустақиллик васвасаси чарх ураётганга ўхшайди! Бизнинг ҳукму фармонларимизга қулоқ осмоқ нияти йўқ, султоним. Ўзим ҳам жонимни аранг қутқариб қолдим.

– Ёв макрини ёлғон емиради, қабилида иш тутибди-да жаноб Бадахшоний. У биз билан сичқон-мушук ўйинини ўйнамоқчи бўлган чоғи. Унда шунга қараб чора кўрмоққа тўғри келади, – қаҳри қўзиганди хоқоннинг. – Ҳамон олий фармон ҳозирласунлар. Амир Мизроб баҳодир, амир Саййид Али тархон ва амир Ферузшоҳлар фурсат қайб этмасдан Балх сари юриб, Мирзо Иброҳим Султоннинг фалакка бош тортган соябони остига кирсунлар. Бадахшон синирида лашкари билан турган амир Тўкал Барлос ва амир Нуширвонлар билан бирлашиб ёв устига юрсинлар. Бадахшон қашқири Шоҳ Баҳоуддин осонликча жон берадиганлар хилидан эмас. Арслон боласини тутмоқ учун арслон уясига кирмоқ керакдир.

Иброҳим султон Ҳирот амирларини ҳурмат-иззат-ла қаршилаб, муносиб инъомлар-ла сийлади. Юриш режасини пишитган Шаҳзода бошлиқ Хуросон ўрдуси Бадахшон сари йўл олди.

Бирлашган қўшин Бағлон йўли билан юриб, Ишкамишга етди. Шоҳ Баҳоуддин Бадахшон томон чекинди. Амирлар уни таъқиб этиб, Бадахшонни фатҳ этдилар.

– Сиз, олийнажот шаҳзодам, пиёда қўшинимиз билан Кешимда турсангиз. Биз қочоқ рақибни қувиб чакалакзор ўрмонга киришимизга тўғри келади, – деди тажрибали амир Мизроб Мирзо Иброҳим Султонга. – Ғанимни қувиб, керак бўлса Жайҳун суви бошланувчи Помир жилғаларигача борамиз.

– Тўғри сўйладингиз, – жавоб қилди амирзода оқсоқол бекнинг маслаҳатига қулоқ солиб. – Бу ҳудудларга келмоқнинг ўзи бўлмас. Шул боис ишни иккинчи бор бу ерларга оёқ босмайдиган тарзда битирмоғимиз керак. Шоҳ Баҳоуддин аждодлари буюк бобом хазиналарини ўттиз йил мобайнида Бадахшон лаъли билан таъминлаб турганлар. Биз бобомерос тупроғимизнинг бир қаричидан ҳам воз кечмаймиз, – эришилган ва эришилажак ғалабадан мамнун эди ёш шаҳзода.

Хуросон суворийлари Кони Лаълга етдилар. Бу манзилдаги халқ ва лаъл изловчилар амир ва қўмондонларга лаганлар тўла қимматбаҳо Бадахшон лаълидан ҳадя этишди.

Кони Лаълдан чиқиб, Саъбон, Ғунд ва Помир вилоятига кирганларида Шоҳ Баҳоуддиннинг хазина ва қўши лашкар элига тушди.

Амирлар Помирнинг энг юксак, осмонўпар қоя ва чўққиларга кўтарилдилар. Ерлик кишилар илк бор бегона одамларни кўриб туришарди. Эл бўлиб келганларнинг барчасига мол ва жони омонлик берилди.

Хуросон лашкарига қуловузлик қилиб юрган йўлчилар Шоҳ Баҳоуддиннинг Помир ошиб Уйғуристонга ўтиб кетганини айтдилар.

– У мўғул хонининг тутиб бизга топширишидан қўрқиб, Уйғуристону Мўғулистон орқали чинга қочса керак, – деди амир Мизроб Мирзо Иброҳим султонга.

– Бадахшон ҳокимиятини кимга топширамиз? Хоқони саид ҳазратларидан бирор бир амри фармон келдими?

– Доруссалтана Ҳиротдан бу хусусда таълимот олдик. Кеча етиб келган чопар хоқон зоти олийларининг Бадахшон вилояти жиловини Шоҳ Баҳоуддиннинг кичик қардоши Шоҳ Маҳмудга топширишимиз ҳақидаги ёрлиғини тақдим этди. Мана ўша ёрлиқ, – дея ўроғлиқ нишонни қўйнидан чиқарди амирзода Иброҳим Султон. – Шоҳ Муҳаммад буюк қардошининг акси ўлароқ темурийларга ҳизмату садоқатда қусур этмаммиш. Бадахшон вилояти Мирзо Ийжал байроқлари остида бўлажаги ҳақида ҳам алоҳида таъкидланган. Бизлар эса ўз вилоятимизга қайтажакмиз. Хуросон қўшини доруссалтанат Ҳиротга дўнажак.

Хоқон амри фармонлари ҳаётга кечирилганлиги хабарини чопар орқали бошкентга маълум қилган Иброҳим Султон қўмондонлигидаги ўрду ғалаба нашидасини сураоқ, хушманзара дара ва сой бўйларида тўхтаб истироҳат этароқ ўз манзилларига қайтардилар.

Фирдавсмонанд Самарқанддан етиб келган султон Улуғбекнинг чопарини тинглаган подшоҳ ҳаяжондан тахтидан туриб кетди. Ёнчиғидан чиқариб хушхабарни етказган навкарга ўн дона олтин динор берди.

Чопар подшоҳнинг тўнғич ўғли, Самарқанд султони Мирзо Улуғбекнинг муҳтарама ҳарами садаф янглиғ бир дурдонага ҳомиладор бўлганлиги хабарини олий тахт поясига етказган эди.

Бу энди ўттиз тўрт ёшга кирган Жаҳонгир Амир Темур ўғли Шоҳруҳ хоқонга илк набираси муждаси эди.

Самарқанддан келган хос чопар хоқоннинг "Ул шараф садафини муҳлати етиб туғилмасдан Ҳиротга келтирсинлар!" деган фармонини олиб, ота бошкентга қайтди.

Кўксарой оғолари ва хожасаролари шоҳона тахтиравонини безатишиб, Ҳирот йўлини тутдилар. Ҳиротдан чиқиб тахтиравонни қаршилаган малика ва оғолар мусофирларни Боғи зоғонга элтдилар. Жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида (18.VII.1412 йил) бахтиёр хонзода Бекико ёруғ оламга кўзларини очди. Шу ойнинг ўн бешинчи, чаҳоршанба куни улуғ тўй тартиб этилди.

Султон Шоҳруҳ тўнғич набирасини қўлига олиб, қулоғига ўзи азон айтиб исмини қўйди.

Темурийлар сулоласига яна бир малика – Бегико султон Улуғбек қизи қўшилганди.

Туғилиш ва ўлим орасидаги кўз очиб-юмгунча босиб ўтиладиган қисқа масофа ҳаёт дея аталади. Бир неча қадамлик бу йўлни биров эрта, биров эса кечроқ босиб ўтди. Ҳаёт эса гўёки ҳеч нима ўзгармагандай давом этаверади.

ЕТТИНЧИ БОБ

Қаноат айлаган шоҳи жаҳондир,
Таъма қилган эшакдан ҳам ёмондир.
Ота сўзи

Султон Шоҳруҳ ҳузурида амир Шоҳмалик ва мирзо Улуғбек таълимоти билан бир ҳафтада доруссалтанат Ҳиротга етиб келган хос соҳибхабар Эсиргап Найман ўтирарди. Хоқон ундан Самарқанддаги аҳвол, Туркистону Мовароуннаҳрдаги воқеалар ҳақида ипидан игнасигача батафсил сўраб-суриштирди.

Суҳбат қизиб масала жиддийлашганда хоқон амир Нуширвон Барлосни чорлашни буюрди.

– Соҳибхабар қардошимиз билан салтанатимиз учун

ҳаёт-мамот масаласи бўлган мавзуга етиб келгандик, амир жаноблари. Муаммони сизнинг тажрибангиз элагидан ўтказмай туриб муҳокама этиб бўлмаслигини англадик ва маслаҳатларингизга таянажакмиз, – деди хоқон амир амакисини ўтирмоққа ишорат этаркан.

– Амри фармонларига мунтазирмиз, онҳазрат. Буюринг, – дея хоқоннинг ўнг тарафидан жой олди амир.

– Мавзу чингизий хонзодалар ва манғит амирлари орасида кўпкари майдонига айланган ота мулкимиз Хоразмга келиб тақалганди, амаки. Сиз собиқ Хоразм вилоятимиз амири Мусоко ва қора турклар муаммолари билан бир неча йилдан бери шуғулланиб келасиз. Қулоғимизга чалинган гап-сўзларга қараганда у ўлкада вазият чигалга ўхшайди. Бизнинг аралашувимизсиз муаммо чўзилмайдиган кўринадир. Зотан, ота қадрдонимиз Идику баҳодир ҳеч бир замон Хоразм мулки бизга тегишли эканлигини инкор этмаган, бу фикрни ҳар элчи юборганда таъкидлагандир, – деди хоқон амакиси ўтиргач, суҳбатдошларига боқароқ.

– Туркистону Мовароуннаҳр, сўнгида Бадахшон масаласидан кейин навбат Хоразмга келган эди, онҳазрат, – деди амир Нушинвон Барлос яктаги этагини йиғиштириб ўтирар экан. – Ниҳойи ҳадафимиз темурийлар салтанатини барпо этган жаҳонгир, султон соҳибқирон даври давронлари ҳудудида тикламоқдир, иншоолло̀ҳ! – хоқоннинг Хоразм ҳақида гап очганидан руҳланиб кетганди амир Барлос. – Мени қўшинга бош этиб, ўша тарафга юборинг. Улуғ хоқон ҳазратлари беш бора фатҳ этган ўлкани яна бир бор забт этиб қайтаман, – дея айтиб юрган фикрини такрорлади амир.

– Биз шу пайтгача қиблагоҳ ҳазратлари усул ва услубларини қўллаб сўйлаганингиз Туркистону Мовароуннаҳр, Сейистону Бадахшон, Эрону Озарбайжон ишларини

томчи қон тўкмай ҳал қилиб келмоқдамиз. Ҳеч бир замон сўғишу савашни бошламоқда ташаббускор бўлмадик. Бундан сўнг-да уруш оташини алангалатмоқда сабабчи бўлмаймиз. Турон салтанати, улуғ Темур давлати соясида яшаб келган эл-улуслар шундай буюк иқтидор қўл остида бирлашиб, кучланиб яшамоқнинг қулайлигу афзалликларини энди англаб етиб, кўзларини очмоқдалар. Шоҳ Баҳоуддин Бадахшоний ёки эндиликда хатосини англаб етган Малик Қутбиддин каби мустақиллик ҳақида лоф урувчилар ҳеч қачон қўли калта фақир-фуқарони ўйламаганлар. Мустақилликни улар, энг аввало ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб яшамоқнинг шарти деб билганлар. Истаганни дорга осиб, хоҳлаганнинг бошини кундага етказиб яшашни мустақиллик дея заҳн этганлар. Бироқ вақт ўтгач, англадиларки, дунёдан, эл-улуслардан ажралиб қолмоқдалар. Иқтисоду тижорат оқсаб, миллат қашшоқлашиб, боши оққан томонга қочиб кетмоқда. Марказий ҳукуматдан узоқлашмоқ охир-оқибат ўша вилоят ёхуд бекликни иқтисодий ва сиёсий қамалга маҳкум этажагини кечроқ бўлса-да, тушунмоқдалар. Фақир-фуқаро саройу кўшклардаги сиёсат ўйинлару найрангларни англамаслиги турган гап. Сиёсат билан уни англамаганлар шуғулланар экан, бу давлатни муаққақ ихтилофу инқироз беклаяжак. Халққа эса ошу иш ва бир эш керак. Хоразм масаласига ҳам шундай ёндашмоқ лозим деган ўйдаман. Эсиргап қардошимизнинг сўйлашларича, миллату уммат кечмиш замонларни орзу этиб, бизнинг боришимизни беклаётган эмиш.

– Онҳазрат зоти олийларига маълумки, биз улусу умматни темурий тўраю тузук ҳамда шариат қонуну қоидалари асосида йўнатамиз. Диний ва дунёвий саналмиш ҳар икки ясою юсунни ҳам саккиз нафар сал-

танат амирию ўн саккиз нафар илоҳиётчию имом тушунади, аълоҳазрат. Қонун-қоидаларни англаган кишилар унга эҳтиёж сезмайдилар. Англамаган асосий халойиқ эса ҳеч қачон унинг моҳиятини тушуниб етиб, ўзгариб қолмайди. Давлат ва ҳукуматни бошқариш, халқни бирор бир мақсаду манзил сари йўналтирмоқ учун тушунганлар тушунмаганлар устидан ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар. Қўнғирот сўфилари ва Дашти Қипчоқ хонлари Хоразм улусини ана шундай, жиловланган тулпор каби тутиб келдилар. Халқнинг Чингизхону авлодлари синдирган ғурури қайтиб тикланмади. Қолаверса, аҳли Хоразм азалдан сувнинг оқишига қараб ҳисоб-китобини оладиган, сувни кўрмай этик ечмайдиган қавмдир, онҳазрат. – Айниқса мўғулу қўнғирот, жетею манғит билан қони қўшилгандан сўнг янада қитмирлашдилар. Кимнинг сўзи сўз, қўли устун бўлса, шу томонга қараб оғаверадилар. Кўрдиларки, султон соҳибқирон даври каби саодатли кунлар қайтиб, Шоҳруҳсултон байроғи мулки Турон узра ҳилпирай бошламоқда. Жўчи хонзодаларию манғит амирларидан икки дунёда яхшилик келмаслигини жуда яхши англадилар. Айтишларича, Урганч иккинчи Сарой Беркага айланиб, ою йил ўтмай ҳукмдор алмашиб, бир-бирини гўштини еб ётган эмиш.

– Унда сўнг билгиларни соҳибхабар қардошимиз сўйласин. Шунга қараб лозим бўлган чораю тадбирни белгилаймиз, – деди хоқон сўз навбатини Эсиргап Найманга бераркан.

– Зоти олийлари ва улуғ амиримизга аёнки, Турон салтанатининг амири Мусоко Идику Манғит тазйиқига бардош беролмай, аввал Самарқанд, сўнгра Ҳиротга қочиб келган эди. Дашти Қипчоқ тахти Шодибекхон вафотидан сўнг Фўлодхон элига кечди. Фўлодхон салтанатида ҳам

Идику баҳодир амир ул-умаро мақомида эди. Амирнинг сўзи сўз бўлиб, Фўлодхон ҳам унинг йўл-йўриғидан чиқмаган дейдилар. Улуғ амир Идику Хоразмни элга кечиргач, амир Анқони ҳоким этиб тайинлайди. Бир муддат сўнгра эса уни Сарой Беркага чақириб олиб, ўрнига Бажалғани Хоразм вилоятига юборади. Ўтган йили фўлодхон фоний дунёни тарк этди. Тўхтамишхондан сўнг султон соҳибқирон рағбатлари билан Ўрда тахтига ўтирган Темур Қутлуғхоннинг ўғли Темурхон салтанат байроғини қўлга олди.

– Ана шу хон – Темурхоннинг тахта ўтириши билан Дашти Қипчоқнинг ўтда ёнмас, сувда чўкмас амир ул-умароси Идику ботирнинг салтанат оти қоқила бошлайди, онҳазрат, – соҳибхабарнинг сўзини бўлди амир Нуширвон Барлос.

– Эл оғзида Темур Қутлуғхонни Идикубек заҳарлаб ўлдирган деган гап юради! Шунинг учун ўғли соҳиб ихтиёрни бартараф этишга киришган дейдилар, – Эсиргап Найманга қаради хоқон.

– Шундай бўлса керак, султоним. Орада келиб чиққан тўнашувда енгилган Идикунинг жонига Хоразм оро киради. Черигининг қолган-қутгани билан Урганчга етиб келади ва лашкарини қайтадан жамлаб, Темурхонга қарши Ажак баҳодир ва Ғозонхонларни юборади. Урганчдан ўн кунлик йўл бўлмиш Сом мавзесида қўшинлар жангга киради. Темурхоннинг лашкарбошилари амир Идикунинг одами, Хоразм ҳокими Бажалғани қатл этадилар. Амир Идику яна синиб, Хоразмга қараб қочади. Ғозонхон, амир Дакана ва Хизр ўғлонлар Идикуни таъқиб этадилар ва Хоразмни олти ой қамал қилиб туришади.

– Тўхтамишхоннинг ўғли Жалолиддин Султон не замон бу муҳорабага дохил бўлади? – сўради хоқон.

– Хоразм қамали давом этаркан, Жалолиддин Султон ота тахтини даъво қилиб, Темурхонга қарши саваш бошлайди. Тўқнашувда Темурхоннинг ўрдуси шикаст топади ва Хоразмга қараб чекинади. Темурхоннинг Урганч томон юрганлигидан хабар топган Жалолиддин Султон шаҳарни қамал қилиб турган амир Дакана билан амир Ғозонга чопар юборади. Чопар икки ўрда бегига Жалолиддин Султоннинг: "Мендин бурун Сарой Берка тахтида Темурхон ўтирган эди ва сиз унинг нонини еб, қиличини чопар эдингиз. Энди эса отамерос тахтга мен ўтирдим. Ясо ва юсун бўйича мен учун шамшир урмоқларингиз жоиздир. Сиз амирларимга Жалолиддин Султон сўзим шул турур. Мен учун саъй-ҳаракат кўрсатиб, мужодала этиб, бизнинг душманимиз бўлган Идикуни зудлик-ла қўлга олинглар. Бироқ ўлдирманглар. Унинг қисматини ўзим ҳал қиламан. Гап тамом, вассалом" деган мактубини етказади. Бу мактубдан икки кун ўтгач, Жалолиддин Султондан иккинчи чопар келади. Бу хатда "Агар Идику ўз ўғли Султон Маҳмудни ва бу ўғли никоҳида бўлган менинг синглимни ҳузуримга юборса ва менинг номимдан пул зарб этиб, исмимни хутбада ёдлатса, у билан савашмасдан қайта билурсиз" дея битилган бўлади.

– Ғозонхон ҳам Жалолиддин Султоннинг куёви эмасми? – сўради амир Барлос.

– Шундайдир, амир жаноблари. Ғозонхон Султоннинг синглисини ўз никоҳига олган. Ва янги хоннинг ҳар икки мактубига ҳам рағбат кўрсатиб, сулҳ тузиш ниятида эканлигини маълум қилади. Бироқ амир Дакана тахтдан ағдарилган собиқ хон Темурхоннинг синглисига уйланган эди. Худди мана шу ерда шаҳарни қамал қилиб турган Ғозонхон ва амир Дакана ўртасида келишмовчилик бошланади. Вазиятни юмшатиб, янги хон юклаган

вазифаларни ўринлатмоққа киришган Ғозонхон амир Даканинг кўнглини олган бўлиб, шароб базмига даъват этади. Одамларига ўзларини унга сидқидил хизмат қилаётган кўрсатиб, кўпроқ ички ичиришни тайинлайди. Бу пайтда собиқ хон Темурхон ҳам уларга ярим фарсах масофада ўз саропардасини тиккан, бош вазири ва бекларидан хабар кутаётган бўлади. Ғозонхон ўз навкари Жонхожага ўн чоғли биродарлар билан бориб Темурхонни қатлга етказиш амрини берарди. Шу тариқа Жўчи улусининг навбатдаги хони Темурхон Темур Қутлуғ ибн Ўрусхон ҳам кечмишдошлари каби шаҳодат шарбатини сипқоради. Бу фожиадан хабар топган Жалолиддин Султон амир Ғозондан мамнун бўлиб, унинг номига нишон-мактуб юборади. Ёрлиқда "Амир Ғозон бизнинг қоим-мақомимиздадир. Унинг буйруғини бизнинг ҳукмимиз деб билинглар" деган фармон битилган бўлади, – дея сўздан тўхтаб хоқонга қаради соҳибхабар.

– Хоразмни мусохара этган хонзода ва беклар орасида энг улуғи кимдир? Хизр ўғлон эмасми? – сўради подшоҳ.

– Уруғ жиҳатидан хонзода сифатида Хизр ўғлондир, онҳазрат. Ундан кейин амир Дакана ва сўнгра Ғозондир. Темурхонни қатл этароқ, Ғозон барчадан юксакка кўтарилади.

– Тавба, инсонлар қону жон баҳосига ҳаётлари, умрларининг тамалини қурадилар. Билмайдиларки, қай усул-ла ҳокимият тепасига келсалар, худди шул тариқа кетадилар. Бир мусавий амир ул-умаро "Биз не қадар яшамоқни севсак, ғазоликлар шу қадар ўлмоқни севадилар" деган экан. Жўчилик қардошларимиз кечмишу бугун бўлсин, ҳеч бир замон хону хонзодакушликдек ғайриинсоний тирикчиликдан толиқмадилар ва воз кеч-

мадилар ҳамда шаҳид кетмоқликдан-да чарчамадилар, – деди подшоҳ ўйга толиб. – Сўзингизда давом эта билурсиз.

– Амир Идику Хизр ўғлон ва амир Ғозон билан сулҳ тузмоққа мажбур қолади ва навбати билан бир-бирларига яраш тўйи берадилар. Амир Дакана эса Темурхон учун жаноза чодири қуради. Бироқ куни кеча тузини еб, қиличини чопиб юрганларнинг аксари хоннинг жанозасига ҳам бормайди.

– Ўғрига ўғриликдан мол кирмаса, ўз бўркини ўғирлар дегандек, булар аввал яғий деб билганлари билан савашадилар. Сўнгра бетарафларни бартараф этадилар. Охирида эса бир-бирлари орасидан душман қидириб, оға-инини, амаки амакиваччани бўғизлайди, онҳазрат, – гап қўшди амир Нушировон Барлос.

– Шундан сўнг амир Идику Хоразмни амир Ғозонга топширадими? – сўради подшоҳ.

– Йўқ, султоним, топширмайди. Идику Манғит Жалолиддин Султоннинг шартларига рози бўлиб. Урганчга қайтади. Амирлар эса Жалолиддин Султон ҳузурига отланадилар. Бироқ йўлда кетаркан, Барқуқиё мавзесида ихтилоф чиқади. Қажулой баҳодир икки улуғ амирга "Хоразмни олмай нечун қайтаётирсиз?" дея таъна қилади. Амирлар Қажулой баҳодирга "Биз ўн минг суворийу сипоҳий билан етти ой давомида муҳорабаю муҳосара этароқ бу ишнинг уддасидан чиқа олмадик. Сенинг суворийларинг эса уч-тўрт мингдан ошмайди. Идику Манғит шавкатли хонимиз Жалолиддин Султон Тўхтамишхон ўғлининг барча шартларини қабул этди. Сулҳга бориб ўзаро англашдик. Улуғ амир Идику ўғли, хоннинг куёви Султон Маҳмудхонни ва хон синглисини Сарой Беркага юборадиган бўлди. Шунча гап-сўз, сулҳу

яраш, қардошлик емакларидан сўнг уруш оловини ёқмоқдан не фойда" дея эътироз билдирадилар. "Идику Манғитга менинг бир пуф дейишим кифоя қилади" дейди Қажулой баҳодир амирларга мирламай. Баҳодир шу кайфияту мағрурлик билан Хоразм фатҳи учун йўлга тушади. Лашкари камлигини сездирмаслик учун кечаси юриб, кундузи яшириниб, Хоразмга яқинлашади. Унинг ҳаракатини таъқиб этиб юрган амир Идикунинг қоровул ва эровуллари тумтурумни унга етказиб туради. Саваш тажрибаси юксак амир Идику Қажулой баҳодирнинг бир макрига икки ҳийла билан жавоб беради. Икки черик бир-бирига яқинлашгач, амир ўз қўшинини иккига бўлиб, бирини ҳужумни қаршилашга юбориб, қолганини пистирмага қўяди. Биринчи черикка душман билан юзма-юз бўлгач, ўзларини енгилгандек кўрсатиб тарқалиб кетишни тайинлайди. Суворийларга эски намат, от ёпинчиғи, хуржун ва тўрваларини бўхча шаклида тугиб олиб, қочаётганда ҳар тарафга улоқтиришини буюради.

– Бу амир Идику Манғит дегани ҳар қандай шайтоннинг устозига ҳам дарс беради-я, – деб юборди амир Нуширвон Барлос соҳибхабарнинг ҳикоясидан ҳайратга тушиб.

– Айни дамда Дашти Қипчоқда ундан пишиқ-пухта ва тадбирли амир йўқ дейдилар, бек жаноблари. – Бунинг устига уни одаму от бобида ҳам беназир синчи, кишининг кўзи, турқи таровати ва авзойига қараб ичидагини биладиган бир авлиёсифат инсон дейдилар.

– Ҳа, қиблагоҳ ҳам ул кишини эъзоз этардилар, – деди соҳибхабарни диққат-ла тинглаётган султон сўзида давом этишини ишорат этаркан.

– Жанг амир режаси бўйича бошланади. Биринчи бўлиб ҳужумга ўтган Хоразм чериги ўзини чўчигандек

кўрсатиб, қочмоққа тутинади. Қажулой баҳодирнинг лашкари яғийнинг бор-йўғи шу экан-да, дея ўйлаб ўлжа иштиёқида қочоқлар ортидан от қўядилар. Қажулой баҳодирнинг қароргоҳида оз сонли суворий билан қолганлигига ишонч ҳосил қилган Идику ботир ўқдек учиб келади. Сўнгги тўқнашувда не қадар баҳодирларча чирпинмасин, Қажулой баҳодир ҳалок бўлади. Амир унинг калласини намойиш этмоқ учун Хоразмга юборади-да, уни енгилмагандек кўрсатиш учун туғини тиклашни амр этади. Ноғарачилари эса Қажулой баҳодирнинг ноғарасини чалиб турадилар. Ўлжа пешида кетган суворийлар ноғара сасини фатҳу зафар садоси дея тушуниб, ўз туғлари ҳилпираб турганини кўриб, гуррос-гуррос келаверадилар. Идикунинг одамлари шу тариқа мингдан ортиқ душманни асир олиб, банди этадилар. Идику лашкари мўл-кўл ўлжа билан шаҳарга қайтади.

– Минг нафар асирни ҳам Урганчга олиб келадиларми? – сўради амир Барлос.

– Ҳа, амирим. Уларни оёқ яланг, пойи пиёда шаҳар томон ҳайдайдилар. Оёқ-қўли занжирбанд этилган бу асирларни сақлаш ва емак-ичмак билан таъминлашни амир шаҳар халқига топширади. "Асирлардан бирор киши қочиб кетса, унга қараб тургувчи киши қатлга етказилади ва бутун маҳалласи ғарот қилинади" деган буйруқ раиятга етказилади. Хоразмликлар бундай жабру зулм, заҳмату машаққатни мўғуллар юртларини босганда кўрган эканлар. Халқнинг Идику Манғитга бўлган нафрати чексиз эмиш, онҳазрат, – дея зиммасига юкланган вазифани адо этди Эсиргап Найман. – Султон Улуғбек зоти олийларининг айтишларича, Хоразм сари юрмоқнинг айни замони эрмиш. Халойиқ Самарқанд тарафдан эсажак эпкинни интиқлик ила беклаётир экан.

– Соҳибхабар қардошимиз қайд этганларидек, ул тарафга қўшин юбормоқнинг том замони экан, онҳазрат! – деди ҳаяжонини аранг босиб амир Нуширвон Барлос.

– Ҳирот ўрдусининг Хоразмга бориши осон иш эмас, – жавоб қилди султон.

– Сизу бизнинг бормоғимизга лузум йўқ, султоним. Эртага ул юртга ҳоким ўлароқ тайин этажагингиз амирнинг қўл остига беш-ўн минг суворийни беринг. Муаммони ўзи ҳал этади-қўяди.

– Улуғ амир, амакимиз зоти олийларини бу қўшинга бош қўмондон этиб тайинласак-чи? – деди кулимсираб хоқон.

– Садоқатли қулингиз ўлароқ зоти олийларининг амри фармонларига ҳарфиян уяжакман. Мен қари бўрининг Хоразмдан кўра ёнингизда юрсам кўпроқ нафим тегади. Боиси сизни кўзимнинг қорачиғи каби асрайман ва кимсага ишонмайман, – ўша ҳаяжон-ла жавоб қилди амир.

– Ҳа, ҳақсиз, амаки. Сизсиз бу шаҳарда оёқ-қўлсиз кишига ўхшаб қолсам керак. Унда Хоразм сафарига кимни тайин этган маъқул?

– Энг муносиб номзод ёнимизда. Улуғ амир Шоҳмалик Хоразм вилояти ҳокимлигига энг муносиб номзоддир, – деди Нуширвон Барлос ҳам кулиб.

– Сиз доимо мўлжални аниқ оласиз, амаки. Тилимнинг учидаги гапни айтдингиз. Улуғ амир Шоҳмалик ҳар қандай иззату ҳурмат, мансабу мартабага муносиб бир шахсиятдир, – деди султон воқеаларни бу тарзда ривожланиб кетишидан ўйга толиб.

– Тулпорлар жиловини бўш қўймоқ замонидир, султоним! Акс ҳолда шимолдаги азалий қардош дўстларимиз биздан бурун от қамчилаб қолишлари мумкин.

– Бу қўнуда сизнинг фикрингиз недур, мингбошибек? – Эсиргап Найманга қаради хоқон.

– Улуғ амир жаноблари сўйлаганлари каби от сурмоқ керакдир, султоним. Дашту саҳро одамлари табиатан шундайлар. Кечаси бир хаёл билан ётиб, эрталаб ақлига келган ишни қилиб кетаверади. Жадал ҳаракатга кечмоқда фойда бор.

– Сизнинг саваш тажрибангизга кўра, амир Шоҳмалик Самарқанд қўшини билан бу ишнинг уддасидан чиқа билурми?

– Эпласалар-да, яғийни чўчитмоқ ва савашмоқ бефойдалигини англаб, шаҳарни ташлаб кетмоғи учун қўшимча кучга эҳтиёж бор деган ўйдаман, султоним.

– Тўғри фикр. Айнан шундай қиламиз! – дея тахтидан туриб қўлини орқасига қилганча, эшик томон йўналди хоқон. – Ҳузуримизга ҳамон бахши[1]мизни чорланг! – буюрди қопу оғзида қўл қовуштириб турган эшик оғасига.

Хоқон хона бўйлаб ўйга толганча наридан бери бориб келарди. Ўй-хаёллари жаҳонгир отаси беш бора юриш қилгандан сўнг Турон салтанати тасарруфига кирган олис Хоразмга кетган эди. Ё тавбангдан кетай тангрим, фикр қилади султон. Отаси буюк давлату салтанат қурмоқ учун не иш, тадбиру савашга қўл урган бўлса, барчаси қайтадан бошдан бошланмоқда. Демак, ҳар қандай буюк сулола, салтанат ва давлат абадий эмас. Балки ўзидан сўнг ҳам суюкли тўнғичи Улуғбек ва унинг қардошлари яна шундай тўсиқу исёнлар, сотқинликлару қўзғолонларга дуч келар? Ўзи бу машаққатларни Оллоҳнинг кўмаги билан бартараф этиб, отамерос салтанатни оёқда тутиб турибди. Авлодлари буни эплай олармикан? Тангри дилига солмоқда. Иншооллоҳ, Хоразм довони муваффақият-ла ошилажак каби кўринмоқда. Шу пайтга қадар мурувватидан бенасиб этмади. Бундан сўнг-да марҳамат нуридан баҳраманд этажакдир!

[1]Ўша пайтда котиб, секретар бахши дейилган.

Котиб хонага кириб келганида султоннинг хаёллари тўхтамга келди. Амир Барлос билан мингбоши Эсиргап Найман қўл қовуштирганча тик туришарди. Хоқон бахшини котиб масасига[1] ўтирмоқни ишорат этди-да, фармон матнини айта бошлади.

– Ёзинг! – деди подшоҳ ҳамон хона бўйлаб юраркан. – Доруссалтанат Ҳиротдан хоқони саид Шоҳруҳ Темур Муҳаммад Тарағай сўзимиз. Хуросон амирларидан Аликиё Илёсхўжа ва Али тархонлар ўз қўшинлари билан сафар ҳозирлигини кўриб, уч кун ичида Туркистон йўлини тутсинлар. Мовароуннаҳрда султон Улуғбекка боғлиқ бўлган чериклардан амир Мусоконинг беш минглик қўшини ҳам зудлик ила Самарқанддан чиқсин! Ушбу тўрт улуғ амиримизнинг йигирма мингга яқин лашкари ота мулкимиз Хоразмни салтанат тасарруфига қайтаришдек қутлуғ ишни шараф-ла ҳал этсин!

Лаблари пичирлаётган султон яна бир бор солин қопусига бориб келди.

– Ҳозирча бу фармонни Хуросондаги икки ва Мовароуннаҳрдаги икки амиримизга етказайлик. Сиз эртагаёқ амир Шоҳмалик билан ота ватанга қайта билурсиз, – дея мингбоши Эсиргап Найманга қаради хоқон. – Фармони олийни авлодимиз Улуғбек мирзонинг элларига еткуринг. Амирзодамиз Самарқандни тарк этмасинлар. Юришнинг бориши ва қўшиннинг ҳаракати ҳақида бизни билгилантириб турсинлар. Дашти Қипчоқдан Идикуга кўмак келадиган бўлса, қўшимча черикларни ҳам жалб этишга тўғри келади. Улуғ амир Идикунинг қиблагоҳимизга бўлган садоқати ва бизга кўрсатиб келган илтифотини ҳисобга олиб у билан дўстона, сулҳ тилида гаплашсинлар. Балки амир ҳар ишни тинчлик тадбири ила ҳал этар. Сиёсатда дўсту душман ила қай

[1]Ёзув столи.

оҳангда қўнишмоқда янглишмаслик керак. Баҳсу мунозара, муросаю мадорада оҳангни буздингизми, демак, ҳақиқий сиёсатчи эмассиз. Ана шу дақиқадан бошлаб, иш савашга қараб кетади. Жангу жадал эса сўзу мулоқот тугаган, сулҳ умиди саробга айланган дамдан бошланади. Ҳар қандай турумда бизнинг қўшин биринчи бўлиб ҳужумга ўтмаслиги керак, – дея Хоразм сафари таълимотини берди хоқон.

Бир кеча Ҳиротда тунаган мингбоши Эсиргап Найман бомдод намозидан сўнг нонушта ҳам қилмай йўлга чиқди.

Йўл узоқ, манзил эса йироқ эди.

САККИЗИНЧИ БОБ

Отадўст душман ўлмас,
Отадушман дўст ўлмас.
Отасўзи

Ҳали-ҳануз ўзини Дашти Қипчоқ амир ул-умароси санаган Идику Манғит ўғли Муборакшоҳни Хоразм ҳокими этиб тайинлади. Амир Бекижак эса бош вазир ва бош қози мақомида эди.

Кунлик раият қабулини Муборакшоҳ устланган, амир Идику давлат ва салтанат ишлари устидан умумий назорат қилар, саройда кам кўринарди.

Амударё соҳилидан от қўйиб келган қоровул тўппатўғри ҳовлиққанча Муборакшоҳнинг ҳузурига кириб келди.

– Қарши соҳилдаги қоровуллардан хабар олдик! Биз томон катта бир суворий қўшини келаётган эмиш, султоним! – деди қоровул тили бўғзига тиқилиб.

– Қаёқдан эмиш? Сарой Берка томонданми? – ҳайрон бўлиб сўради Муборакшоҳ отадушмани Тўхтамишхоннинг ўғли Жалолиддин Султондан хавфсираб.

– Йўқ, подшоҳим! Бухоро томондан демоқдалар!

– Бухоро томондан?

– Шундай, подшоҳим!

– Ҳа-а, шундай дегин?

– Шундай, подшоҳим!

– Ўтирган эдим ғамсиз, бузоғим туғди думсиз дегин, қоровул?

Навкар не дея жавоб қайтаришини билмай бақадек бақрайиб қолган эди.

– Сўлдаги яғий етмаганидек, соғдан келган душманни қара-я? Сен шу ерда бўл, – дея қоровулни эргаштириб ташқарига чиқди Муборакшоҳ. – Тезда отамни ва амир Бекижакни топишимиз керак. Лашкаргоҳга, қўшинни кўришга кетган эдилар, – йўл-йўлакай гапириб борарди Муборакшоҳ.

Отига чаққон минган Муборакшоҳ ўн чоғли қўримаси қуршовида дарё бўйидаги лашкаргоҳ томон йўл олди.

Ўғлининг ўзи томон от қўйиб келаётганини кўрган Идику соҳибихтиёр Бекижакни эргаштирганча унинг истиқболига юрди.

– Хайриятлиғ! Нечун бу қадар шошилинч биз томон от қўйдингиз? – хавотир олиб сўради амир ўғлидан.

– Нохуш хабар, ота. Бухоро тарафдан биз томон катта бир лашкар келаётган эмиш, – шошилинч ташриф мақсадини айтди Муборакшоҳ.

– Тушимда аён бўлганди. Демак, эски дўст ва иттифоқчиларимиз ҳам турумимиздан фойдаланиб, оёққа қалққанга ўхшайдилар. Кўнглим сезган эди, – деди амир Идику пешонаси тиришганча қошини чимириб.

Шом туби қоронғи бўлган амир Идику ўғлини ёнига олиб четроққа юрди. Ота-бола ўй босганча чоғроқ бир тепаликка чиқдилар.

Қорлар эриб, қиш охирлай бошлаган, дарё соҳили кўкариб, баҳордан дарак берарди. Ёғингарчилик ва эрувдан лойқаланган Амударё буралиб, бўтана сувини гирдоблар оғушидан аранг тортиб олгандек, ҳансираб илгариларди.

– Дўстим хоқон Темур вафотидан сўнг вориси, Шоҳруҳ султон билан муносабатларда уч хатога йўл қўйдик, ўғлим, – деди амир Идику мулозим ташлаган пўстакка оғир чўкаркан.

– Не хатолар эмиш, ота? – ўғлининг ҳам хаёли паришон эди.

– Унинг ноиби амир Мусокони ҳайдаб чиқариб Хоразмни эгалладик. Бу биринчиси.

– У пайтда Хоразм Шоҳруҳ мирзога эмас, Халил Султонга қараган. Халил Султон билан муносабатлари эса ўзингизга маълум эди.

– Халил Султон душмани бўлса ҳам ўзиники. Бугун бўлмаса-да, эрта бир куни уни йўлдан олиб ташлашга кўзи етарди. Ва шундай бўлди ҳам. Бизнинг йўриғимиз бошқа, ўғлим. Менинг бир ниятим бор эди, Муборакшоҳ. Бу ҳақда шу пайтгача сенга ҳам оғиз очмагандим.

Муборакшоҳ қисиқ кўзларини йириб боққанча отасига тикилиб қолди.

– Менга айтмаган сўзингиз бормиди, ота? – ҳайрон бўлиб сўради ўғил.

– Мақсадимнинг амалга ошмай қолишидан шубҳам бор эди-да, Муборакшоҳ. Шундан истиҳола қилиб, сенинг қўйнингни пуч ёнғоққа тўлдирмаслик учун оғиз очмагандим, – ота сасидаги ишонч ва жанговарлик руҳи йўқолган эди.

– Энди айтарсиз балки?

– Айтаман. Айтмай қайга ҳам борардим. Бу яқин келажакда қон душманларимиз Тўхтамишнинг ўн тўрт ўғли Дашти Қипчоқда сизларга кун бермаслигини назарда тутиб, Хоразмни авлодимизу сулоламиз мулкига айлантирмоқчи эдим. Худди темурийлар Самарқандни ота-бобо ўчоғига айлантирганлари каби. Насиб этмаган, шекилли. Биз уларга бас келолмаймиз. Шимол тарафдаги яғийларимизни биласан. Лекин қайда бўлмайлик, бир вилоятни фатҳ этиб, ўзимизга макон этмоғимиз лозим бўлади. Иниларингни ёнингга олиб, бу ишга бош-қош бўлмоқ бугун ва эрта кунда сенга қолади. Менинг эса ҳайитим ўтди. Вақти замони етгач, киши ҳукмдорлигу подшоҳликдан ҳам чарчаркан. Бироқ не чора-тадбир кўрмасин, бу аҳмоқона кўпкаридан чиқиб кета олмас экан. Сенинг ортингдан нон еб, бола-чақасини боқиб, от миниб юрганлар бунга қўймас экан. Бир замонлар улуғ хоқон Темур билан чиқсак тўримиз, ўлсак гўримиз бир инсонлар эдик. Унинг ўғли Шоҳруҳ ҳам бизга ёмонлик тиламайди. Фақат атрофида бир-икки нафар ёвуз беклари бор. Шулар бизга тиш қайраб, зиён-заҳмат етказишлари мумкин. Шундан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Имкон қадар улар-ла англашиб, ишни сулҳ йўли ила битирмоғимиз керак. Сақла сомонни, келар замонни нақлига амал қилиб, лашкарни асраб қолишимиз керак. Қўшинсиз ҳеч киммиз, ўғлим. Дуч келган бир душманимиз дуч келган сойда ташланиб қолиши мумкин. Биз учун темурийзодалар у қадар хавфли эмас. Бошимизга ҳар неки бало келса, Тўхтамиш авлодидан келади.

– Нима қилмоғимиз керак? Бирор чора кўрмаймизми? – отасининг руҳи тушиб кетгани таъсир қилган эди Хоразм ҳокимига.

– Қўшинни ҳаракатга келтирмай улардан чопар беклаймиз.

– Наҳотки, шунча ўрдумиз билан Хоразмдек мамлакатни уларга тақдим этиб кетаверсак? – ҳануз отасининг сулҳ ҳақидаги фикрини ҳазм эта олмас эди Муборакшоҳ.

– Амир Худойдоду Шайх Нуриддин каби Темурнинг соғу сўл қўли бўлган бекларни жаҳаннамга жўнатганидан унинг кучини ҳис этасанми, ўғлим? Орқа тарафимизда, Саройда ҳокимият алмашиб, Тўхтамишнинг ўғли тахтга келмаганида буларга қарши курашсак бўлар эди. Энди эса уйда қўнишган гапимиз кўчага тўғри келмай қолиш эҳтимоли бор. Қонун-қоидаси билан отилмаган сопқон ҳам бетга, ҳам кетга тегиши мумкин.

– Ота-боболар орасида бўлиб ўтган гап-сўзлар ўтдикетди. Бундай олиб қараса, Тўхтамишхон билан қуда бўлсак. Жалолиддин Султоннинг ҳам биз каби яғийга кўзи учиб турмаган бўлса керак? Ана у итдан тараган Қажулой чиришни бузмаганда ҳамма иш кўнгилдагидек кетаётган эди. Хон номини хутбада ўқитиб, отига танга зарб этмоқни бошлагандик.

– Ўн маротаба қуда онти ичиб қонлар қўшилса-да, бу қавми мўғулу қўнғиротдан хайр беклаб бўлмайди, ўғлим.

– Улар ҳам биз ҳақимизда шундай дейдилар.

– Йиғлагинг келса ўлганни, урушгинг келса ўтганни қўзға деганларидек, биз ўтган гапга салавот десак-да, улар сўзларида турмасликлари мумкин. Тўхтамишхон ва унинг қонуний ўн тўрт ўғли ва яна канизакларию жориялардан бино бўлган ўнлаб авлоди ҳам қачон менинг Амир Темурнинг ёнида туриб, оталарини тахтдан ағдарилишига кўмак этганимни ва икки юз эллик минглик қўшинининг хароб этилишини кечирмайдилар. Қиз олиб қиз беришу қуда онти ичиш билан катта давлат

сиёсати юритиб, муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Бежизга оталар хотин бошлагандан тўй бўлмас демайдилар. Аёл зотини ҳеч қачон тожу тахт атрофига ўралаштириб бўлмайди. Қамчи берма яхши бўлса отингга, ишонмагин қилич билан хотинга дер эдилар, раҳматли бобом. Биз айни дамда икки кўп хатарли ўт орасида қолдик. Тўхтамишхоннинг ўғли Жалолиддин учун биз темурийлардан-да хавфлимиз. Шоҳруҳнинг қўшинлари Дашти Қипчоғу Саройгача бормаслиги мумкин. Бироқ у мени эрта ёки индин тахтимга Ўрусхон авлодларидан бирини ўтқазади деган фикрдан ҳечам қайтмайди ва таназзулимизни тўрт кўз ила беклайди. Биз айни замонда ҳар икки томон билан сулҳ тили ила англашиб, Сарой ва Самарқанд давлатлари орасидаги бир манзилни макон тутиб, жон сақламоғимиз керак бўлади. Ич-ичдан ҳар икки тараф ҳам биз ила ёвлашмоқни истамайди. Болта келгунча, кунда дам олганидек, одамларимизни асрашимиз лозимдир. Қанд есак-да, сукут, панд есакда, сабру сукут.

– Темурийлар ила англашиб, Хоразмни ташлаб чиққан онимиздан бошлаб, ташлаган суягимизни ғажиб турган бу манғиту номанғитларингиз бизни тарк этадилар, ота! Саккизта энг яқин уруғ-аймоғимиз билан далаю даштда қолиб кетамизми?

– Шунинг учун сокин ва босиқ бўл. Сар берсанг-да, сир берма. Ўзингни барча ишлар бизнинг хоҳишу иродамиз ила амалга ошаётгандек сирли, руҳ ва кайфиятингни юксак тут. Ҳеч қачон аскар ва раиятга воқеа ва ҳодисаларнинг, айниқса, тепада бўлаётган гап-сўзларни айтма, билдирма. Мақсаду режанг, сафару бойлигинг ҳақида билги берма. Уларга ҳеч бир ишнинг изоҳини сўйламоқ мажбуриятида эмассан. Тожу тахт атрофида

бўлаётган катта-кичик сиёсат ўйинларига оминнинг идроки етмайди. Уларнинг қорнини тўйдиру уриб-сўкиб ишга солу жангга йўлла.

Ҳаяжонланган амир Идику гапдан тўхтаб чордана қуриб ўтирганча, ерга тикилиб қолганди.

– Унда темурийларга нисбатан иккинчи ва учинчи хатоларимизни сўйланг. Мен ҳам хабардор бўлай? – деди Муборакшоҳ орадаги юракни сиқувчи жимликни бузиб.

– Ҳа, ўғлим, буларни сенга сўйлашим керакки, бундан кейинги муносабатларда ҳисобга олмоғинг лозим. Сарой ва Ҳирот орасида бир неча бор элчиларимиз бориб келди. Сўнг бора Шоҳруҳ мирзо ўғли учун синглингни сўраттирди. Бироқ бу қудачилик амалга ошмади. Бу иккинчиси. Учинчиси амирзода Халил Султон Самарқанд тахтига ўтирганидан бошлаб Ҳирот ила муносабатда совуқликка йўл қўйдик. Шу боис борди-келдиларимиз илиқлашиб, самимий тус олмади. Охир-оқибатни кўриб турибсан. Бироқ энди ортга боқмоқдан фойда йўқ, ўғлим. Тентакни қочган тарафига қараб қувиб, деворни йиқилган томонга қараб итармоққа тўғри келади. Итала – йиқма, торт – узма, қабилида иш кўрмоқ жоиз бўлади. Қажулойнинг минг кишисини шаҳарга келтириб, улар муаммоси ва қўримасини раиятга юклаб заҳмат этганимиз ҳам яхши бўлмади. Бу янглиш тадбиримиз аҳолининг бизга бўлган норозилигини ошириб, уларга нисбатан хайрихоҳлик уйғотишга сабаб бўлди. Бундан сўнг халқ билан юмшоқ тилда қўнишиб, эски гина-кудуратларни унуттирмоқ керак. Мол эгаси, мулк эгаси, қани унинг илк эгаси дегандек, бугун шаҳарни бировга топширсак, эрта бир куни яна қайтиб олишимиз мумкин. Чиқмаган жондан умид. Лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди. Бу дунё ҳеч қачон ва ҳеч кимга абадий қолмас.

Ўзини худо эълон этган Чингизхонки тупроққа айланиб хоки туроб бўлиб кетгач, унинг олдида барлослару манғитлар не деган гап. Шундай экан, изтироб чекма, сиқилма. Менинг не-не тошларга урилган бу бошимдан қай бир кунлар кечмади. Тўхтамиш Ўрусхоннинг амир ул-умароси бўлган отам Балтичоқ бобонгни қатл этганда бир ўзим қочиб Самарқандга, Темурбекнинг ёнига келганман. Мадрасанинг тупроғини ялаб, бир ҳужрада яшаб юрдим. Тангрига шукур, пешонамда бор экан, яна оёққа туриб, қиблагоҳим эришган унвону мавқега сазовор бўлдим. Отамнинг қасдини олиб, Тўхтамишхонни саройдан улоқтирдим. Бироқ у менинг отамни қатл этган. Кўзим очиқ экан, падари бузрукворимнинг хунини оламан. Агар менинг кучим ва умрим етмаса, бу ишни сен қилмоғинг керак. Сўзимни ерига келтириб, васиятимни бажармасанг, гўримда тик тураман ва икки дунё сендан рози эмасман! – овози титраб кетди амирнинг.

– Бу тирлашуву хунлашувни давом эттириш керакмикан, ота? – суҳбатнинг кутилмаган тарзда терсига айланиб кетганидан ўзини йўқотиб қўйган эди Муборакшоҳ. – Эшитган қулоққа ҳам яхши эмас. – Тўхтамишхонни биз ўлдирсак, эртага унинг авлоди яна бизнинг хунимизга зомин бўлади. Хунрезлик давом этаверади-да!?

– Шунинг учун ҳам шу кунга қадар сенга бу хусусда оғиз очмаган эдим. Ҳар бир гапни айтар ва ҳар бир ишни қилажак замони бордир, авлодим. Демак, вақти замони етган эканки, васиятимни қилдим. Жонга ишонч йўқ. Ўлим қош билан қовоқнинг орасида. Ўлим ҳақ, мерос ҳалол бўлганидек, ота васияти ҳам муқаддас ва инкор этилмасдир. Бизни муҳокама этиб, қош қайиришга уриниб ўтирма. Агар отам амир Балтичоқнинг қасосини Тўхтамишдан олмасам, элу элат мени эру эркак сана-

майди. Бу ишга мен улгурмасам ва бу ҳисоб-китобни сен қилмасанг, учоварада ўтира олмайсан. Оқибатда бутун қавми манғит иснодга қолади. Шу номусни кўтариб юрмоқдан ор қилмасанг, унда ўзинг биласан, – аъзойи бадани титрарди амирнинг.

– Ҳеч қачон бир сўзингизни икки қилдимми, ота? Кўнглингиз тўқ бўлсин. Танамда улуғ бобом ва отамнинг қони оқар экан, жоним эвазига бўлса-да, васиятингизни бажаражакман! – ўғилнинг вужудига ҳам титроқ кирган эди.

Амир индамади. Ерга боққанча сукутга толди.

– Биз ўлик бўлмасак-да, ярадор бўримиз, ўғлим, – деди анчадан сўнг сўник ва ҳирқироқ овозда амир. – Ўлик бўрини эса ит тишламайди. Шоҳруҳ ҳам, Жалолиддин Султон ҳам бизнинг қонимизга ташна эмас. Шунингдек, биз ҳам. Чингизхону Темурдан қолган бу тупроқ барчамизга етиб ортади. Самарқанд қўшинининг келаётгани рост бўлса, бугун-эрта чопар ёки элчи жўнатишлари мумкин. Музокараларни муносиб равишда ўтказиб, шарафимизни сақлаган ҳолда сулҳга эришишимиз керак. Бошқа йўл йўқ назаримда.

– Англадим, ота – жавоб қилди Муборакшоҳ бекланмаган суҳбатдан ҳануз ўзига келмай. – Сиздан доимо бир нарсани сўрай дейману, иш билан овора бўлиб ёдимдан кўтарилади. Хоразму Туркистон ҳудудларида бир отасўзини илк бор эшитдим ва маъносини англамадим.

– Сўра, – деди амир ўғлига ҳорғин боқиб.

– Бир киши иккинчисига гап орасида дойи (тоға) етти отанинг ўрнига ўтади деди. Ҳайрон бўлдим. Бу билан у не демоқчи? Ота отадир. Фарзанд учун ота-онанинг шарафи ва қадр-қиммати баҳс этилмас эмасми?

– Буларда тоға ўтирган томнинг устига чиқма, кулдан уй, куёвдан ўғил бўлмас деган ота сўзлари ҳам бор, ўғлим. Бу нақл деймизми, мақол деймизми, мўғуллар, улар баробарида бизнинг Турон юртига бостириб келганимиздан сўнг пайдо бўлган. Биласанки, Чингизхон касб-ҳунари бўлмаган эркакларни ўлдириб, хотин ва қизларига мўғул аскарларини уйланишига фармон берган. Дашту саҳролардан келган аёл зотига ташна суворию сипоҳийлар буюк қоон фармонини зиёди билан бажариб, боқишига кучи етганча аёлга уйланганлар. Бола тарбияси эса аёлнинг зиммасида бўлган. Ота от устида кезган. Шунда оналар ўғиллари онгига эрлари ва оталарининг қотили, мўғул ота меҳрини эмас, боласи намуна олсин учун тоғага эътиқод этишни ўйлаб топганлар. Ўғиллари ёвуз эри тарбиясида эмас, тирик қолган акаукалари назорати ва кўмагида вояга етишини истаганлар. Шу тариқа сўз истеъмолга кириб кетган.

– Ҳа-а, шундай денг. Қаранг-а, оналар лашкар қила олмаган ишни уддалаган эканлар-да, – ҳайрон бўлди Муборакшоҳ.

– Шундай, ўғлим. Турк хотинлари жуда ботир ва жангавор келадилар. Билга қоону Истами қоон, ундан олдинги хоқонликлари даврида подшоҳлари хотинлари ва қурултой қарорига кўра фармон берганлар.

– Хотин зоти аралашдими, тамом. Ҳар қандай салтанат ичдан забт этилади. Унда буларни никоҳга киритишга ҳам тамкинли ёндашмоқ керак экан-да?

– Эркак аталмиш махлуқ ёқишиқли, сочи узун маҳлуқони кўрдими, тамом. Насли насаби, дину миллатига қараб ўтирмайди. Ўзини унинг қучоғига отади. Аёл зоти, ишқ-муҳаббат бор жойда теран фикр-мулоҳаза этиб ўтирмайди ва бу ўйламай босилган қадам ҳукмдор

эркак зотини инқирозга етаклайди. Худди Темурнинг бош вазири амир Сайфиддиннинг Шод Мулк деган бир тамғаси Туркистону Мовароуннаҳр подшоси Халил Султонни хароб этгани каби.

– Исфаҳондан келган тужжорлар сўйладилар. Райда иккисини Лайли-Мажнун каби ёнма-ён дафн этибдилар. Неқадар гўзал ўлим!

– Ўлимнинг гўзали бўлмайди, ўғлим. Ҳар қандай ўлим даҳшатли ва инсон закосини юрак-юракдан ларзага солади.

Ота-бола гапдан тўхтаб сукутга толдилар.

– Унда турайлик ва шаҳарга қайтайлик. Бизга етган хабар бошқаларнинг ҳам қулоғига чалинган бўлса керак. Ота-бола қочиб кетди дея ўйлаб, ичимиздан ўт чиқиб ўтирмасин тағин. Дўсту душманнинг ичида бўлиб турайлик. Қолганига худо пошшодир, – дея шаҳд билан ўрнидан турди улуғ амир Идику.

Ота ва ўғилнинг қўзғалганини кўрган жиловдорлар шоҳона эгар-жабдуқ урилиб, зар ҳошияли ёпинчиқлар ёпилган икки асл тулпорни етаклаб келишди.

Муборакшоҳ ҳимо қилиб отасини отга миндирди. Сўнгра бир сакраб ўз оти эгарига ўтирди.

Баҳор ёмғиридан лойқаланган дарёнинг бўтана суви ҳамон буралиб оқар, булутлар ортида қолиб кетган қуёшсиз, рутубатли кун шу пайтгача бутун Хоразм ўлкасини ётқизиб-турғизиб юрган ота-боланинг руҳи ҳолига уйғун эди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Туркларнинг тарихини турклар ёзмалидир.
Иосиф Броз ТИТО

– Ростдан ҳам Амир Темур Хоразм устига беш бора юриш қилганми, ота? – сўради Муборакшоҳ улар лашкаргоҳдан узоқлашар экан.

– Ҳа, шунинг учун ҳам улар Хоразмни қону жон эвазига қўлга киритилган ўз мулклари деб биладилар. Темурбек Балхнинг Кўҳи Шодиён манзилида Буюк Турон амири дея эълон этилди. Суюрғатмишхон эса хон этиб кўтарилди. Янглишмасам тўртинчи ойнинг биринчи куни эди. Шундан ўн икки кун сўнгра Амир Ҳусайн қатл этилди. Шу йилнинг олтинчи ойида Самарқандда катта қурултой чақирилиб, бирлашган Турон давлатининг ташкил топганлиги эълон қилинди. Қурултойдан саккиз ой ўтгач, Алуфа тавочи бошлиқ элчилар юборилиб, Хоразмнинг Темур давлатига ихтиёрий бирлашуви таклиф этилади. Эшагини ҳангратган ҳукмдор кўнғирот Сўфийлар элчилик одобига хилоф равишда Темурга рад жавоб беришади. Ишнинг ўндан тўққизини сулҳ билан битириб ўрганган Амир Темур арқонни узун ташлаб бир йил ўтгач, шайхулислом Жалолиддин Кеший бошлиқ иккинчи элчилар қофиласини юборади. Сўфийлар шайхулислом ҳазратларини зиндонга ташлайдилар. Хабар Самарқандга етиб келиши билан Темур қўшини йўлга чиқади ва бу Хоразм устига қилинган илк юриш бўлади.

– Темурнинг Хоразм устига беш бора юрганини қандай изоҳ этмоқ мумкин, ота? Дастлабки юришларда кучи етмаганми ёки бошқа бир сабаб борми?

– Менимча, сабаби битта. Темур Хоразмни эртами кеч ўз давлатига қўшиб олишига шубҳа қилмаган. Фақат раиятнинг қони тўкилмаслиги, эрта кунда ўз давлатининг ватандоши бўлажак кишиларнинг бурнини қонатиб норози этмаслик учун ўрдуси жиловини тортиб турган. Акс ҳолда илк юришдаёқ шаҳарни кунфаякун қилиши мумкин эди. Иккинчи юриш орадан икки йил ўтиб амалга оширилади. Яна икки йил ўтиб учинчи ва тўрт йилдан сўнг тўртинчи юриш амалга оширилади. Охирги, бешинчи юришга етти йилдан сўнг киришилади ва Хоразмнинг тақдири узил-кесил ҳал қилинади. Сўнгги фатҳгача орадан саккиз йил ўтади. Самарқанд қўшинининг бу келиши билан бешинчи юриш орасида чорак аср вақт ўтибди, ўғлим. Ўртада карнайчидан бир пуф дея биз ҳам Хоразмни етти йил тасарруф этибмиз. Дунё шундай. Салтанат қошиғи галма-гал айланаверади. Бугун бизда, эртага уларда, бир сугун яна бошқа бировда. Мансабу матлаб, унвону амал, амаллаб тургин, охир-оқибатда бировга топширасан, деганидир. Бироқ хом сут эмган, бурнидан нарини кўрмас бу товуқмия яратиқларнинг аксари недан инсон ўлароқ туғилганини ҳам англаб етмайди. Аросатда туғилиб, фаҳму фаросатдан бенасиб, яна аросатда ўтиб кетаверади. Тўғри йўлдан юришни билмайдилар. Бироқ тўғри йўлни кўрсатсанг, юрмайдилар. Ёзиқлар бўлсин бундай боши юмалоқ, бути айриларга! – Яна ҳаяжонланган эди амир. – Бу жўчинажот хонзодаларни одам қиламан дея ўзим одамгарчиликдан чиқишимга бир баҳя қолди. Мен уларни эпақага келтириб тахтга ўтқазишдан толиқдим. Улар эса бир-бирларининг хунига зомин бўлмоқдан йўрулмадилар.

– Ҳақиқатан ҳам кечмишу келмиш салтанатлар тарихида чингизий хонзодалар каби бир-бирини бу қадар

қийратиб қонига ташна бўлган сулола йўқ дейдилар. Биз ҳам дўстларимиз билан буни баҳсу муҳокама қилиб тагига етолмадик. Биров у дейди, биров бу дейди. Бироқ ҳеч ким мантиққа таяниб асосли жавоб бера олмади.

Ўғлидан бу қадар жиддий саволни бекламаган амир тараддудланганча ўйга толиб, томоғини қирди.

– Модомики, иқтидору ҳукумат кўпкарисини чопар экансиз, мулки давлат йўнатуви ва сиёсат фалсафасини муҳокамаю мушоҳада этмоғингиз кўп яхшидир. Фикрламаган одам фақат бугунини ўйлайди. Мушоҳада эта билган киши эса келажак биносининг қад ростламоғи қўнусида бош қотиради. Билдиғимиз тўрт улус, баробар яшамоққа маҳкум этилганимиз жўчию чиғатой хонларининг фожиаси бир нарсага бориб тақалади. Бу ўша, Олтой тоғлари этакларида буюк қоондан ақл бовар қилмас миқдорда бойлик, олтину кумуш, ақчаю қимматбаҳо тошлар олиб, бир кунда зангинлашиб кетган будда руҳонийларининг ўзаро тил бириктириб, Чингизхонни худо дея эълон этганлигидадир. Чексиз ақчани берсанг, кечмишда Бухорода бўлгани каби малоҳида Носир Хисрав каби бир дордан қочган муттаҳамни пайғамбар дея эълон этажак осий ва ғайридинлар ҳозир ҳам топилади. Агарда Муҳаммад охири замон пайғамбари дея тан олинмаганда, худо билади, яна неча минг пайғамбарга сиғинишга тўғри келар эди. Чингизхон ўзини қандай ҳис этган бўлса, тўрт улусдаги тўрт тахтга кети теккан чингиззода борки, ўзини худди шундай деб билади. Шоҳми, гадоми ким бўлмасин одам ўзини ўз даражасидан устун кўрдими – тамом. Унинг фожиаси айнан шу дақиқадан бошланади. Мулки давлатни бошқармоқни сулолаю ўрду ҳал этмайди. Бунинг учун Амир Темур каби барчага ақл бўла олажак, улус ўнгини кўра била-

жак шоҳона бош керак. Бу бош аҳмоқона хатоларга йўл қўймоқдан холи бўлмоғи лозим. Сўқоқдаги киши қилажак номаъқулчиликни қилаверсанг, сенинг оқилу доно шоҳлигинг қайда қолади? Бироқ зиғирдек ақлу идрок, фаҳму фаросат, оқилу донолик шахсиятингда мужассам эмас эркан, нечун тахтга ўтирдинг, дея кимса сўрмайди. Барча бўлмаса-да, жуда оз сайида бўлган оқилу донолар тандирдан янги узилган бу сохта фариштанинг селова оқимида хас каби сув юзига чиқиб қолганини ва энди ундан қутулмоқ мушкуллигини англайди, холос. Жоҳил ва нодон оломон эса ундан ўтиб кетган ёки ўз вақтида ўлдирилган собиқ авлиё каби янги авлиё ясай бошлайди. У эса атрофига ўзига ўхшаш саккиз нафар ўпка ва дордан қочган вазир ҳамда ўн иккита етовга ўрганган кўппакни йиғиб салтанат сурмоққа бошлайди. Аҳмоқона гап-сўзлари, энсани қотирувчи хатти-ҳаракатларини кўриб турган беш-ўнта тиш қоққан, тажрибали кишилар айнан унинг тахтига кўз тиккан қардоши ёки амакисига пишанг бериб, янги фитнани тайёрлайдилар Шу тариқа Чингизхону Амир Темур даъвосидаги бошлар лошга айланаверади. Подшоҳкушлик тегирмонининг дўли тинмайди. Бу дўлда бир ҳукмдорнинг боши кетса майли эди. Бироқ бундай бўлмайди. Унинг фалокати улусга, лашкару раиятга уриб, юртлар вайрон, элу элатлар сарсону саргардон бўлади. Қирилиб кетади. Бугун биз ҳам мана шундай бир хавфу хатар қаршисида турибмиз. Не баҳога мол ўлмасин, улус ва унинг оғзибирлигини сақлаб қолмоғимиз керак. Бош бўлса тож топилганидек, халқ мавжуд экан, дастак берар экан, унга ҳукм этгувчи, йўл бошловчи керак бўлади. Оти бору ўзи йўқ қавмга тожу тахтнинг ҳам, эс-ҳуши жойида ҳукмдорнинг ҳам кераги йўқ. Бундай қабилалар куни учун кул ташлаб,

ўзидан кучли элатларнинг қўю подасини боқиб, аскарлигини қилиб юраверади. Бир савашда енгайлик, бошқа бирида чекинайлик. Энг муҳими, улусимизнинг келажакка бўлган умиду ишончи, ҳақу ҳақиқат, адлу адолат асосидаги бирлигу баробарлигини сақлаб қолмоғимиз керак, – сасида ишонч оҳанги мужассам эди амирнинг.

– Ҳазар ва Орол денгизлари ўртасида билганингиз Манғит қўрғони ва қасабаси бор. Шу ерни Темур Самарқандни бошкент этгани каби пойтахт қилиб ўзимизнинг Манғит давлатини тикласак бўлмайдими, ота? Қачонгача Сарой тахтига ўтирган хондан амир ул-умаролик мансабини менга қачон берар экан, берадимийўқми, дея кутиб ёки улуғ бобом амир Балтичоқдек бошимиз кетиб ўтирамиз?

– Фикрингда жон бор, ўғлим. Бироқ бу жуда қийин, машаққатли, кўп меҳнат ва масраф талаб қилгувчи ишдир. Бир нарсани унутма ва авлодларинг қулоғига қуй. Бу ёруғ очунда ҳеч бир буюк халқ ва сулола абадулабад давлату ҳокимият тепасида қолмайди. Мўғуллару барлослар, салжуқлару мамлуклар каби юз-икки юз, ҳа, борки, уч юз йил турар. Охир оқибатда бу улуслар инқирозга учраб, озаядилар ва аста-секин иқтидорни ўсиб, кўпайиб келаётган улусларга топширадилар. Биз худди ана шундай, оёққа туриб келаётган ёш ва навқирон улусмиз. Сен Қорақуму Қизилқум орасидаги қандайдир бир қўрғонда бошкент тиклашни эмас, Хўжанд ёки Бухоро каби олам пойтахти бўлган, имкон қадар дарё бўйидаги катта бир шаҳарни бошкент этмоқ жаддида бўл. Саҳрода пойтахт қилиб бўлмайди. Амударё ўзанини ўзгартирдими, Кўҳна Урганч каби пойтахтинг харобага айланади. Нортуяни орзу этгинки, яратган сенга бия берсин. Бунинг учун кишилар юрагида аввал

ўзингга, сўнгра келажакка бўлган умиду ишончни сақлаб турмоғинг, эрта кунда очу яланғоч қолмаслик илинжини йўқотмаслигинг керак. Тушундингми, ўғлим? – Сўл томонига ўгирилиб ўғлининг кўзига тик боқди амир.

– Тушундим, ота, – жавоб қилди Муборакшоҳ отасининг салмоқли фикрларидан таъсирланиб.

– Англаган бўлсанг, иқтидору сиёсат кўпкарисида тулпоринг жиловини шунга кўра тут ва лозим бўлган вақти замонида бўш қўй. Ана шунда кўзлаганинг манзилу мавқега эришасан ва дўсту душман, хайрихоҳу нохайрихоҳлардан ўзиб кетасан. Улар эса сенинг тулпоринг тўзитиб ўтган тупроқнинг чангида қолиб кетадилар. Ва унутмаки, отинг ўзиб кетдими, тамом. Ҳеч қачон, ҳеч бир замону маконда одамларга, ҳатто жон дўстим деб юрганларингга ҳам хуш ёқмайсан. Табиатан ҳеч ким бировнинг ҳатто энг яқин кишисининг ҳам ўзидан ўтиб кетишини истамайди. Ҳатто жон жигар қардошларинг ҳам. Мен бу гапларни фақат сенга айтмоқдаман. Қолган ўн уч қондошингга эмас. Улар янглиш англашлари, балки англамасликлари мумкин. Бу деганим сен ҳамма нарсани тушунасан, ўзини ҳар томонга ташлаб, тутун қайтармоқчи бўлган укаларингни тергаб, алдаб-сулдаб йўлга соласан, жазоламайсан, деганимдир.

– Аммо улардан бирортаси жону молимга қасд этсачи? Унда не қилмоғим керак?– ҳайрон бўлиб сўради Муборакшоҳ.

– Унда қисматини қадарининг қўлига топширасан. Қилични қўлда маҳкам тутиб, керак пайтда ишлатмасанг, иқтидорни бой берасан. Шунда ҳам ғоят диққатли бўлмоғинг керакки, ётники ёндан, ўзники жондан ўтади. Нафақат ёту бегоналар, ўз яқинларинг ҳам сендан астойдил чўчиб, қўрқиб турмаса, уларни бошқариб

бўлмайди. Ҳатто ишонганинг энг яқин қардошинг ҳам хиёнат йўлига кирса, калласи сапчадек узилишини ҳар даму дақиқада ҳис этиб турмоғи шарт. Ўз яқинларингни тўйғазиб туриб, шулар орқали халойиқни бошқаришинг мумкин. Яғийла савашда ҳеч қачон ишни ярим қолдириб бўлмайди. Мен буни ўз кўникмам эмас, Амир Темур тажрибасидан келиб чиқиб айтмоқдамен. Биз улуғ хоқон ила узоқ суҳбатлар қуриб, гоҳида тонгга қадар шатранж сурардик. Сўнг маконлари нурга тўлгур улуғ хоқон ҳазратлари шатранжнинг доналари икки баробар кўпайтирилган тахтасини ўйлаб топган эдилар. Биз шу тахтада шатранж ўйнардик...

– Доналари икки баробар кўп бўлган шатранж ҳам борми, ота? – ҳайрон бўлиб сўради Муборакшоҳ. – У қандай ўйналади? Нега шу пайтгача менга айтмадингиз?

– Сен билан менинг бафуржа ўтириб шатранж ўйнамоққа вақтимиз бўлдими, ўғлим? Умримиз шатранж тахтасидаги эмас, сарой тахтидаги шоҳларни мот қилишу алмаштириш билан ўтган бўлса. Хоқон Темур бу шатранжни жанг усул ва услубларини такомиллаштириш учун ўйлаб топган. Бунда ўйин узоқ давом этади ва янада кўпроқ ҳужум ва ҳимоя усулларини фикрлаб, ҳаракат этиш мумкин бўлади. Сокин бир замонда сенга ўргатаман.

У шатранжу нардда ҳеч қачон, ҳеч кимга енгилмас эди. Ҳатто болалигида ҳам ёши катталардан подаловловни (тўпли хоккейнинг ўша вақтда айтилиши) ҳам бир неча кунда ўрганиб олиб тақими (командаси) барчани ютар экан. Темур сиёқли шахсиятлар ҳеч бир соҳа ва мавқеда хеч кимга ютқазмайдилар. Бу қисмату қадар уларнинг толеига ёзилган бўлади. Неки ишга қўл урса-

лар уддасидан чиқадилар ва ғолиб келадилар. Шунинг учун ҳам Темурнинг ўзи қўмондонлик қилган қўшин ҳеч қачон енгилмаган. Аксинча, бу каби улуғ мартабага эришмаган бўлар эди. Улуғ хоқоннинг қўнғирот сўфийларига қилган раҳм-шафқати Турон мамлакати бошига Тўхтамиш балосини олиб келади. Темур Ироқи араб сафарида экан, Сулаймон сўфининг қутқусига учган Тўхтамишхон ўйламай-нетмай Туркистонга бостириб киради. Бухорони ғорат этиб, ўзи остонасини ўпиб одам бўлган Самарқанд аркигача етиб келади. Хоразм сўфийлари унга қўл-қанот бўладилар. Туроний амирларнинг Жўқлик мавзесида Тўтамишхондан енгилиши бошкентдан олисда бўлган Темурнинг сабр косасини тоширади. Шундан сўнг у қаҳрга минди ва учқур суворийлари билан Хоразм устига отланди. Хоразм лашкарининг Жўчи қўшини билан бирга Қоракўл ва Бухоро теварагидаги хунрезликларию талон-тарожларини туйган Темурни қудачилигу қариндош-уруғчилик андишалари ҳам тўхтатиб қола олмади. Бунинг устига жуда кўп Мовароуннаҳр аҳолиси асир ўлароқ ҳайдаб кетилган эди. Устига-устак Сулаймон Сўфи илгари Чиғатой улусига қарашли бўлган жанубий Хоразм ерларини англашмани бузиб, ўз мулкига қўшиб олди.

– Ўшанда Сулаймон Сўфи Темурнинг қўлидан аранг қочиб қутулган, тутса терисини шилишга амр берган дейдилар-а? – сўради Муборакшоҳ.

– Темур қаҳри ҳам қаттиқ, меҳри ҳам чексиз бир хоқон эди. Айбининг даражасига қараб уч маротаба кечирарди. Жуда камдан-кам гуноҳкорларни эса тўртинчи бор кечирарди. Мироншоҳ мирзонинг беш амири уни Қумкент мавзесигача қувиб бориб, етолмаганлар. Мол-мулкини ўлжа қилиб қайтганлар. Темурнинг

қароргоҳи мен турган Эскичорбоғда бўлган. Хоқон фармони билан бутун олимлар ва етук ҳунармандлар Мовароуннаҳрга кўчирилган. Шунда "Шаҳарни бузиб ўрнига арпа экиб юборинглар!" дейди қаҳр устида. Бироқ Гурганждай азим шаҳарни бузиб, уни тош, ғишт, ганжу иморат қолдиқларидан тозалаб, ҳайдатиб экин экишни ақлга сиғдириб бўлмайди. Темур ўттиз ёшидаёқ афсонага айланган, ҳар бир сўзи ўқу шамол тезлигида олис-олисларга етиб борадиган бир подшоҳ эди. Менинг билишимча Сулаймон Сўфи ва унга пишанг берган беш-ўн кишининг уйи бузилган. Буни Темурдан бошқа киши ҳам қилиши мумкин эди. Одатда шундай бўлади. Енгган енгилганга раҳм қилдим дейди. Мағлуб эса ғолибнинг ёвузлигини бўрттиради. Одамлар ов ва саваш замонида ҳар неки воқеаю ҳодисаларни кўпиртириб гапирадилар. Темурийларнинг яғийлари шу тариқа Хоразм воқеасини ошириб-тоширганлар. Неча бор Гурганжга келдим. Бироқ арпа экилган бир қарич ерни кўрмадим. Кишилар ўз рақибу ғанимларини ёмон отлиққа чиқармоқ учун улар устига не-не мағзаваларни ағдариб, не қадар лойу балчиқларни чапламайдилар. Азалдан буюк шуҳратлар буюк офатлар ила ёнма-ён юради, ўғлим. Боиси дўстдан душман, хайрихоҳдан кўра нохайрихоҳ кўпдир. Ишинг ғирдими, тамом. Сени билгану билмаган, танигану танимаган ўз-ўзига "нега мен эмас, у" дея савол бериб, ҳасад ўтида қоврилади. Сабаби одам зоти шундай яралган. Хоқон Темур Сароймулкхоним мадрасаси ҳовлисида сўроққа тутган Эрка Ваҳобий деган шоирни бадарға этгач, Сарой Беркага қочиб келди. Самарқандда яшаганимда бир неча бор суҳбатлашган эдим. Саройда унга нону ош бердик. Шунда у бир гапни айтган эди. «Бу жоҳил ва разил махлуқларни худо

чилар. Дунё дарёсининг оқишини ана шундай кишилар белгилайдилар. Сўнгра ўртамиёна, ундан кейин қуйи даражада фикрловчилар келади. Тўртинчиси эса умуман фикрламайдиган, фақат ейдиган кўмочию киядиган ковушини ўйладиганлардир. Биз ҳам, этик оёғингни қисганда бош кийимдан гапирма дегандек, икки оёғимиз бир этикка тиқилиб турганда кечмишдаги воқеалар тарихини таҳлил этиб ўтирганимизни қара?

– Бироқ мен учун ғоят ибратли ҳикояларни сўйладингиз, қиблагоҳ. Бундан буён не тарзда иш юритмоқ хусусида ҳам сиздан керакли таълимотни олдим. Кўзим очиқ экан, сиз каби улуғ падари бузрукворимга муносиб авлод ўлмакни фарз билурмен.

Кўзини юмиб пастки лабини тишлаган амир беихтиёр бошини соллади.

Соҳиблари руҳи ҳолатидаги ўзгаришни пайқаган асил отлар ҳам илгариги шаҳд-ла йўрғаламас, қулоқларини диккайтирганча эҳтиёткорлик-ла йўлни териб босарди.

– Хоқон Темурнинг бир сўзи қулоғимга қуюлиб қолган. Шатранж сурарканмиз, шу нақлни кўп такрорлар эди, – деди анчадан сўнг амир ўксик ва тушкун оҳангда.

– Қай сўзлари, ота? – қиблагоҳи томон ўгирилди Муборакшоҳ.

– Асил одам хато қилмас, асли ёмон вафо қилмас, дер эди раҳматли улуғ амир. Киши бу каби ҳақиқатларни олтмишдан ошгандан сўнг янада чуқурроқ англаб етаркан. Кишилар фарқламаган ҳақиқатларни ёш ва эрта кўра билган шахсиятлар қунту сабот-ла интилган ҳадафу манзилларига етар эканлар. Мен шу пайтгача кўриб билганим, тожу тахт сари от қўйган аксар даъвогарлар ёвуз ва аёл зотига тўймас кимсалардир. Ҳокимияту иқтидор дарди буюк бир хасталиклардир. Бу касалликка

чалинган киши ўзини энг аввало подшоҳ эмас, улус хизматкори деб билмас экан, қоқилади, – ўғлига насиҳат қилиб кетарди амир.

– Сиздан яна бир муҳим ҳолат изоҳини сўрмоқчи эдим? – деди Муборакшоҳ отини ниқтаб отасига яқинлашаркан.

Амир сўрай билурсан дегандек ўғлига қаради.

– Улуғ бобом амир Балтичоқнинг қисматлари ҳақида эди сўровим. Бобом ҳазратлари бемалол, худди Ўрусхонга амир ул-умаролик қилганлари каби Тўхтамишхоннинг таклифига ҳам рози бўлиб, бош вазирлик мақомини қабул этаверсалар бўлмасмиди? Мени шу нарса ўйлантиради. Ҳеч бўлмаганда соҳиб ихтиёрлик рутбасини қабул қилмай, ўта машҳур "сенга амир ул-умаро бўлганимдан кўра, подшоҳим Ўрусхон билан бир гўрга кирганим афзал" деган гапларини айтмай, сиз каби юртни тарк этиб кетсалар бўлмасмиди? Жонлари омон қолармиди?

– Ҳаётда жондан-да азиз ва муқаддас эътиқоду шартлар бор, ўғлим. Буни вақти замони етгач, англарсан. Балки англамай ўтар киши. Улуғ бобонг аҳд қилмоқ ва қарор этмоқда фавқулодда жасоратли, кўз тиккан ишини бартараф этмай ухламайдиган бир шахсият эди. Ўша пайтда худди мен Темур Қутлуғу Шодихон, Пўлатхону Темурхонларни одам қилиб тахтга ўтқазганим каби Ўрусхонни ҳам катта атанг амир Балтичоқ йўлга солиб, тахту салтанатини барқарор этган. Обрў эътибор, мавқею машрабда бобонгга тенг келажак кимса Ўрусияю Дашти Қипчоқда бўлмаган. Туллак Тўхтамиш буни жуда яхши билар эди. Ҳокимиятни тиклаб олиш, оёққа туриб кетиш жараёнида унга амир Балтичоқ каби бир номдор ва эътиборли киши керак эди. Бироқ аслида унинг ния-

ти бошқа бўлган. Ўша пайтда Тўхтамишнинг бобонгни қатлга етказиш учун ҳеч қандай асоси бўлмаган. Амри фармонларга Ўрусхон имзо чеккан ва бош душмани деб хонни билган. Пинҳона нияти эса отамдан бир-бир ярим йил фойдаланиб, сўнгра бўйнига ясама жиноятларни қўйиб, улус куз ўнгида эшак ўғрисига айлантириб туриб бошини кундага етказмоқ бўлган. Разилларча қасоскорлик уларнинг қонида борлигини отам яхши билганлар. Таҳқиру шарафсизларча ўлмоқдан кўра боши тик, шарафли ўлимни афзал кўрганлар. Кейинги аҳволу турумлар шуни кўрсатдики, бобонг тўғри қилган эканлар. Ўрусхоннинг Тўхтамишхон ҳизматига кирган одамлари борки, аксари ўз ажали билан ўлмаган. Бобонгнинг бу шарафли шаҳодати авлодларимизга ўрнак ва сабоқ бўлмоғи лозимдир.

– Уни биргина Ўрусхон кишиларини эмас, улусдаги машҳур шуҳратли инсон борки, барчасини қийратган дейдилар?

– Тўғри! Нафақат собиқ хоннинг амиру маъмурлари, Дашти Қипчоқдаги обрўли олиму битикчи, ҳатто ном чиқарган шоиру масхарабозлар, ҳофизу ҳўққабозлар ҳам унинг учун хавфли одамга, улус душманига айланди. Аниқроғи, ўзи бош-қош бўлиб айлантирди. Буларнинг бир қисмини заҳарлаб тинчитган бўлса қолганини узоқ йиллар зиндонда чиритди. Эркинқул Якравий каби шоирлар, Дўсали Ҳаккорий каби аскиябозларни шармандаларча соқолини қириб, Оқ Ўрдада хонабанд сақлашга буюрди. Биласан, одатимизга кўра соқолини қириб ташлаш, энг оғир, эркак учун ҳақоратли жазодир. Бу жазодан сўнг эркак киши учоворага қўшила олмайди. Кал ўзидан ҳам кўра калроқни яхши кўрганидек, эрлик сифатларида қусури бор киши бошқаларни ҳам

шундай деб ўйлайди. Саройдаги турум шундай тус олдики, таниқлилик, машҳур бўлмоқ фалокатга айланиб қолди. Мен унинг илонники каби совуқ кўзида одамларга, инсониятга бўлган чексиз нафрат, ички бир ғазабу жирканишни пайқаганман. Бундай кишилардан кимсага хайри саодат келмайди. Подшонинг иши фақат таъқиқу жазоламоқ эмас. Улусга нафрат ва зулм шамолини эстирган золим, вақти замони етиб айнан шундай нафрату ғазаб бўрони остида қолади.

Улуғ амир Идику ва ўғли, Хоразм ҳукмдори Муборакшоҳ илк бор Гурганж кўчаларидан бу каби тушкун кайфиятда ўтиб боришар эди.

Азалдан жўчи лашкарини кўрса ўзларини четга олиб, пана-панага уриб кетадиган шаҳарликлар муҳим бир воқеани беклаётгандек ота-болага боқишар, ўзаро пичирлашиб гаплашишарди.

Шоҳруҳ қўшинининг шовури тарқалган кўринади, хаёлидан кечди амирнинг. Амир оғир ўйлар-ла тебраниб бораркан, оти бехосдан ҳуркиб кетди.

Елкасига хашакми, ўтинми орқалаган ўн ёшлар чамасидаги бола тор кўчадан югуриб чиққан эди.

– Супурги олинг, супурги! – деди у нажотталаб нигоҳини икки отлиққа тикиб.

Амир оти жиловини тортди.

– Супургинг қанчадан? – сўради чангдан юзининг ранги билинмай кетган боладан.

– Уч донаси бир кўппакий! – жавоб қилди супургичи бола юзи ёришиб.

– Унда уч дона бер? – деди амир ёнчиғини кавлаб.

– Бизга супурги керак эмас, ота. Овора бўлманг. Уни кўтариб юрамизми? – деди Муборакшоҳ шундай ҳаётмамот дамида супурги харид этмоқ юрагига сиққан отасига ҳайрон боқаркан.

Амир индамади. Тангани узатди. Бола супурги боғидан уч дона супурги суғуриб олди.

– Майли, қўявер, авлодим. Қайтимини берма. Шу арзимас ақча сенга ҳадя бўлсин. Йўқ, ҳақимни ҳалол этаман, десанг бирортасини эҳтиёжманд кишига бергин. Бермасанг ҳам ўзинг биласан, – деди амир меҳрибон овозда болага.

Бир қўлида ақча, иккинчисида супургиларни тутган бола ағрайганича амирга қараб турарди.

– Модомики пулини тўладик, олайлик, – деди Муборакшоҳ бир отасига, бир супургичи болага боқаркан.

Амир ўғлига Хоразмдек мамлакатнинг подшоҳи бўлсанг-да шу қадар паст кетасанми дегандек қаради. Янглиш гапирганини тушунган Муборакшоҳ бошини эгди.

– Ёнчиғингда ақча борми? – сўради амир ўғлидан хафақон оҳангда.

– Бор.

– Унда шу болага етти танга бер. Бундай беозор ва ҳалол экмак топиб еган гўдакнинг дуоси ижобат бўлади. Мен ҳам етти танга бераман, – сўзида давом этди ота. – Муттаҳам лўлию мўлтонидан кўра шуларга берган маъқул.

– Дуо қил, ўғлим. Оллоҳ мушкулимизни осон этсин, – деди амир отини ниқтаб жиловини силтаркан.

– Оллоҳ ёру ёрдамчингиз бўлсин! – дея жажжи қўлларини дуога очди бола. – Неки ниятингиз бўлса эгам икки мислини берсин!

– Омин! – деди амир жиловни бўш қўяркан.

ЎНИНЧИ БОБ

Битмас ишнинг бошига,
Ботир келар қошига.
Ота сўзлари

Девон амири ва садр қози Бекижак ҳоким саройи ўнгидаги саҳнда безовта юрар, Самарқанд қўшинининг йўлга чиққани хабари унга ҳам етиб келган эди.

Улуғ амир Идику ва ҳоким ўғлининг отларини қичаб, ўзи томон келаётганини кўрган соҳиб ихтиёр икки давлатпаноҳи истиқболига қараб юрди.

– Саройга кириб ажала маслаҳатлашайлик! – деди амир Идику оти жиловини ортидан етиб келган навкарга узатаркан. – Темурхону Жалолиддин каби рақиблар бизга озлик қилган кўринади чоғи, Бекижак.

– Шуни айтмайсизми, улуғ амир ҳазратлари. Бироқ темурийлар бизнинг саройликлар каби ёвуз эмас. Улар билан тил топишса бўлади, – ортидан гапириб келарди амир Бекижак.

– Шундай деб ўйлайсизми, амир? – ўзининг хос тахтига оғир чўкди Идику Манғит.

– Божу хирожни талаб этганлари миқдорида хазинайи аморага етказиб турсак, ҳокимиятни ўзимизга қолдириб кетишлари мумкин деган ўйдамен.

– Бундай таклифни амир Мусокони Гурганждан қувиб чиқармасдан бурун қилганимизда бошқа гап эди. Энди ҳайит ўтдими дейман, қардошим? Улар бу имкониятни қўлдан чиқармасалар керак деган фикрдамен.

– Улуғ хоқон Амир Темур шундай қилар эди. Буларни билмадим. Кўрмаганнинг кўргани қурсин дегандек,

усиз ҳам оталаридан қолган мамлакат ўз-ўзию ётлар томонидан сўйилган қора қўчқор каби нимталаниб ётибди. Бу турумда ҳар бир кўю қасаба учун кўйлакдан ёқа, иштондан поча қолгунга қадар ёқалашсалар керак.

– Эҳтимолдан холи эрмас. Шоҳруҳ амир Худойдоду Шайх Нуриддин ишини бир томчи қон тўкмай ҳал этган. Ҳар қандай турумда улар дастлаб шу йўлни танлайдилар. Сўнгра бизнинг давранишларимизга кўра ҳаракат этадилар. Бу қўнуда сен не дейсан? Нечун индамай ўтирибсан? – ўғли Муборакшоҳга қаради амир.

– Менга қолса уларни муносиб қаршилаб, келган томонига қараб қувиб солиш керак! – деди қаҳр билан Муборакшоҳ.

– Ҳоким авлодимизнинг бу фикрларига не дейсиз, қози ҳазратлари? – яна Бекижакка ўгирилди амир.

– Шошмаслигимиз, ўйлаб иш тутмоғимиз керак, подшоҳим, – Муборакшоҳга қаради амир ул-умаро. – Савашмоққа ҳар замон улгурамиз. Сулҳу омонликка йўл қолмагач, бу ҳақда ўйлаб кўрмоқ мумкиндир, – нигоҳида норозилик аломати зоҳир бўлди бош вазирнинг.

– Саройдан қувилдик. Гурганжни ташлаб чиқсак. Хўш, саккизта хотинимизу кўч-кўронимизни кўтариб қайга борамиз? Қиримга қочиб борамиз десам, у ерни бободушманимиз Тўхтамиш банд қилиб ўтирибди. Ҳожитархонни босиб олиб давлатимизни эълон этамизми? – елкасини қисди Муборакшоҳ.

– Усмонли турклар орасида “Фармон султонники, тоғлар бизники” деган нақл юрар экан. Шундан келиб чиқиб, Гурганжу Сарой уларники, Дашту Қипчоғу Турон текислиги, Қорақуму Қизилқум бизники. Истаган еримизда суруву подамизни ёйиб юраверамиз. Дашту саҳролар, яйлоғу даралар, шаҳару қасабалардан кўра

хавф-хатарсиздир. Эмин-эркин кезамиз. Бундан изтироб чекманг, подшоҳим, – Муборакшоҳни таскин этмоққа уринарди амир Бекижак.

– Абад ул-абад, тузук-қуруқ пойтахтсиз, далаю даштни танг қилиб чодирдавлатда яшамоқ пешонамизга битилган экан-да. Бошкентимиз бўлмаганидек, эртага бу қум саҳроларида авлодларимиз қабримизни ҳам тополмайдилар, – қизишди Муборакшоҳ.

– Подшоҳ ўғлим, сўзларингиз жуда тўғри. Эътироз билдиражак ҳолимиз йўқ. Бироқ бу масалани муҳокама этиб, кенгашмоқнинг фурсати эмас. Қаршимизда турган хавфни бартараф этиб, бу ташвишу таҳликадан талафотсиз чиқиб олмоғимиз керак, – босиқ ва маслаҳатомуз оҳангда қўнишарди амир Идику. – Менимча, айни дамда масаланинг ҳар қандай ечимига ҳозир турган ҳолда у тарафдан келажак одаму таклифни бекламоқ лозим.

– Жуда маъқул фикр, – деди Бекижак амир Идикуни қувватлаб.

Ич-ичидан отаси ва бош вазирининг фикрига қўшилмаган Муборакшоҳ қайтиб оғиз очмоққа журъат этмади.

– Сизлар, кўпчилик не деса шу, – деди шаштидан тушиб. – Нима ҳам дердим. Қайтайлик десак орқа эшигимиз ҳам берк. Ёки кичик қардошим Султон Маҳмуд билан гаплашсакмикан? У бориб қайноғаси Жалолиддин Султон билан қўнишиб, вазиятни англатсамикан? – отасига қаради Муборакшоҳ.

– Бир оз сокин бўлинг, подшоҳим, – ўғлини сизлашга ўтди амир Идику. – Асил эр йигиту баҳодирларнинг кимлиги мана шундай оғир, машаққатли дамларда билинади. Бу – ҳукмдорлигу инсонликнинг энг буюк имтиҳонидир. Ана шундай девону тўсиқлардан ўта

олишни эпласангизгина кўзлаган маррангизга етиб борасиз. Биз учун йўқотадиган ҳеч нарса йўқ. Насиб этган экан, Хоразм юртини етти йил идора этдик. Кеча Пўлатхон ўтирган тахтда бугун Жалолиддин Султон ўтирибди. Эртага бу рутба сизга насиб этар балки. Биз сиёсату салтанат кўпкарисига кирганмиз. Эндиликда истасак-да, ундан чиқиб кета олмаймиз. Атрофимизда байталини қамчилаб юрган хону хонзодалар, беку бекзодалар борки, келиб биздан ёрдам сўрайверадилар. Сиз индамай бекланг. Жалолиддин Султон ҳам ўз одамини юбориб қолади. Ўзингизни ошиғи олчи тушган қиморбоз каби тутинг. Сиёсат ўйинининг таомили шундай, ўғлим.

Амир Идикунинг тош босар гапларидан таъсирланган бош вазир Бекижак бошини маъноли солларди.

– Бизнинг Сарой Берка билан муносабатларимиз терслашганини билиб туриб, улар бу тарафга қараб от қўйганлар, улуғ амирим, – яна ўз фикрини билдирди амир Бекижак. Манғит амирлари ила Жўчи хонлари неқадар ўзаро ёвлашиб қирпичоқ бўлсалар, уларга шу қадар маъқул келади. Биринг ўлиб, биринг қол дея олқишлайдилар. Биз, кўзимиз-да кўнглимиз каби қисиқ мўғулу манғитлар шунга имкон бердик. Айб ўзимизда. Орқамизда Олтин Ўрда турганида бунга журъат этмасмидилар?

– Бир қалдирғоч келгани билан баҳор, бир қарға келгани билан қиш бўлмайди, устоз, – амир Бекижакка қўлини пахса қилди Муборакшоҳ. – Бир қоровулнинг хабари ҳали ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Бизга қарши ким келмоқда? Савашсак ким юзма-юз бўлади? Буни ҳеч ким билмайди. Шоҳруҳ икки дунёда бошкенти Ҳиротнинг атрофини ўраган сон-саноқсиз душманларига ташлаб, отасини ҳолдан тойдирган Хоразм сафарига чиқмаса

керак. Уч-тўртта улуғ амирини беш-ўн минглик черик билан юборар. Бундай қўшин бизда ҳам бор. Шундай экан, сувни кўрмаёқ этик ечишга киришмайлик демоқчиман, ота, – юмшоқ оҳангда отасига мурожаат этди Хоразм ҳокими. – Сулҳу таслимчилик кайфияти лашкарга ўтса борми? Бир кечада бутун бошли қўшин ғойиб бўлиб, Сарой томон йўл олиши мумкин, – ҳамон савашмоқ фикридан воз кечмас эди Муборакшоҳ.

– Биз ҳам ҳаччакалла сулҳ тузиб таслим бўлайлик деяётганимиз йўқ, ўғлим. Турумга кўра қарор қабул қилиб, ҳаракат этамиз. Айни вазиятда кенгашиб, уч йўлдан бирини танламоғимиз керак бўлади ва ўшанда шошиб қолмаслигимиз учун ҳозирдан ишни пухта-пишиқ ўйлаб қўйишимиз керак. Биринчи чиқиш йўли – сулҳ. Иккинчиси шаҳарни сўғишу савашсиз ташлаб чиқмоқ. Учинчиси сиз айтганингиздек, қарши туриб жанг қилмоқ. Ҳозир амиру қўмондонларимизни тўплаб бир кенгашайлик. Боиси, биз қабул қилган қарорга кўра ишимиз тескарига кетса, бутун қабоҳат учовимизнинг бўйнимизда қолади.

– Бу гап-сўзлар лашкарни чўчитмасмикан, улуғ амирим? – ўз андишасини сўйлади амир Бекижак.

– Уч калла яхши, амир жаноблари. Ўн калла эса ундан-да маъқул. Давлат арконидан муаммони беркитиб, не қилдик? Қувончу қайғумиз ўртада. Тожу тахт, давру даврон иши шунақа. Икки қилич бир қинга сиғмайди. Бу ҳудудда икки эмас, уч подшоҳнинг тирлашуви кетмоқда. Аслида биз ўзимизни бир оз четроқда тутиб, Жалолиддин Султон билан уларни қарама-қарши қилиб қўйишимиз керак эди. Бу ўйиннинг калласини бир ҳафта шаҳар майдонига осиб қўйганимиз, итдан тараган Қожулой кўппак бузди. Хоннинг улуғ амирлари сулҳу яраш-ла Саройга йўл олганида унинг баҳодирлиги тутиб, ортга қайтди ва

итга ит ўлими қабилида жазосини олди. Аслида Шоҳруҳ хоқон каби темурийга Жалолиддин Султон каби чингиззода муносиб рақибдир. Биз пақир эчки панада тарзида бу ғавғодан четда турганимиз маъқул эди. Қожулойни ер-ла яксон этгандан сўнг Ғозонхон билан борган англашмамизга кўра кўмак истаб хонга мурожаат этолмаймиз. Устимизга йўрганни ўзимиз тортмоғимизга тўғри келади, – ўғлининг иддаосига жавоб берди амир Идику. – Аммо ўлма эшагим, арпа пишар деб ўтирмаймиз. Ҳаракатимизни қилмоғимиз керак. Ўлмаган қул вақти замони етиб, олтин косадан сув ичар, дейдилар. Иншооллоҳ, шундай кунлар узоқ эрмас, – бош вазир ва ўғлига боқароқ оҳиста қўнишарди амир Идику.

Самарқанд чопари узоқ беклатмади. Амир Аликиё юборган элчи Тошмурод туёқли манғит беклари қаршисида ўтирарди.

– Тамом. Амир Аликиёга сўйланг, сулҳ матнини бизга етказсинлар. Ҳар икки тарафга маъқул шартлар асосида яраш ва битимга розимиз, – деди амир Идику гапни узатмай. – Қардош қавмларнинг бир-бирининг қонини тўкмоғига лузум йўқдир.

Шоҳруҳсултон амирлари билан имзоланажак сулҳ хабарини туйган гурганжликлар ўз-ўзидан кўчаларга чиқиб байрам қила бошлади.

– Бу қавмнинг сотқинлигини билар эдим, – деди Муборакшоҳ кечаю кундуз бирга юра бошлаган отасига. – Улар бизни суймайдилар.

– Душманни пахта билан бўғизлашга ўрганинг, ўғлим. Подшоҳ ҳеч қачон бировни яхши кўриб, иккинчи кишини ёқтирмаганлигини юз ифодасидан сездирмаслиги керак. Усиз ҳали бизнинг ташқаридаги душманларимиз етарлидир. Сулҳ тузамизми, жанг қиламизми,

шаҳарликларга яхши гапириб, елкасини силаб турмоқ лозим. Улардан сўнгги жавоб ва шартларни олайлик. Шунга қараб ҳаракат этамиз. Ўғлим, сиз шаҳар оралаб, улус кайфиятини билиб, улар кўнглини олмоқ жаддида бўлинг. Биз ҳорғин оқсоқоллар шу ерда бўлиб турайлик, – деди амир Идику ҳоким ўғлини вазиятдан хабар олмоқ учун жўнатар экан.

Боши қотган Муборакшоҳ ўн чоғли қўримаси билан шаҳар, гузар ва маҳаллаларни айлангани кетди.

Улуғ амирнинг қирқ йиллик дўсти Бекижак давлатпаноҳининг не истаяжагини беш қўлдек билгани учун кўзига термулганича амр бекларди.

– Не қилмоқни ўзинг биласан, Бекижак. Чоғир ва қовурилган балиқ буюр. Канизакларнинг битта бокирасидан келтиришсин ва ҳаммомни ҳозирлашсин! – Ўзлари ҳам кўнгиллари тусаган малакни танлашлари мумкин.

– Бир оғиз дўқлари! – деди амир Бекижак садоқатли дўстига хизмат этмоқ ва баробар истироҳатдан мамнуният туйиб пилдираганча солиндан чиқаркан.

Кўп ўтмай яна улуғ амир ҳузурига кириб келди.

– Истироҳат бўлмасига ўта билурсиз, дўстим. Ҳар неки истагингиз ҳозиру нозир. Бир эмас, зоти олийларига бир неча бокира мунтазир, – деди таъзим этароқ.

– Инсон зотининг жонисан-да, бек! – болалик оти билан дўстига мурожаат қилди амир. – Шоҳ бўлдингу, гадой бўлдингу охир-оқибат иш чорчўпу тахта тахтда тугар экан. Кел энди, шу ўлар дунёда яйраб қолайлик. Қаршимизга ким келса келсин. Кимсан Амир Темурнинг дўсти Идику Манғитнинг олдидан ўтиб, кимса менга қилич кўтара олмайди. Хоқони саид Шоҳруҳ кўп тақводор ва диёнатли кишиликдир. Керак бўлса,

мен унга Хоразмни ҳадя этиб кетаман. Сабаби, Темур Тўхтамишнинг белини синдирмаганида, мен ва биз бу мавқега эришмаган бўлур эдик, Бекижак. Тўғрими?

– Тўғри, улуғ амирим. Сиздек инсону султон дунёда ягона.

Икки дўстни саройнинг истироҳат бўлмасида канизаклар, хизматчи ва хожасаролар бекларди.

Шаҳарликларнинг руҳи ҳолидан хабар олгани чиққан Муборакшоҳнинг кўзи арк дарвозасидан кириб келаётган бир гуруҳ мударрис ва тужжорларга тушди.

– Улар қайдан дўнмоқдалар? – сўради ёнидаги навкаридан Муборакшоҳ.

– Билмадим, подшоҳим, – жавоб қилди навкар.

– Бор-чи? Уларни олдимга ҳайдаб кел!

– Раият билан ғижиллашиб ўтирамизми? Ёнларига бориб қўя қолайлик, – фикр билдирди аскар.

– Тўғри айтасан. Юр қани, – ҳовлиқишганча хурсанд келаётган йигирма чоғли тўдага қараб юрди Муборакшоҳ.

– Зиёрат қабул! Қайдан дўнмоқдасиз? – тиши орасидан сўзлади ҳоким.

– Сулҳ муждасини эшитиб хурсанд бўлдик, подшоҳим! Бу хайрли ишга биз ҳам кўмак этайлик, дея қўноқларга совға-салом олиб чиқдик, – жавоб қилди шаҳар бойларидан бири Ҳалимбой Қозоқ.

Муборакшоҳ унга сен ҳам одамман дея ошқовоқдек шу бошни кўтариб юрибсан-да, дегандек тикилиб қараб турди.

– Кимдан рухсат сўрадинг? – ёши ўзидан катта кишини сенсиради Муборакшоҳ.

– Хушхабарни эшитдигу, бирлашиб шу қарорга келдик, подшоҳим. Сизга кўмак этмоқ истадик, – ранги қути ўчди тужжорнинг.

– Бу иш менинг амрим ила бўлганида майли, англаш мумкин эди. Бироқ беш-ўн кишининг ўзбошимларча устимизга бостириб келаётган қўшин қўмондонларига совға-салом олиб чиқиши, менимча, куппа-кундузи қилинган сотқинликка киради, Ҳалимбой Қозоқ. Ёки янглиш қўнишмоқдаманми? – қаҳрини аранг тизгинлаб турарди Муборакшоҳ.

– Биз... Мен билмасам, подшоҳим. Одамлар тўпланишиб шу қарорга келишгач, қон тўкилмаслигидан мамнун бўлиб чиққан эдик, – зўрға тили айланди савдогарнинг.

– Халойиқ, одамлар ўз-ўзидан тўпланмайдилар, қориндор бой. Уларни сенга ўхшаган ёнчиғи ақчага тўлгач, ҳокимият истаб қолган бойваччалар ёки ана у Қори Фозилга ўхшаган жаллодпутуш имомлар йўлдан уриб, фисқу фасод йўлига бошлайдилар. Ёки хато сўйламоқдаманми? – от устида турганча овозини баландлатди Хоразм ҳокими.

– Тўғри, тўғри сўйладингиз, подшоҳим, – каловланди бой.

– Унда, жуда яхши. Сулҳ тузилса хўши-хўш. Мабодо бу иш амалга ошмаса фитна оловини ёқиб, элдан бурун яғийга қуллуқ қилганинг учун Қажулой баҳодирнинг боши ўрнида сенiки туради. Англашдикми? – писанда қилди Муборакшоҳ.

Ҳалимбой Қозоқ нега жим турибсизлар? Талқон ютганмисизлар дегандек атрофидагиларга кўзлари жовдираб боқарди. Бироқ кимса юрак ютиб, бирор калима демади.

Муборакшоҳ отига қамчи босганча Бухоро дарвозаси томон от қўйди.

– Лашкарнинг кайфияти қалай, бек? – сўради

Муборакшоҳ дарвоза тепасидан ғизиллаб тушиб келган Дадашайтон лақабли манғит қоровулбегидан.

– Улар устига тунбосқиси уюштириб, Хоразмга босиб келиш қандайлигини кўрсатиб қўйиш керак, подшоҳим. Ади-бади айтишиб ўтирамизми? Сулҳ деган гапларни эшитдик. Нега энди қиличимизни сермамай сулҳ учун қўлга қалам олиш керак? Барча ҳайрон ва норози, – жанг қилишга мойил аскарларнинг кайфиятини ифода этди қоровулбеги.

– Сулҳдан кўпчилик норозими? – сўради Муборакшоҳ.

– Мен билган беш юзлик норози, подшоҳим! Ана у хоинлар билан ўзингиз гаплашдингиз! Қўйиб берсангиз, бу сотқинлар хотину қизларини ҳам тақдим этадилар.

– Унда ўша юзликларга етказ! Жангга ҳозир туришсин! Ҳар даму дақиқада вазият ўзгариб қолиши мумкин! – буйруқ берди ҳоким.

– Агар улар ҳужум қилишса қаршилик кўрсатайликми, подшоҳим? – сўради қоровулбеги.

– Нафақат қаршилик кўрсатинг! Қувиб солинг бу сарту мўлтониларни! Сулҳ дегани аҳмоқнинг бўғзида! Биз уларнинг оғзини искаб кўриш учун мулоқотда бўлдик. Истасак, бир ҳамлада тўп-тўп жасадларини Қорақум калхатларига ем қиламиз! – дами баланд эди Муборакшоҳнинг.

– Амри фармонлари бош устига, подшоҳим! – бекланган буйруқни олган эди юзбоши.

Муборакшоҳ Идику Манғит кутган хабар бир кун ўтиб келди. Амир Илёсхўжанинг навкарлари Самарқанд дарвозасига туташ маҳаллаларга бостириб кирди. Қаршилик кўрсатган ўн чоғли киши ўлдирилиб, ўттиз нафар аскарни асир олдилар. Дадашайтон юзбошининг черигига қўшилган, қариндош-уруғи ўлдирилган ва асир

олинганлар гуррос-гуррос бўлиб дарвозадан чиқар эди. Шу тариқа шаҳар ташқарисида жанг бошланиб кетди.

– Сулҳ ҳақида музокаралар давом этмоқда, Дадашайтон! Савашни тўхтатинглар! Сен устоз шайтон темурийларга бас келаман деб ўйламоқдамисан? Энангни Ҳожитархондан кўриб қолма тағин! – эллик чоғли маҳалладошлари билан бориб Дадашайтон юзбошига мурожаат қилди Ҳалимбой Қозоқ. – Шу қадар қонсираганмидинг! Халқни ўйласанг бўлмайдими?

– Сен, бир қоп гўшт, халқни ўйлайдиган бўлиб қолдингми? Қачондан бери? Саваш юз бергудек бўлса, мол-мулкингдан айрилиб қолмасликнинг дардида сотқинлик қилиб, босқинчиларга ҳадя ташиб, оёғини ўпиб юрибсан! Йўқол кўзимдан! Ҳозироқ қизил қонингга бўяб, шишган қорнингга найза суқиб, фаввора қиламан!

– Босқинчи ким эканлигини ўзинг яхши биласан, ит манғит! Қирқ йилдирки, биз султон соҳибқирон ва авлодлари табааси эдик. Сенинг амиринг, Темурнинг доридан етти, Тўхтамишнинг кундасидан саккиз қочган Идику Манғит сотқинлик қилиб, улуғ хоқон ҳазратлари ҳаётдан кўз юмишлари билан Хоразмга бостириб кирди. Керак бўлса қандай келган бўлсаларинг, худди ана шундай жуфтакни ростлайсанлар! – паст келмасди Ҳалимбой.

– Ҳозироқ чопиб ташлайман сени, мешқорин! – дея қилич билан ташланди юзбоши.

Паншаха кўтарган икки йигит юзбегининг қаршисига отилиб чиқди.

– Унга тегманглар, йигитлар! Жазосини беражак кишилар эрта-индин келиб қолсалар керак. Турумни чигаллаштирмайлик! Ўз орамиздан ўт чиқиб кетмасин! Биз сулҳу тинчлик тарафдоримиз! Саваш истамаймиз! Одамларнинг қонига ташналар боришсин! Ана Аму

соҳилида Самарқанд черигиниг турибди. Тўйгунча савашсинлар! Бироқ жангнинг шаҳар ичида юз беришига йўл қўймаймиз! – йиғилганларга мурожаат этди Ҳалимбой тужжор.

– Тўғри!

– Саваш истамаймиз!

– Бизнинг подшоҳ Шоҳруҳмирзо!

– Манғитлар Урганчдан чиқиб кетсин! – тўдадан овозлар эшитилди.

– Биз ҳам жанг қилишни хоҳламаймиз! Фақат амирлар Саййид Али ва Илёсхўжаларнинг икки юзлиги шаҳарга кирган! Самарқанд черигининг бошқа юзлигу мингликлари ҳам биз каби савашмоқ ниятида эмас! Мен ҳам мана шу юзбегининг ўнбошиси Мардонқул Манғитман! Барча манғитлар жангу жадал тарафдори эмас! Шунга қараб ҳаракат этинг! – халойиққа юзланиб деди ўнбеги.

– Маъқул!

– Жуда яхши!

– Унда уруш ҳаракатларини тўхтатинг! – одамлар орасидан садолар келди.

– Биз жанг қиламиз! Савашмоқ ниятида бўлганлар ортимдан эргашсин! Хоинлар эса мана бу икки сотқиннинг ёнида қолсин! – деди юзбоши оти жиловини силтаганча шаҳар ташқарисига йўл оларкан.

Жанг ярим тунгача тўхтамади. Самарқанд қўшини савашмоқни истамаса-да жангда рақибни енгишни ният қилган юзлик ва жангари гуруҳлар қон тўкмоқда давом этарди.

Чингиз ўғлонни ёнига олган амир Идику қўшини билан Амударё бўйида турар, шаҳарни тасарруф этмоқ, Муборакшоҳ зиммасига юкланган эди.

Шаҳарнинг барча дарвозаларидан хабар олиб турган

Муборакшоҳ мижжа қоқмай юзбошию мингбошиларига амр берар, ҳар эҳтимолга қарши хотинларидан яширган олтин ва қимматбаҳо ашёлар солинган сандиқнинг устига ўтирганча қандай қилиб шаҳардан олиб чиқиб кетиш ҳақида ўйларди.

Хонага афт-башараси ва уст-бошига қон сачраган юзбоши Дадашайтон Манғит кириб келди.

– Сўйла, Дадашайтон! Не гап-сўзлар? – сўради Муборакшоҳ ҳолдан тойган юзбошидан.

– Яғийни улоқтириб ташладик, подшоҳим! Бироқ сулҳ сўзи оралагандан бери ҳар икки тараф лашкари ҳам астойдил савашмоқ ниятида эмас. Бизнинг уч-тўрт юзлик элидан келган ишни қилди. Душман ўликларини тўплаб, тепа қилиб қўйдик. Имкон қадар уларни кўприклардан ўтказмадик.

– Жасадлардан тепа қилишга лузум йўқ! Қарши тарафга билдиринг! Ўликларини олиб кетишсин!

– Энди нима қиламиз, подшоҳим? Бир неча юзлик билан савашиб бўлмайди. Ёки эсимиз борида этагимизни ёпайликми? – ночор ва ҳорғин нигоҳини ҳукмдорига тикди юзбоши.

– Этакни ёпмоққа улгурасан, Дадашайтон. Бунинг учун жуда катта ақл керак эмас. Ҳозир эса бир иш қиласан. Аввал мана бу ҳамённи ол-да, ёнчиққа сол! – дея халтадаги олтин тангаларни юзбошига узатди Муборакшоҳ.

Юзбеги ҳамённи олароқ кафтини қўйнига тиқди.

– Қуллуқ, подшоҳим! Оллоҳ сизга мингини берсин! – деди кўзлари ёниб.

– Сўйлаганим каби бир муҳим ишни амалга оширасан! – дея ўтирган сандиғи бўйлаб айлана бошлади Муборакшоҳ.

– Буюринг, подшоҳим! Кимнинг калласини келтирай?

– Калла олмоқдан-да аҳамиятли иш бу, юзбоши, – навкарининг кўзига тикилди Муборакшоҳ. – Ҳозироқ қайтиб бориб, энг яқин одамларингга буйруқ берасан. Қиблагоҳ ва Чингиз ўғлон қўшинлари соҳил бўйида ер тепиниб турибди. Ўзаро маслаҳатлашиб, ёв устига ташланмоққа қарор берибдилар. Кишиларинг кечаси амир Идику ва Чингиз ўғлон қўшинлари етиб келиб ҳужумга ўтиши овозасини тарқатсинлар! Шодлигу ғалаба ноғораларини чалдир! Шу тариқа яғийнинг ўтакасини ёриб, жойини соламиз! Англадингми?

– Англадим, подшоҳим. Улуғ амир ва ўғлоннинг черик-лари ростдан ҳам келишдими?

– Мен сенга не дедим? Ҳоким менман ва мен не десам деганим бўлур! Менга ортиқча савол бермай ишга кириш! Афт-ангорингга ҳам қараб бўлмай қолибди. Бизнинг ҳаммомга кириб ювиниб ол!

Юзбеги ер-ла баробар бўлиб эгилганча тисланди.

Муборакшоҳнинг тасодифан ақлига келган тадбир иш берди. Кундузи шаҳар ҳимоячиларининг қаттиқ қаршилигига дуч келган, кечаси амир Идику ва Чингиз ўғлон черигининг етиб келганлигини эшитган амирлар Саййид Али ва Илёсхўжа суворийларига отлари жиловини орқага бурмоқ амрини беришди.

Ўнлаб ноғораларнинг садоси Урганч осмонини ларзага келтирар, лашкарнинг тантанавор ҳайқириғи акс садо бериб янграрди.

Самарқанд қўшинининг чекинганини кўрган манғит юзликлари ўлжа иштиёқида кўприкдан ўтган, ўтмай ортга қайтган ва араваларини ташлаб қочаётган Самарқанд лашкари устига ташланди. Туя-туя юк ва арава-арава дон-дунни қўлга киритдилар.

От алмаштириб Ҳиротга бир ҳафтада етиб келган чо-